Б.Б.БЕРКИНОВ
У.Қ.АХМЕДОВ

УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ (ТДИУ)

ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ (ИИТМ)

Б.Б.БЕРКИНОВ,
У.Қ.АХМЕДОВ

УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 330.567.28
КБК 39.34
Б-28 489

Б-28 **Б.Б.Беркинов, У.Қ.Ахмедов. Уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 144 бет.**

ISBN 978–9943–10–896–7

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари турлари, унинг оила билан функционал боғлиқлиги, уй хўжалигининг инсон капиталини ривожлантиришдаги ижтимоий - иқтисодий функциялари ва уларни амалга оширишнинг услубий жиҳатлари асосланган.

Шунингдек, оила турмуш даражасининг асоси сифатида уй хўжаликлари даромадларининг ўзгариш тенденцияси баҳоланган ҳамда молиявий ресурслар айланмасида улар жамғармалари аҳамияти тадқиқ этилган. Уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши ва оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилган.

Бошқарув органлари раҳбар ва мутахассислари, илмий ходимлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, катта илмий ходим – изланувчилар ҳамда магистрантларга мўлжалланган.

Тақризчилар:
Н.С.Хушматов – иқтисод фанлари доктори, профессор;
Ф.Т.Эгамбердиев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий кенгаши қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

ISBN 978–9943–10–896–7

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

КИРИШ

Бозор шароитида уй хўжаликлари иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида қаралади ва улар миллий иқтисодиёт тизимида муҳим ўрин эгаллайди. «Уй хўжалиги» атамаси, унинг ҳозирги талқинида мамлакатимиз иқтисодий адабиётлари ва статистикасида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида, миллий ҳисобчилик тизими киритилгандан сўнг пайдо бўлди.

Уй хўжаликлари ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва бошқа функцияларни бажариб, давлат ва жамият ривожига катта таъсир кўрсатади. У меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг манбаси ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, уй хўжаликлари ривожига шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аҳоли уй хўжаликлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланган. Уларга мувофиқ уй хўжаликларига қўшимча ер участкалари ажратиш, кам таъминланган оилаларга чорва моллари бериш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш оилаларга уй-жойлар бериш йўлга қўйилган. Натижада мамлакат бўйича уй хўжаликлари сони ҳамда даромадлари кескин кўпайди, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши жадаллашди. Шуларга қарамай, уй хўжаликларининг ривожланиши, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти, уларнинг бозор муносабатларида иштирок этиш қўламлари мамлакатни модернизациялаш, барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш талабларидан ортда қолмоқда. Ҳозиргача уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий функциялари ҳамда ривожланиш қонуниятлари тўғрисида тизимлаштирилган билимлар етишмаслиги, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи, қўллаб-қувватловчи ҳамда рағбатлантирувчи расмий ва норасмий институтлар етарли даражада ривожланмаганлиги кутилган натижаларга тўлиқ

25610

эришишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан саналади.

Уй хўжаликларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс катта бўлишига қарамай, уларни бошқариш вазифалари фақат макроиқтисодий ёндашув усуллари негизида статистик кузатув асосида амалга оширилади. Алоҳида тоифага кирувчи уй хўжалиги ёки уларнинг гуруҳи микродаражада даромадлар ёки умумий самарадорлик нуқтаи назаридан деярли ўрганилмаган. Уларнинг қандай фаолият юритиши, ривожланиши, талаблари ва тадбиркорлик фаолияти муаммоларини ўрганиш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда 2012 йил «Мустаҳкам оила йили»[1], 2013 йил эса «Обод турмуш йили»[2] деб эълон қилиниши, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижавийлигини янги поғонага кўтаришда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан уй хўжалиги ва оила мустаҳкамлигига, унинг ободлиги ва фаровонлигига бевосита таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш, улар ўзгариши қонуниятларини билиш, оилалар ривожланишини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз ҳудудларини янада ривожлантиришга уй хўжаликларининг мавжуд салоҳиятини жалб этиш йўлларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Уй хўжалигида оила унинг асосини ташкил этади ва оила бутун жамиятнинг ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаради ва жамиятда яратилган барча маҳсулотларнинг пировард натижада истеъмолчиси ҳам шу оила ҳисобланади ва оила бутун жамиятни биологик, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ҳаётийлигини таъминлайди. Шуларни ҳисобга олганда уй хўжаликлари ривожланишининг илмий асосларини, рағбатлантирувчи механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантириш Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини оширишда янги истиқболларини очиб беришга кўмаклашади.

Юқорида баён этилган ҳолатларни ҳисобга олиб ушбу монография бобларида уй хўжаликлари фаолияти ва улар ривожланишининг илмий-назарий асослари тизимлаштирилган, уй хўжаликларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли, аҳамияти ва

---

[1] Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи. 2012 йил, январь.

[2] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. 2013 йил, 19 январь.

уларни истиқболда ривожланиш тенденциялари, даромадлари ва харажатлари таркиби баҳоланган, уй хўжалигини ишлаб чиқариш ва оила тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш институтлари ва механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва даромадларини кўпайтириш йўлларини асослаш бўйича таклиф ва тавсиялар асосланган.

I боб. УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан функционал боғлиқлиги

Ҳозирги вақтда уй хўжаликлари фаолиятининг муаммоларига эътиборнинг ортганлиги кузатилмоқда. Бу ҳол, авваламбор, уй хўжаликларининг миллий иқтисодиёт ўсишига қўшаётган ҳиссаси ошаётгани билан боғликдир. Бу уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, унинг белгилари ва таркибий-функционал хусусиятлари, ривожланиш омилларини чуқуррок билишни талаб қилади.

Ҳозирги «уй хўжалиги» тушунчаси кенг маънода ўта мураккаб, кўп қиррали ва кўп жиҳатли бўлиб, унинг энг умумий маъносига ҳам, унинг турли илмий манбаларда фойдаланиладиган муайян талқинларига ҳам аниқликлар киритиш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, уй хўжалиги жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, уни социология, демография, статистика, психология ва бошқа ижтимоий фанларнинг вакиллари ўрганади. Ушбу фанларнинг ҳар бири уй хўжалиги фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этади. Уй хўжалигининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг мажмуавий хусусиятга эга эканлиги унинг фаолият кўрсатишининг турли жиҳатларини ёритувчи кўп йўналишларининг мавжудлигидан далолат беради.

Иқтисодий категория сифатида уй хўжаликлари фаолият юритиши ва ривожланишининг илмий-методологик муаммолари мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда макродаражада уй хўжаликлари миллий ҳисоблар тизими доирасида иқтисодиётнинг алоҳида секторини ташкил этувчи статистик бирлик (ташкилот) сифатида М.Шариф-хўжаев, А.Ваҳобов, Х.Набиев, Б.Маҳмудов, Ё.Файзуллаев, Б.К.Ғойибназаров ва бошқалар [32,57,71,76,117] томонидан ўрганилган. Микродаражада уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш (деҳқон хўжаликлари) ва молиявий функциялари ҳамда оила тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари

А.Абдусаматов, Х.Аралов, Я.Алиев, У.Мухамбетова, А.Мухторов, Р.Саидов, Р.Султонов, Н.Хушматов, Р.Ҳусанов, М.Қосимов, Ш.Газиев ва бошқаларнинг [43, 73, 74, 80, 84, 86, 87, 104, 105] илмий ишларида таҳлил қилинган.

Хорижий тадқиқотчилардан Г.Беккер, Р.Барр, И.Баскакова, В.Жеребин, А.Олейник, Т.Лаврова, Е.В.Куликова, В.Д.Камаев, Е.В.Колдеева ва бошқалар [35, 36, 45, 47, 49, 52, 53, 63, 93] иқтисодий категория (бирлик) сифатида уй хўжаликлари фаолияти муаммоларини таҳлил қилишган.

Уй хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланиши муаммолари россиялик олимлардан В. Милосердов, А.Олейник, А.В.Чаянов, Г.И.Шмелев, В.Копач, В.Казарезов, А.Рассказов ва бошқаларнинг [46, 50, 58, 63, 75, 77, 111] илмий ишларида ўз ифодасини топган. Оила даромади ва харажатлари, бюджети ва уларда уй хўжаликларининг ўрни ва роли масалаларига В.Жеребин, Е.Петухова, Е.В.Куликова, С.Р.Левит ва бошқаларнинг [45, 52, 64] илмий ишлари бағишланган. Уй хўжаликларини институционал ёндашув нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муаммоларига Т.Веблен, Дж. Гэлбрейт, Д.Норт ва бошқа хорижий тадқиқотчилар [42, 44, 60] илмий ишларига бағишланган.

Ушбу илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, уй хўжалиги тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. Муаллифлар уй хўжалиги моҳиятининг турли дастлабки тушунчалари ва унинг функцияларини бош асос қилиб олган ҳолда, ўз таърифларини берганлар. Бироқ турли вақтларда, шароитларда ва турли вазифаларни ҳал этишда улар турли маънога ва турлича талқинга эга бўлган (1.1-жадвал). Уй хўжалиги тушунчасининг аниқ ижтимоий-иқтисодий ва таркибий-функционал таърифи мавжуд эмаслиги, уни тадқиқ этишни ягона бир ёндашувини шакллантиришдаги тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Тор маънода «уй хўжалиги» тушунчаси оила аъзоларига маиший хизмат кўрсатиш, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, уйда натура ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш каби хўжалик юритиш бўйича анъанавий уй ишлари йиғиндисини ўз ичига олади. Ҳозирги «уй хўжалиги» тушунчаси кенг маънода ўта мураккаб, кўп қиррали ва кўп жиҳатли бўлиб, «индивид» ва «оила» тушунчалари билан тавсифланувчи, лекин айни пайтда унга ўхшаш бўлмаган (чунки у бир индивиддан ҳам, бир неча оила аъзоларидан ҳам таркиб топиши мумкин) иқтисодий кичик тизим сифатида кўриб чиқилади.

«Уй хўжалиги» тушунчасининг таърифлари

1.1-жадвал

Муаллифлар	Таъриф
С.Р.Макконелл С.Д.Брю [55]	Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иқтисодиётни ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган пулни инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирувчи товар ва хизматларни сотиб олиш учун сарфловчи иқтисодий бирлик
А.Н.Олейник [63]	Уй хўжалиги – инсон капиталини такрор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳи. Уй хўжалигининг асосида ҳокимият муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқлари оила аъзоларидан бирига, яъни оила бошлиғига топширилади
М.Винтер, У.Моррис [98]	Уй хўжалиги – инсон капиталини такрор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва одатда оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳи
Н.И.Бойчук, Е.С.Корнеева [96]	Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иқтисодиётни ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган даромадларни инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирадиган товар ва хизматларни харид қилиш учун сарфловчи иқтисодий бирлик
О.В.Мироненко [59]	Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида уй хўжалиги – умумий бюджет ва яшаш жойи билан бирлашган, ҳар қайсиси ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат таъминотчиси бўлгани ҳолда бандлик мақомига эга бўлган, шунингдек, ҳам табиий, ҳам товар хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи бир ёки бир неча шахслар гуруҳи
М.А.Ахмедова [34]	Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги ресурслар, маҳсулотлар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилувчи, ўз эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга интилувчи бозор муносабатларининг агентини ўзида намоён этади
С.Ю.Барсукова [91]	«Уй хўжалиги» тушунчаси бир уйда яшовчи ва биргаликда хўжалик юритувчи шахслар гуруҳига тааллукли бўлиб, бу неъматларни биргаликда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда намоён бўлади. Уй хўжалигидан фарқли равишда оила қариндошлик тушунчасига асосланади, лекин ягона оилага бирлашиш

	учун етарли бўлган қариндошлик даражаси тарихий ва маданий контекстга боғлиқ
Г.П.Журавлева [110]	Уй хўжалиги – иқтисодиётнинг истеъмол сохасида фаолият юритувчи, бир ёки бир неча шахсдан таркиб топиши мумкин бўлган иқтисодий бирлик. У «инсон капитали»нинг барпо бўлиши ва такрор барпо бўлишини таъминлайди, мустақил равишда қарорлар қабул қилади, бозор иқтисодиётида қандайдир ишлаб чиқариш омилининг эгаси ва етказиб берувчиси ҳисобланади, шахсий эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга (фойдани оширишга эмас) интилади
Л.Ф.Орлов [108]	Уй хўжалиги – бу мамлакат иқтисодиётидаги жисмоний шахслар бўлиб, бунда улар бир нафар шахсдан ҳам, умумий бюджет билан бирлашган шахслар гуруҳидан ҳам таркиб топиши мумкин (қариндошлар бўлиши шарт эмас). «Уй хўжалиги» тушунчасига фаолиятини юридик жиҳатдан ҳам, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам ўз мулкдорларининг фаолиятидан ажратиб бўлмайдиган уй хўжаликларининг нокорпоратив корхоналари ҳам киради
Е.А.Мазная [54]	Уй хўжалиги – бу индивид билан жамият ўртасидаги, шунингдек, ўз бюджетини бирлаштирувчи ва биргаликда қарорлар қабул қилувчи, инсон томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш ҳамда ўз ҳаёти ва фаолиятининг шароитларини такрор яратиш мақсадида барпо этиладиган иқтисодий муносабатлар тизими

Манба: Илмий манбалар таҳлили асосида муаллифлар томонидан тузилган

«Уй хўжалиги» тушунчасининг юқоридаги таърифларда изоҳланиши ушбу категория ижтимоий-иқтисодий моҳиятининг аста-секин вужудга келиши ва шаклланишининг мантиғини акс эттиради.

Кўпинча уй хўжаликлари оиланинг иқтисодий, ижтимоий-демографик ва статистик белгиланиши сифатида кўриб чиқилади. Оила анъанавий тарзда никоҳ-қариндошлик муносабатлари, биргаликда ҳаёт кечириш, умумий бюджет ва биргаликда хўжалик юритиш белгилари билан таърифланади. Қариндошлик белгиси, оилани таърифлаш учун шарт ҳисобланса-да, лекин у ҳамма вақт ҳам иштирок этмайди, чунки оила таркибига ҳам туғишган, ҳам асраб олинган фарзандлар кириши мумкин.

Шунингдек, хусусан, турмуш ўртоғининг бошқа қариндошлари ҳам бир оила аъзолари бўлиши мумкин. Оила хўжалик нуқтаи

назаридан, биринчи навбатда, уй хўжалиги негизи сифатида кўриб чиқилади. Бунда хўжалик-иқтисодий тавсифлар, инсонларни кичик гуруҳга бирлаштирувчи иқтисодий алоқалар биринчи ўринга қўйилади. Шундай қилиб, «уй хўжалиги» тушунчасининг мазмуний аҳамияти ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга бўлади. У оиланинг ижтимоий таркиби, даромад-мулкий ҳамда сарф-харажат ва истеъмол қилиш салоҳияти билан тавсифланади.

«Уй хўжалиги» тушунчасининг мазмуни қишлоқ хўжалигида бандликнинг кетма-кет қисқариб бориши билан ортиб борувчи шаҳарсозлик ва саноатлаштириш муносабати орқали янада кенгаяди. Барча ушбу жараёнлар қариндошлик ва оила алоқаларининг заифлашувига олиб келади, оиланинг таркибий-функционал ўзгаришлари рўй беради. «Уй хўжалиги» тушунчасининг мазмуни ҳам ўзгаради. Уй хўжалиги, биринчи навбатда, инсонларни биргаликда турмуш кечириш учун бирлаштирувчи хўжалик-иқтисодий бўғин сифатида талқин этилади. Оиладан фарқли ўлароқ, у мустақил тарзда истиқомат қилувчи бир кишидан ёки қариндошчилик муносабатлари билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган бир неча кишидан таркиб топиши ҳам мумкин. Шунингдек, уй хўжалиги бир ёки бир неча оилалар (фарзандли эрхотинлар)дан таркиб топиши ёки ўз таркибида турмуш ўртоқларига эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Уй хўжалигининг таърифи муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ бўлиб, мамлакатлар бўйича фарқ қилади. БМТ комиссиясининг тавсияларига кўра (1981 й.), «уй хўжалиги» тушунчаси унинг доирасида алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳлари ўзини озиқ-овқат ва турмуш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган турмуш тарзига асосланган [119]. А.Г.Волковнинг ёзишича, аксарият мамлакатлар БМТ берган таърифга қўшилади. Лекин айрим мамлакатларда бошқа таърифлар ҳам қабул қилинган. Бунда уларнинг айримларида биргаликда тановвул қилиш, бошқаларида эса биргаликда истиқомат қилиш биринчи ўринда туради.

Масалан, айрим мамлакатларда (АҚШ, Швеция, Швейцария) алоҳида турар жойни эгаллаган шахс ёки шахслар гуруҳи уй хўжалиги ҳисобланади. Уй-жой турларининг хилма-хиллиги туфайли бундай таъриф аниқ эмас, шу муносабат билан жамоавий уй хўжаликлари ёки жамоавий (ижтимоий) турмуш тушунчаси пайдо бўлди. Жамоавий уй хўжалиги тушунчаси муассасаларда

доимий ёки узоқ вақт мобайнида истиқомат қилувчи шахсларга нисбатан қўлланилади. Улар жумласига Ғарб мамлакатларидаги қуйидаги муассасалар киради: черковларда яшовчи диндорлар гуруҳи; ҳарбий қисмларда истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар; шифохоналарда узоқ муддатли даволанувчи беморлар; узоқ муддат қамоқхонада сақланувчи маҳбуслар; қариялар уйлари ва болалар уйларида яшовчи шахслар.

«Уй хўжалиги» тушунчасининг мазмуни ўзгариши билан бир вақтда у ҳақидаги тасаввурлар тизими ҳам ўзгаради. Ушбу категориянинг моҳияти тушунчаси ҳам кенгаяди. Бу унга сифат жиҳатдан аниқликлар киритишни талаб қилади. Унда уй хўжаликларини нафақат ижтимоий-иқтисодий салоҳият билан, балки муайян функционал тузилма ва хўжалик-иқтисодий хатти-ҳаракати билан тавсифланувчи алоҳида кўп поғонали хўжалик тизими сифатида ҳам кўриб чиқиш талаб этилади.

Бу ҳол уй хўжалигининг бутун ҳаёти ва фаолиятини белгилаб берувчи якка тартибдаги (шахсий) ва жамоавий (оила) таркибий қисмларни ўз ичига олувчи хўжалик кичик тизими сифатида уй хўжалиги ҳақидаги асосий тасаввурларни чуқурлаштиришни назарда тутади. «Уй хўжалиги» тушунчасининг ҳозирги мазмуни хўжалик-иқтисодий, ижтимоий-демографик, ижтимоий-руҳий, маданий-ахлоқий, ҳуқуқий ва функционал хатти-ҳаракат хусусидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Уй хўжаликларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда олимлар уларнинг қуйидаги функцияларини кўриб чиқишади: таъминот, ишлаб чиқариш, жамғариш ва истеъмол [45]. Жамғариш ва истеъмол уй хўжалигининг энг муҳим ва интенсив ўрганиладиган функциялари жумласига киради. Уларнинг моҳияти инсонларнинг бевосита (овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим, дам олиш, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) эҳтиёжларини қондириш жараёнини, шунингдек, ушбу эҳтиёжларни қондириш шакллари ва усулларини тавсифлайди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва молиявий хизматлар бозори нуқтаи назаридан уй хўжалигининг мазкур функцияларини ўрганиш муҳимлиги биринчи даражали ҳисобланади.

Уй хўжалигининг таъминот ва ишлаб чиқариш функциялари унинг ҳаёти ва фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кўп ҳолларда уй хўжалиги функциялари хилма-хиллиги, ноаниқлиги ва аниқлашнинг мураккаблиги туфайли уларга уй хўжалигининг етакчи ва ҳал қилувчи функциялари сифатида қаралмайди. Шу

муносабат билан машҳур француз иқтисодчиси Р.Баррнинг нуқтаи назари катта қизиқиш уйғотади [35]. Унинг фикрига кўра, «уй хўжалиги» – бу «уйда ишлаб чиқариш», яъни у уй хўжалигининг истеъмол функцияси ва бирлаштирувчи белгиларига эмас, балки унинг ишлаб чиқариш функциясига эътибор қаратади [35]. Муаллиф ишлаб чиқариш функциясининг моҳиятига аниқлик киритмайди, балки фақат ишлаб чиқариш уй хўжалигининг ҳаёти ва фаолияти учун биринчи даражали ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини таъкидлашга интилади. Бунда бирлаштирувчи функция барча субъектлар фаолиятининг «ҳисоб юритиш ва қарорлар қабул қилиш ягона маркази»га бўйсуниши юз берадиган ҳокимият муносабатларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Шундай қилиб, уй хўжалиги ўзининг фаолият кўрсатиши қонунларига бўйсуниши лозим бўлган ташкилот (жамоа) сифатида кўриб чиқилади.

В. Камаев таҳрири остида чоп этилган «Иқтисодий назария асослари» дарслигининг муаллифлари «уй хўжалиги»га нисбатан деярли бир хил қарашларга эга [47]. Ушбу муаллифлар ўзларининг уй хўжалиги таърифида унинг ижтимоий таркибига ва бу билан боғлиқ функционал хусусиятларига чуқур эътибор қаратмаган.

Уй хўжаликлари ўз таркиби ва бажарадиган функцияларига кўра бир хил эмас ва шунинг учун улар муайян тарзда таснифланиши ва гуруҳланишини талаб қилади. Бунда у ёки бу уй хўжаликларини муайян хил жумласига киритиш мезони сифатида уларнинг турли тавсифлари қатнашиши мумкин. Қуйидагилар уй хўжаликларини гуруҳлашнинг асосий мезонлари бўлиши мумкин: туғилган жой (мамлакат минтақаси, табиий-иқлим зонаси); шаҳар ёки қишлоқ уй хўжаликлари; демографик хусусиятлар; даромадлар; уй-жой, мулкий салоҳият, асосий ишлаб чиқариш фондлари; уй хўжалиги аъзоларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги; уй хўжалигининг меҳнат салоҳияти; уй хўжалигининг ишлаб чиқариш-иқтисодий хусусиятлари; уй хўжалигининг ижтимоий мақоми. Лекин юқорида келтирилган таснифий белгиларнинг ҳеч бири ягона ва универсал тасниф ҳисобланмайди.

Ҳал этиладиган вазифанинг хусусиятига қараб уй хўжаликларининг таснифи ўзгартирилиши, табақалаштирилиши, кенгайтирилиши ёки аксинча, қисқартирилиши мумкин. Улар иқтисодиётнинг миллий ўзига хос хусусиятларини, бошқарув ва таҳлил эҳтиёжларини ҳисобга олиши мумкин. Лекин уй

хўжаликларининг турли-туманлигига қарамай, уларнинг барчаси учун ягона ва ҳал қилувчи жиҳатлар мавжуд. Уй хўжаликлари мавжуд бўлишининг базавий асосини уй хўжалигининг аъзолари билан жамият ўртасида (макродаража), шунингдек, уй хўжалигининг ичида (микродаража) юзага келадиган ички ва ташқи хўжалик-иқтисодий муносабатларнинг тарихан шаклланган муайян тизими ташкил қилади, бунда иқтисодий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шу муносабат билан сўнгги вақтда уй хўжаликлари фаолияти ва ривожланиш қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлиги англаб етилмоқда. Бу уларни тадқиқ этишда ахборот базасини янада кенгайтиришни талаб қилади.

Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, барча уй хўжаликларини оилавий, оиладан ташқари ва жамоавий турларга бўлиш мумкин (1.1-расм).



1.1-расм. Уй хўжалиги турлари.

Оиладан ташқари ва жамоавий уй хўжаликлари ўзаро никоҳ-қариндошлик муносабатлари билан боғланмаган, бироқ бу ўтмишда улар оилавий уй хўжаликлари сифатида мавжуд бўлмаганлиги ёки келгусида мавжуд бўлмаслигини англатмайди. Бундан ташқари, жамоавий уй хўжаликлари якка тартибдаги бюджетларга ва умумий қоидаларга бўйсунган умумий истеъмол харажатларига эга эмас. Бу назарий жиҳатдан жамоавий уй хўжаликларини қоидадан кўра, кўпроқ истисно тарикасида кўриб чиқиш имконини беради.

Ҳозирги иқтисодий шароитда «уй хўжалиги» ва «оила» тушунчалари бир-бирига жуда яқин. Шунинг учун адабиётларда аксарият ҳолатларда «уй хўжалиги» атамаси «оила» тушунчаси билан қўшилиб кетган ёки ўзаро тўлдириш ёхуд ҳатто ўзаро ўрин босиш қонуниятларига эга.

Шунингдек, «оила» тушунчасининг таърифлари унинг ўзига хос мақсади ва функцияларига кўра асосий эътиборни қаратади.

Масалан, қариндошлар гуруҳи сифатида [110] оилага қуйидагича таъриф берилган: «Оила – бирга яшовчи яқин қариндошлар гуруҳи ёки никоҳ ва қариндошлик муносабатлари билан боғланган инсонларнинг фарзандлар тарбиясини ва бошқа ижтимоий аҳамиятли функцияларнинг бажарилишини таъминловчи гуруҳи». М.Винтер ва У.Моррис тадқиқотида [110]: «Оила – бир уйда яшаши ва умумий бюджетга эга бўлиши шарт бўлмаган, оила-қариндошлик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашадиган гуруҳ» эканлиги эътироф этилади. Ф.И.Урумова эса [79]: «Оила – инсонларнинг, одатда, қариндошлик алоқалари ва турмушнинг умумийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кичик гуруҳи бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти индивиднинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади», -деб таъкидлаган. Ушбу таърифларда оиланинг қариндошчилик, никоҳ ҳамда ижтимоий функцияларни таъминлаш каби белгилари асос сифатида иштирок этади.

Уй хўжалиги ҳам қуйидаги асосий белгилар билан тавсифланади: биргаликда ҳаёт кечириш, биргаликда хўжалик юритиш, умумий бюджет ва никоҳ-қариндошлик алоқалари (1.1-жадвалга қаранг). Бунда никоҳ-қариндошлик алоқалари бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу ҳол шундай хулосага келиш имконини беради, «уй хўжалиги» ва «оила»нинг ўзига хос белгилари кўпинча мос келади, аммо оила уй хўжалигининг негизи ҳисобланади. Буни янада яққол кўриш учун уй хўжалиги билан оиланинг асосий белгилари ва таркибий-функционал хусусиятларини таққослаш мумкин (1.2-жадвал).

Уй хўжалиги ва оиланинг асосий функцияларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари, уларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириши ва боғлиқлигини кўрсатади, яъни уй хўжалиги ўзига хос (таъминот, ишлаб чиқариш, жамғариш ва истеъмол) функцияларининг муваффақиятли амалга оширилиши унинг бир вақтнинг ўзида оиланинг ўзига хос функциялари ҳисобланган унга хос бўлмаган (репродуктив, реакреация ва б.) функцияларининг сифати, сақланиши ва амалга оширилишига боғлиқ.

Бу уй хўжаликларининг асосий функцияларини тўлдириш, уларни ўзига хос ва хос бўлмаган турларга бўлиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради.

Биринчидан, таҳлиллар оила билан уй хўжалиги ўртасидаги узвий функционал боғлиқлик мавжудлигидан, шунингдек,

уй хўжалиги ҳамда оиланинг ўзига хос функцияларини тўлдиришидан, яъни ўзаро боғлиқ бўлиб, шунинг учун бир-бирига таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Оила ва уй хўжалиги функцияларининг таркиби

1.2-жадвал

Функциялар	Оила	Уй хўжалиги
Асосий ҳал қилувчи белгилар (аҳамиятига қараб пасайиш)	Никоҳ-қариндошлик алоқалари; яшаш жойи; умумий бюджет; биргаликда хўжалик юритиш	Яшаш жойи; биргаликда хўжалик юритиш; умумий бюджет; никоҳ-қариндошлик алоқалари
Асосий мақсадли функция	Инсонни дунёга келтириш	Инсон салоҳиятини такрор тиклаш
Ўзига хос функциялар (оила ва уй хўжалигининг моҳиятидан келиб чиқади)	Жамиятнинг барча ўзгаришларида ўзгармасдан қолади: *репродуктив, социаллашув ва б.*	Инсон капиталини такрор тиклаш ва амалга оширишнинг асоси ҳисобланади, ташқи ва ички иқтисодий ўзаро муносабатларнинг тарихий хусусиятини акс эттиради: *таъминот; ишлаб чиқариш; жамғариш; истеъмол*
Ўзига хос бўлмаган функциялар (муайян тарихий шароитда мажбурий ёки мослаштирилган функциялар)	Оила ичидаги муносабатларнинг тарихий хусусиятини ва оиланинг жамият билан ўзаро ҳамкорлигини акс эттиради: *хўжалик-маиший; ишлаб чиқариш; истеъмол; рекреацион ва б. функциялар*	Инсон салоҳиятининг физиологик асосини яратиш, уни шакллантириш ва сақлаш: *репродуктив; социаллашув; рекреацион ва б. функциялар*

Манба: илмий манбалар таҳлили асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Иккинчидан, уй хўжалиги ҳамда оиланинг ўзига хос ва хос бўлмаган функциялари бир-бирини такрорлайди ва тавсиф-

ланаётган объектга қараб, уларни тадқиқ этишнинг негизига қараб фарқланади. Уй хўжалигининг асосида ётувчи оиланинг таркиби ва функциялари унинг ичида юзага келадиган муносабатларни тўлиқ очиб бериш имконини беради. Бу уй хўжаликларини тадқиқ этишдаги муҳим омил ҳисобланади. Чунки ички муносабатлар ташқи хўжалик-иқтисодий муносабатларни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уй хўжалигининг функциялари ташқи хўжалик-иқтисодий муносабатларнинг бутун таркибини, унинг тўлиқ ҳажмда очиб бериш имконини беради ва оилада ички муносабатларнинг шаклланишига ҳамда роль ва функцияларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади.

Учинчидан, уй хўжалиги бир шахсдан таркиб топиши, оиладан ташқари ва жамоавий бўлиши мумкинлиги, оиланинг эса никоҳ-қариндошлик муносабатлари иштирокининг шартлиги билан тавсифланиши бизга уй хўжалигини оила билан солиштирилганда янада кенг тушунча сифатида кўриб чиқиш ва бунда оилани тадқиқ этиш ахборот базасидан фойдаланиш имконини беради.

Тўртинчидан, уй хўжалиги билан оиланинг асосий мақсадли функцияларини таққослаш натижаси ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Оиланинг асосий мақсадли функцияси – инсонни дунёга келтириш, уй хўжалигиники эса – инсон капиталини такрор тиклаш ва сақлаш (1.2-расм). Инсон капиталини такрор тиклаш тушунчаси кўп қиррали жараён моҳиятини чуқурроқ акс эттирган ҳолда нафақат шахс сифатида инсонни ва жамоа сифатида уй хўжалигини ҳам биологик, ҳам ижтимоий, ҳам хўжалик-иқтисодий жиҳатдан такрор тиклаш, балки унинг ҳаёти ва фаолияти шарт-шароитларини ҳам такрор тиклашни ўз ичига олади.

Ушбу тушунча уй хўжалиги мавжуд бўлишининг моддий, инсоний, маънавий, этник, диний асослари йиғиндисини ўзида акс эттиради ва бу билан унинг кўп қирралилиги ҳамда катта аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Лекин уй хўжалиги унинг иқтисодий баҳоси нуқтаи назаридан, кўпинча, инсон капиталини такрор тиклаш сифатида кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, уй хўжаликларини юқорида келтирилган иқтисодий категория сифатида унга қуйидагича таъриф бериш

мумкин. Уй хўжалиги – бу инсон капиталини такрор тиклаш ва уни амалга оширишнинг асосий ижтимоий-иқтисодий бирлиги, якка ёки биргаликда яшовчи ва биргаликда хўжалик юритувчи бир неча шахслар томонидан таъминланадиган яхлит ҳаёт фаолияти воситаси хисобланади. Ушбу таъриф, назаримизда, уй хўжалигининг моҳиятини: унинг таркибини; аъзолари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни; ижтимоий-иқтисодий табиатини аниқ тарзда акс эттиради; унинг ҳаёти ва фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб беради.



Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

1.2-расм. Оила ва уй хўжалигининг функционал боғлиқлиги ва уларнинг функциялари.

Уй хўжалиги таркиби бир-биридан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

– бир кишилик, алоҳида уй-жой ёки унинг бир бўлагида яшовчи, ҳаёт учун зарур барча эҳтиёжларини мустақил қондирувчи

25610

ва биргаликдаги турар жойга эга бошқа кишилар билан умумий хўжалик юритиш воситаси бўлмаган шакл;

– икки ва ундан ортиқ кишилик, алоҳида турар жойда бирга ёки бўлак яшовчи, кундалик эҳтиёжларининг умумий фаолиятларида тўлиқ ёки қисман ўз воситаларини бирлаштириш ёки ажратиш орқали қондирувчилар. Бу шахслар никоҳ орқали, қавм-қариндошлик алоқалари билан ёки қариндош бўлмаган ришталар билан ҳам боғланган бўлишлари мумкин.

Уй хўжалиги таркибида унинг аъзоларига бегона бўлган, бироқ бир турар жойда истиқомат қиладиган ва ягона хўжалик юритувчи шахслар бўлиши ҳам мумкин (хўжалик ҳомийлигида яшовчи қариялар ва бошқа шахслар).

Бино ижарага олинган ҳолатларда бинонинг хўжайини, ташкил этилган уй хўжалигининг аъзоси ҳисобланмайди. Шу билан бирга уй хизматчилари ҳам ўз иш берувчиларининг уйида истиқомат қилишганида ҳам (меҳнатлари учун бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланадилар) уй хўжалигининг аъзоси ҳисобланмайдилар.

«Уй хўжалиги» ва «оила» тушунчаларини адаштирмаслик энг асосий шарт ҳисобланади. Бу икки атама бир-бирига ўхшаса-да, аввал таъкидланганидек, оила уй хўжалигининг ўзаги бўлиб қолади.

Уларнинг асосий фарқлари:

– бир киши уй хўжалиги бўла олади, аммо оила бўла олмайди;

– уй хўжалиги кўп сонли инсонлардан таркиб топиши мумкин, аммо улар ҳамиша қавм-қариндошлик алоқалари билан боғланган бўлавермайдилар.

Ўз ўрнида уй хўжалиги фаолияти тушунчасини чуқур англаш, уй хўжалиги иқтисодиётини юритишнинг фарқини билишга кўмаклашади. Уй хўжалиги фаолиятини юритиш уй шароитида унинг аъзоларининг ишчи кучи сифатидаги иштироки билан амалга ошади. Турар жой ва унинг атрофидаги ҳудудни яхши аҳволда сақлаш, овқат тайёрлаш, болалар ва меҳнатга лаёқатсизларни парваришлаш ва бошқалар шулар жумласига киради. Уй хўжалиги фаолияти фақатгина уй ичидаги вазифалари билан чекланиб қолмай, балки унинг аъзолари уй хўжалиги манфаатларини кўзлаб ташқи муҳит ва бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ҳам алоқага киришадилар.

1.2. Уй хўжалигининг инсон капиталини ривожланишидаги функциялари ва уларнинг моделлари

Оила ва унинг моддий асосини мустаҳкамлаш уй хўжаликларини ўрганиш, улар бажарадиган функцияларни билиш, ривожланишини рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш ўта муҳим ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида уй хўжалиги мустақил субъект (бирлик) сифатида фаолият кўрсатади. Улар ўз эҳтиёж ва талабларини қондириш учун бозорда маҳсулот ва хизматларини айирбош қилади. Шу орқали уй хўжаликлари ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг асосий субъекти сифатида бошқа корхоналар ҳамда давлат билан ўзаро алоқада бўлади.

Уй хўжаликлари ва уларнинг ўзига хос функциялари қатор мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилган [32, 57, 71, 76, 117]. Илмий ишларда уй хўжаликларини ташкил этиш ҳамда уларни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шу билан бир вақтда уй хўжаликлари улар томонидан турлича талқин қилинган. Кўп ҳолларда уй хўжаликлари функциялари оилани ишлаб чиқариш функцияларига тенглаштирилиб, «оила хўжаликлари» ёки «деҳқон хўжаликлари», «шахсий томорқа хўжаликлари» сифатида ўрганилган. Шу нуқтаи назардан «уй хўжалиги» функцияларининг асосий моҳиятини билиш муҳим ҳисобланади.

Уй хўжалиги юқорида таъкидланганидек, умумий вазифалар, яшаш жойи, бюджети ва одатда оила – қариндошчилик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳини ўзида намоён этади. Уй хўжалиги, индивид ва оила тушунчалари бир-бирига айнан ўхшаш эмас. Уй хўжалиги тегишли ижтимоий тузилмага-оилага, қариндошчилик ва қўшничилик муносабатларига мос келувчи хўжалик юритувчи субъект сифатида намоён бўлади. Уй хўжалигининг асосида раҳбарлик (оила бошлиғи) муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқи унинг аъзоларидан бирига – оила бошлиғига тегишли бўлади. Оила уй хўжалигининг асосий ўзаги ҳисобланади.

Умуман олганда, уй хўжалигининг мақсади – кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар ўз оила аъзоларига фаровонликнинг кафолатланган даражасини таъминлашдан иборат.

Уй хўжалигининг ҳимоя вазифаси ўзаро ёрдам ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг расмий ва норасмий меъёрларига асосланади.

Иккинчи томондан, уй хўжалиги шундай тарзда ташкил этилиши мумкинки, яъни у ўз хусусиятига кўра аъзоларининг мулкий ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ёллаш тўғрисидаги шартномага яқин келади. Бундай ҳолатда биргаликда хўжалик юритиш тўғрисида қарор қабул қилиш фаровонликнинг маълум даражасига рози бўлишни эмас, балки уни кўпайтиришга интилишни акс эттиради.

Уй хўжалиги фаолиятининг асосий функциясини инсон капиталини ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ва сақлаш сифатида белгилаш қабул қилинган. Инсон капитали, ўз навбатида, инсоннинг билимлари, амалий кўникмалари ва меҳнат саъй-ҳаракатлари йиғиндиси сифатида тушунилади. Уй хўжалигининг инсон капиталини шакллантириш бўйича қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин (1.3-расм).

1. Уй хўжалиги фаолиятида инсон капиталини тиклаш ва сақлаш. Ушбу функцияларни бажаришда иккита асосий вазифа ҳал этилади. Биринчиси, уй хўжалиги бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш. Иккинчиси, уй хўжалигини юритиш. Бу вазифалар уй хўжаликлари харажатларини қоплаш ва инсон капиталини шакллантириб (жамғариб) бориш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2. Уй хўжалигида инсон капиталини ишлаб чиқариш (шакллантириш), яъни бола туғилиши, уни тарбиялаш, вояга етказиш ва ижтимоий функцияларини бажариш ҳисобланади. Булар ўз навбатида инсон капиталини амалда турли йўналишларда ишлатиш функцияси билан чамбарчас боғликдир.

3. Уй хўжалигининг инсон капиталидан фойдаланиш, амалда иккита функцияни ўз ичига олади. Биринчиси, оила бизнесини ҳамда қишлоқда деҳқон хўжалигини юритиш (ишлаб чиқариш) ва иккинчиси, уй хўжалиги аъзоларининг бозор муносабатларида якка тартибда ёки корпоратив шаклда иштирок этиш функциялари.

Уй хўжалигининг ушбу функцияларини ҳаётда амалга ошириш, бир томондан оила ҳамда унинг бошлиғига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан давлатнинг уй хўжаликларини тартибга солиш, уларни қўллаб-қувватлаш тизимига ҳам боғлиқ ҳисобланади.



Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

1.3-расм. Инсон капиталини шакллантириш бўйича уй хўжалиги фаолияти таркиби.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда уй хўжаликлари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Улар ичида оила бюджетини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муҳим қонунлар мавжуд. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Оила тадбиркорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республкаси қонунлари шулар жумласига киради. Ушбу қонунлар негизида уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳамда оила бизнеси амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинган даврга қадар (1998 йилгача) Давлат статистика қўмитаси тизимида, оила бошлиғига берилган томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган барча субъектлар номлари, шу жумладан томорқа хўжалиги, шахсий ёрдамчи хўжаликлар «деҳқон хўжалиги» [22] номи билан юритилган.

Қонунга мувофиқ «Деҳқон хўжалиги» майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик ҳисобланади. Оила бошлиғига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ажратиб берилган ер участкасида оила аъзолари меҳнатидан фойдаланиб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Улар оила истеъмолига ҳамда бозорда сотиш учун тақсимланади.

Оила тадбиркорлиги (бизнеси) ҳамда деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши уй хўжаликлари ишлаб

чиқариш фаолиятини ҳамда уларни молиявий ва инвестициялаш функцияларини фаоллаштирмоқда.

Уй хўжалиги функцияларини тўлақонли бажарилиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Шу боис иқтисодий ривожланиш кўп жиҳатдан уй хўжаликлари ҳолати билан тавсифланади. Турли иқтисодиётда уй хўжаликлари шакллари ўзига хос хусусиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, уй хўжалиги инсонни ташқи муҳитнинг ноаниқлиги, унга юклатиладиган ҳаракат нормалари ва қоидалари, кундалик муаммоларга ортиқча эътибор қаратишдан сақлайди. Бинобарин, институционал муҳит хусусиятлари (ноаниқлик даражаси, расмий ва норасмий меъёрларнинг ўзаро нисбати, содир бўлаётган ўзгаришлар тезлиги) уй хўжалиги таркибига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, корхона ёки давлатнинг ҳамма учун бир хил (универсал) модели бўлмагани каби, уй хўжалигининг ҳам ягона модели мавжуд эмас. Шу муносабат билан турли иқтисодиётлар шароитида шаклланган уй хўжалигининг учта моделини ажратиш мумкин. Улар қаторига–бозор иқтисодиёти, буйруқбозлик иқтисодиёти ва буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фаолият юритувчи уй хўжаликларини киритиш мумкин. Ушбу тоифадаги уй хўжаликлари фаолияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат (1.3-жадвал).

Буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги. Буйруқбозлик иқтисодиётида инсон капиталини тиклаш бир қатор муаммоларга дуч келади. Ташқи муҳитнинг барқарор хусусиятга эгалигига қарамай, уй хўжалигининг кундалик ҳаёти истеъмол товарлари ва хизматларнинг танқислиги билан мураккаблашади. Бошқа ҳолатда маҳсулотлар ёки кийим-кечак харид қилишнинг мутаассиблик (тез-тез такрорланиб турувчи ҳолатлар) тадбири кўп вақт, куч ва руҳий ҳаяжонларни талаб қилувчи жараёнга айланади.

Бундан ташқари, тоталитар давлат хусусий соҳани ҳимоя қилишнинг фақатгина кафолатларини ўзида намоён этади. Умуман буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида давлат томонидан ҳимояланган шахсий ҳаёт соҳасининг мавжуд бўлиши ҳақида гапириб бўлмайди. Бу билан оила ва уй хўжалигини кучайтиришга талаб ортади: фақат ушбу ташкилотлар инсоннинг шахсий муҳитини ҳимоя қилишга қодир.

Турли иқтисодиётдаги уй хўжаликлари моделининг асосий тавсифлари

1.3-жадвал

Таққослаш кўрсаткичлари	Бозор уй хўжалиги	Буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги	Ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжалиги
Мақсад функциялари	Тўловга қодир талабнинг чекланганлиги шароитида фойдалиликни ошириш	Ресурслар тақчиллиги шароитида фойдалиликни ошириш	Фаолият кўрсатишда давом этиш (яшовчанлик қобилиятини йўқотмаслик)
Ресурслар	Асосий ишда иш ҳақи	Асосий ишдаги иш ҳақи + бўш вақт + алоқалар + трансфертлар	Расмий, норасмий ва криминал бандликдан олинадиган ресурслар «портфели» + рента
Бюджет чекловларининг қатъийлиги	Мутлақ қатъий: уй хўжалиги маошдан ташқари бошқа даромад манбаларига эга эмас	Даромадларнинг катта қисмини трансфертлар кўринишида олиш имконини беради	Даромадларнинг турли манбалари ўртасидаги чегараларнинг мослашувчанлиги
Жамғармаларнинг муҳимлиги ва уларнинг миқдори	Жамғармалар миқдори уларнинг жамғаришга нисбатан мойиллиги билан белгиланади	Жамғармалар (тақчиллик туфайли) ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий хусусиятга эга	Жамғармалар асосан «суғурталаш» хусусиятига эга
Иқтисодий ресурсларни бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги	Уй хўжалиги аъзоларининг ҳар бири ноёб ресурсларга эга, шунинг учун турмуш қуриш узоқ муддатли инвестициялаш тўғрисидаги қарор билан айнан бир хил	Оила асосида алоҳида турдаги ноёб ресурсларни бирлаштириш ётади – алоқаларга, маъмурий ҳуқуқларга (яшаш жойида рўйхатда туриш, партияга аъзолик) эга бўлиш	Ҳар бир оила аъзосидан мустақил даромад манбаларининг мавжуд бўлиши хатарни камайтириш имконини беради
Уй хўжаликларининг оптимал ўлчами	Ўзига хос ресурсларни ишлаб чиқариш имкониятининг камайишига қараб уй хўжаликларининг ўсиши тўхтайди	Уй хўжаликларининг ўлчамлари алоҳида ўзига хос ресурслар - алоқалар, турар-жой майдонлари ва ҳ.к.га эга бўлиш харажатлари билан чегараланган	Ўлчамлар уй хўжалиги аъзоларининг ўхшаш бандлиги туфайли хатарларни диверсификация қилиш билан чекланади
Ички тузилма	Оддий иерархия, оила бошлиғининг жинси аҳамиятга эга эмас	Оддий иерархия, партия иерархиясида юқори турган шахс. Оила бошлиғи	Оддий иерархия, энг кўп даромад оладиган шахс. Оила бошлиғи

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

Уй хўжалигининг таркиби ва унинг хўжалик алоқалари кўп жиҳатдан айнан ўзаро хизматлар кўрсатиш («сен-менга, мен-сенга») тамойили бўйича фаолият юритган таниш-билишчиликни барпо этиш жараёни билан изоҳланади. Тақчиллик иқтисодиётида уй хўжалиги, энг ноёб ресурсларни бирлаштириш натижасида пайдо бўлган. Бундай ресурслар танқис товар ва хизматлар эмас, балки уларга йўл очиб беришга «хизмат қилувчи воситалар» ҳисобланган.

Рухсат бериш хизмати учун ҳеч қандай шахсий маблағлар керак бўлмаган. Рухсат бериш учун маблағ шахсий чўнтакдан эмас, балки давлат ёки жамият чўнтагидан берилган, хизмат кўрсатиш соҳасида эса ёрдам – «ўзга» мижозлар ҳисобидан кўрсатилган. Танқис товар ва ресурслардан фойдаланишда устунлик партия-давлат аппарати, савдо, транспорт ходимлари, тез-тез хорижга сафар уюштирувчиларга (артистлар, спортчилар, дипломатлар), шунингдек, алоҳида минтақа ва шаҳарларнинг оддий фуқароларига (рўйхатга кўра) берилар эди.

Буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалигининг шаклланишини иқтисодий жиҳатдан асослаш унинг негизида танқис товар ва ресурслардан фойдаланишни кенгайтиришдан иборат бўлган. Партия-давлат поғонасидаги ўрнига кўра ноёб ресурслардан фойдаланишнинг табақаланиши уй хўжалиги ва давлатнинг ўзаро муносабатлари турини алоҳида ифодалаган. Уй хўжалиги бюджет чекловлари, корхонанинг бюджет чекловларига нисбатан анча қатъий бўлишига қарамай, уй хўжалиги томонидан давлатдан олинадиган пул (ижтимоий трансфертлар) ва пул бўлмаган (нуфуз, тақчил товарлардан фойдаланишда устунлик) шаклдаги «рента даромадлари»ни ҳисобга олиш лозим.

Уй хўжалигининг давлатга юқори даражада қарамлиги буйруқбозлик иқтисодиётининг кўз илғамас тизим сифатида тавсифлаш имконини беради. Бирор бир ижтимоий гуруҳ давлат ҳокимияти бошқаруви ва давлат ресурсларини тақсимлаш тизимига қанча яқин бўлса, унинг ижтимоий ва иқтисодий мавқеи шунча юқори бўлган. Шунинг учун уй хўжалигини биринчи галда давлат сиёсатининг унга партия-давлат поғонасидаги мавқеи асосида рентани олиш имконини берувчи йўналишлари қизиқтирган, булар: пенсия; уй-жой коммунал хизматлари сиёсати; ижтимоий таъминот сиёсати; таълим соҳасидаги сиёсат.

Бозор иқтисодиётида уй хўжалиги. Бозор институти уй хўжалигини камёб товар ва хизматларни излаш ҳамда улар учун навбатда туриш билан боғлиқ вақтнинг йўқотилишидан халос этади – харид қилиш жараёни мутаассибликка (ҳар кун такрорланадиган бир хилдаги юмуш, вазифа) айланади. Масалан, шанба куни кечқурун ва дам олиш куни эрталабдан савдо дўконларида харидорлар кўп бўлади, шу кунлари кишилар анъанавий тарзда кейинги ҳафтага етадиган миқдорда харид қиладилар. Хариднинг мутаассибликка айланиши натижасида бўшаб қоладиган қисқа вақтли имкониятлар нима учун сарфланади?

Биринчидан, харид хатти-ҳаракатини оптималлаштириш. Агар буйруқбозлик иқтисодиётида нимани харид қилиш мумкин бўлса, ўша нарсани сотиб олиш муҳим ҳисобланса, бозор иқтисодиётида сифат ва нархнинг энг яхши ўзаро нисбати асосида истеъмол қилишда энг кўп фойдани таъминловчи товарни харид қилиш муҳим саналади. Истеъмолни оптималлаштириш ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ёрдамида талабни тартибга солишга интилиши билан мураккаблашади. Реклама харид жараёнини мутаассибликка бутунлай айланишига тўсқинлик қилган ҳолда, доимий равишда янги талабларни шакллантиради.

Иккинчидан, уй хўжалигининг у учун асосий даромад манбаи бўлган меҳнат бозорида иштирок этиши доимий назоратни талаб этади. Уй хўжалиги меҳнат бозоридаги бандликнинг муқобил варинатлари, уй хўжалигини юритиш ва бўш вақт ўртасида танланган ҳолда, меҳнат бозорида инсон капиталини фойдали тарзда сотишга интилади. Бир томондан, уй хўжалигининг аъзоси эгалик қиладиган инсон капиталининг ўзига хослик даражаси қанча юқори бўлса, уй хўжалигини юритиш билан эмас, балки ўз меҳнат ресурсларини бозорда сотиш билан шуғулланиш шунча фойдали.

Иккинчи томондан, инсон капиталининг ўзига хослик даражаси қанчалик паст бўлса, унинг эгаси учун уй хўжалигини юритиш билан чегараланиш шунчалик асослидир. Ўз навбатида, бандликни оптималлаштириш ҳам уй хўжалиги доирасида амалга ошади.

Уй хўжалигининг асосий даромад манбаларини бозор билан белгиланадиган соҳага йўналтириш унинг давлатдан кам қарам бўлишини таъминлайди. Давлат фаолияти уй хўжалигини фақатгина давлат меҳнат бозорида битимлар кафолати сифатида иштирок этиш даражаси ва у (солиқ кодекси орқали) уй хўжалиги даромадининг бир қисмига даъвогар бўлиши учун қизиқтиради.

Ўтиш иқтисодиётида уй хўжалиги. Уй хўжалиги фаолият юритадиган институционал муҳитнинг ноаниқлиги ва беқарорлиги мутаассибликларнинг мавжуд бўлишини шубҳа остига қўяди. Бундай шароитда мутаассибликлар доимий равишда қайта кўриб чиқилишини талаб этади, яъни улар инсон онгининг онгсиз соҳасидан онгли ва доимий эътиборни талаб этувчи соҳасига ўтади. Ислоҳотлар қанча фаол амалга оширилса, уларнинг мутаассибликларга нисбатан салбий таъсири шунча кучли бўлади. Бундан ўтиш иқтисодиётида уй хўжалигининг мақсади келиб чиқади: уй хўжалигининг ҳимоя функциясини сақлаб қолишга интилиш борган сари ортиб борувчи саъй-ҳаракатларни ва имкон қадар кўп эътиборни талаб этади.

Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар ва рента даромадлари (пенсиялар, ижтимоий тўловлар, ходимнинг обрўси) билан юзага келадиган ноаниқликлар уй хўжалигини ўз фаолиятини максимал тарзда диверсификация қилишга мажбур этади, бинобарин, ҳар қандай даромад манбаи ҳам барқарор манба сифатида қаралиши мумкин эмас. Оила аъзоларининг инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришга аниқ ихтисослашувига таянадиган бозор туридаги уй хўжалигидан фарқли ўлароқ, ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжалиги ишчи кучини меҳнат бозорига таклиф этиш ҳамда ижтимоий трансфертларни истеъмол қилиш, шунингдек, томорқа ери ёрдамида ўзини-ўзи таъминлаш ва кўплаб бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

Турли иқтисодиётларда уй хўжаликлари фаолиятининг яна бир муҳим таққослаш мезони мавжуд бўлиб, давлатнинг ижтимоий сиёсати ҳисобланади. Масалан, бозор шароитидаги уй хўжаликлари учун меҳнат муносабатлари, солиқ ҳамда таълим соҳасидаги сиёсатлар муҳимдир. Бунинг асосий сабаби ушбу хўжаликлардаги сиёсат уй хўжалиги даромадига катта таъсири билан изоҳланади.

Режали иқтисодиётдаги уй хўжалиги учун эса нафақа, уй-жой–коммунал хизматлар ҳамда айрим тур ижтимоий таъминот, хизматлар соҳасидаги сиёсатлар, уларнинг даромади ҳамда уни жамғаришга катта таъсир этган.

Ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжаликлари учун эса соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсат, ижтимоий таъминот тизими ҳамда нафақа сиёсати устувор ҳисобланади. Булар ўтиш даври уй хўжаликларининг яшовчанлиги учун асосий омиллардан ҳисобланади. Уй хўжаликларининг турли иқтисодиётдаги таҳлил этилган

тавсифлари, улар ривожланишини қонуниятларини ўрганиш ёндашувларини танлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Масалан, уй хўжаликларининг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилишда уларни икки поғонага, яъни микро ҳамда макродаражага бўлиб ўрганиш ёндашувини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда микродаражада алоҳида (якка) уй хўжалигини иқтисодиётнинг кичик модели сифатида ажратиб кўриб чиқиш, макродаражада эса уй хўжаликлари йиғиндисини миллий иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида таҳлил қилиш мумкин. Шунингдек, такрор ишлаб чиқариш ёндашуви тамойиллари асосида уй хўжаликларини товар ва хизматларга бўлган ялпи истеъмол талабини шакллантиришни асослаш, уй хўжаликлари жамғармаларининг иқтисодиётга инвестициялар киритишнинг муҳим манбалари эканлигини кўрсатиш, уй хўжаликлари секторини бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро алоқаларининг асосий йўналишларини очиб бериш муҳим ҳисобланади.

Шулар билан бир вақтда уй хўжаликлари хулқи, иш мотивларини тадқиқ этишда индивидуал ёндашиш услубиятини қўллашни тақозо этади. Гап шундаки, индивидуал тадқиқот уй хўжаликларини ўзига хос институционал, маданий ва ижтимоий-сиёсий ва бошқа омиллар билан белгиланадиган умумий ҳолатини баҳолаш имкониятини беради, қайсиким шулардан уй хўжалиги иқтисодий фаолиятининг стратегияси ва тактикасига боғлиқ бўлади.

1.3. Уй хўжалиги иқтисодиёти ва оилани бошқаришнинг концептуал асослари

Уй хўжалиги иқтисодиёти ва унинг қисми ҳисобланган оилани бошқариш усул ва қоидалари, унга таъсир этувчи омиллар нисбатан кам ўрганилган тадқиқот соҳаларидан саналади. Уй хўжалиги ва оилани бошқариш муаммоларини ўрганишнинг долзарблиги мамлакатимизда фақат кейинги йилларга келиб хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида намоён бўлди. Институционал ислоҳотлар ва давлатнинг уй хўжаликлари фаолиятини ва оилани қўллаб-қувватлашнинг кучайиши туфайли уй меҳнатига ҳамда уйдаги ҳаётга бўлган қараш ўзгарди, оилани ўз ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳисси кучайди,

уларни пухта режалаштириш ва назорат қилишнинг зарурлиги тўлиқ англаб етилди, келажакка ишончи мустаҳкамланди.

Оила ер юзидаги энг қадимий ижтимоий тузилма сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Оила – жамиятнинг бошланғич бўғини ҳам ҳисобланади. Аммо, оиласи бор ҳар қандай инсон ҳам ўз оиласи ва уй хўжалигини қандай бошқариш зарурлиги тўғрисидаги саволга тўлиқ жавоб топиши анча қийин кечади.

Шунга қарамай оиладаги руҳий бирлик, қулайлик ва моддий имкониятлар ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли мамлакатлар иқтисодиётининг нобарқарорлиги шароитида турмушнинг қулай тарзини сақлаб туришнинг энг синалган воситаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотчилар уй хўжаликларининг миллий даромад ва миллий бойликларнинг ўсишига қўшаётган ҳиссасини баҳолашга катта эътибор қаратмоқда. Улар қаторига хорижий ва Ўзбекистон олимларининг илмий ишларини [34, 46, 50, 52, 57, 78, 85] киритиш мумкин. Шу билан бир вақтда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг қулай шакли сифатида замонавий оилавий бизнеснинг ривожланиши ва оила мустаҳкамлигини таъминловчи бошқарув тамойиллари ҳамда усуллари тўғрисидаги билимлар етарли эмас. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ оилавий муносабатлар ҳамда уй хўжалигини режалаштириш масалалари бўйича тадқиқотлар доираси жуда тор.

Таҳлиллар кўрсатадики, уй хўжалиги иқтисодиётини бошқариш оиланинг бир қатор ички омилларига, яъни оилада эр ва хотиннинг ролларига, оила бошлиғи (раҳбари) ва оилада ҳокимият ҳамда жавобгарлик кимга тегишли эканлигига боғлиқ (1.4-расм). Булар уй хўжалигининг истеъмол, ишлаб чиқариш ва меҳнат бозорига ишчи кучлари таклиф этувчи функциялари билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Ушбу ҳолатлар ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олганда оила бошлиғининг бошқарув функциялари ва улардан келиб чиқувчи вазифаларини белгилаб беради.

Шу билан бир вақтда уй хўжалигини бошқариш унинг бозор иқтисодиётининг асосий субъектлари ва ўзаро ҳаракатларини уйғунлаштириш билан ҳам мураккаблашади.



Манба: муаллифлар тадқиқоти асосида тузилган.

1.4-расм. Уй хўжалиги ва оила бошқарувн функциялари.

Уй хўжаликлари меҳнат ҳақи шаклидаги даромадлар олиш ҳисобига бозор субъектларига иқтисодий ресурслар (аввало, меҳнат хизматлари) етказиб беради. Уй хўжаликларида йиғилган даромадлар истеъмол бозоридан товарлар сотиб олиш ва бошқа хизматлар учун харажат қилинади. Уй хўжаликлари даромадининг яна бир тури – бу пул кўринишидаги трансфертлар ва натура шаклидаги маҳсулотлар ҳисобланади. Жамғарилган оила даромадининг бир қисми молия бозорида инвестициялаш учун сарф қилинади. Уй хўжалик-ларининг бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро алоқалари икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилади. Икки томонлама шартномаларни тузиш, уларни амалга ошириш уй хўжалигида оила бошлиғининг бошқарув функцияларини муқобил-лаштирувчи тамойиллар орқали амалга оширилади. Бунда оиладаги роллар ва оила бошлиғи ҳокимияти функциялари белгиловчи асос бўлиб хизмат қилади.

Уй хўжалиги иқтисоди учун оилада роль мажбуриятларини тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга. Роль–бу, биринчидан, инсонни қандайдир муносабатлар тизимида эгаллаб турган муайян мавқени қайд этиш; иккинчидан – инсон ушбу мавқени эгаллаб тургани

ҳолда бажариши лозим бўлган функция; учинчидан – мазкур ролни ижро этувчи ҳар бир шахсдан кутилаётган хатти-ҳаракатнинг маъқул намунаси.

Оила ва уй хўжалиги, эр-хотин, ота-она ва хўжалик роллари муайян турларининг бажарилишини талаб қилади. Уй хўжалиги ва оила тизимида ота, она, тарбиячи, эр, хотин, оила бошлиғи, дўст, уй эгаси – уй бекаси, харидор, истеъмолчи ва ҳоказо роллар фарқ қилади. Одатда, роль мажбуриятлари ҳақидаги тасаввурлар ота-она оиласида ва таниш бўлган бошқа оилалардан, кундалик мулоқотлардан, оила ва ҳаёт тўғрисидаги китоблардан ва матбуот саҳифаларидан олинган билимлар асосида шаклланди. Дастлаб бажарадиган роль моҳияти англаб етилади, сўнгра ижро этилади, тасаввур пайдо бўлади ва ўз оиласида амалга оширилади. Барча ушбу тасаввурлар ўта шахсий бўлиб, улар айрим инсонларга мос келмаслиги ҳам мумкин. Эр ва хотин никоҳдан турли ҳолатларни кутиши, ўзининг оилавий турмушини турлича тасаввур қилиши мумкин. Турли ролларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлик низоли бўлмаслиги учун оила ва уй хўжалигида нечта роль бўлиши мумкинлигини ва улар қанчалик яхши ижро этилаётганлигини билиш муҳим.

Оилавий ролларнинг анъанавий таснифи қуйидагилардан иборат:

1. Оиланинг моддий таъминоти учун масъуллик. Ушбу роль оила фаровонлигининг зарурий даражасини таъминлаш билан боғлиқ мажбуриятлар мажмуини ўз ичига олади. Одатда, бундай роль уй эгасига тегишли бўлади.

2. Уй эгаси – уй бекаси. Мазкур ролнинг амалга оширилиши маҳсулотларни харид қилиш, овқат тайёрлаш, шинамлик, тозалик ва тартибни таъминлаш ва ҳоказоларни назарда тутади.

3. Қариндошчилик алоқаларини сақлаб туриш учун масъуллик. Оилавий маросимлар ва тантаналарда иштирок этиш, қариндошлар билан мулоқотни ташкил этиш ва оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан таъминлаш, ушбу роль вазифалари доирасига киради.

4. Оилавий маданиятнинг ташкилотчиси. Бу роль оила аъзоларида муайян маданий қадриятларни, турли манфаатларни ва қизиқишларни шакллантиришни ўз ичига олади.

5. Бўш вақтни ўтказиш ва маданий тадбирлар ташкилотчиси.

6. Оилавий психолог роли. Оила аъзолари муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш. Ушбу ролни бажарувчи ўзаро ҳамкорликнинг уйғунлиги ва тўлиқлиги, эр-хотин томонидан никоҳдан, бир-биридан, ўзидан ва айниқса, бажарилаётган ролдан қониқиш ҳосил қилганлик сифатида бошдан кечиради.

7. Оилада ҳамкор ва тарбиячи роли.

Оилада меҳнат тақсимоти, унинг ихтисослашуви уй меҳнатининг оғирлигини енгиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ибтидоий қабилаларда ҳам меҳнатнинг жинсга ва ёшга қараб тақсимланиши мавжуд бўлган. Эркаклар овга чиқишган, аёллар овқат, болалар эса ўтин тайёрлаган. Ҳозирги оилаларда ҳам уй меҳнатининг ихтисослашуви мавжуд бўлиб, кимдир дўконга бориб келади, кимдир экинларга қарайди яна кимдир нонушта тайёрлайди, хоналарни йиғиштиради ва ҳ.к.

Фаолиятнинг бундай тақсимланиши жинсни, ёшни, мойилликни, истакларни, имкониятларни ҳисобга олишга асосланган. Оилада ҳамма аҳил бўлиб, келишган ҳолда, биргаликда меҳнат қилса, уй хўжалиги муваффақиятли ривожланади. Барча оилаларда ҳам меҳнатнинг жинсга ва ёшга қараб тақсимланиши оқилона ҳал этилмаган бўлиши мумкин. Уй меҳнатининг кўплаб турлари фақат аёллар учун деб ҳисобланади. Мактаб ва олий ўқув юртларида ўқиш билан банд бўлган болаларда уйда бирор бир ишни қилиш учун вақт ҳам, истак ҳам бўлмайди. Аёллар ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг мавқени эгалаган ҳолда оилада иқтисодий тенг ҳуқуқлилик, уй ишларининг тенг, адолатли тақсимланиши учун фаол курашиб, эркаклар кўпроқ оилавий ташвишларга жалб қилинаётган бўлса-да, барибир аёллар улуши катталигича қолмоқда. Ушбу анъанавий муаммо уй ишларини тақсимлаш орқали ҳал этилиши мумкин.

Меҳнат тақсимоти уй хўжалигининг ҳар бир қисмига масъул бириктириладиган варианти ҳам бўлиши мумкин. У қолган барча нарсаларни, шу жумладан, унга зарур бўлган оиланинг қолган аъзолари ва ҳатто ижтимоий хизматлар соҳаси ходимларининг ёрдамини ҳам режалаштиради.

Режалаштириш – бошқарув жараёнининг босқичи бўлиб, унда фаолият мақсадлари, бунинг учун зарур бўлган маблағлар аниқланади ва муайян шароитларда энг самарали бўлган усуллар ишлаб чиқилади. Режалаштириш тамойилини нафақат катта

иқтисодиётда кечадиган қисмига нисбатан қўллаш мумкин, яъни уни-уй ишларини муваффақиятли юритишнинг муҳим омилларидан бири сифатида қабул қилиш мумкин. Режани турли даврлар учун тузиш мумкин.

Уй меҳнатини режалаштириш – ишларни ҳар бир кун учун улардан фақат оила аъзоларининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда уйдаги кундалик ишларга мос келадиганлари қоладиган қилиб тақсимлашга ёрдам беради.

Соғлом турмуш учун кун тартиби, инсон ҳаёти ва фаолиятининг муайян кетма-кетлиги алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир инсоннинг кун тартиби ишлаш, дам олиш, овқатланиш ва уйқу учун муайян вақтни назарда тутиши керак.

Кун тартиби ишнинг хусусияти, турмуш шароитлари, одатлар ва мойилликларга қараб ҳар бир инсонда турлича бўлиши лозим. Бироқ, бу ерда ҳам муайян бир кунлик иш кетма - кетлиги ва кун тартиби бўлиши керак. Овқатланиш ва уйқу учун етарли вақтни назарда тутиш зарур.

Уй ишларини тақсимлашнинг адолатлилигини баҳолашда оила аъзоларининг бўш вақтини ҳисоблаб чиқишдан фойдаланиш мумкин. Бунда «бўш вақтнинг оқилона миқдори» формуласини қўллаш ўринли [69]:

$$Б=(Ф \times И) : (Э + И),$$

бу ерда, Б – бир кунда бўш вақтнинг оптимал миқдори, с;

И – ўртача соатбай иш ҳақи, сўм/с;

Э – ҳар бир киши учун белгиланган маънавий эҳтиёж харажатларининг ўртача даражаси, сўм/с;

Ф – бир кунда тартибга солинадиган вақт фондининг миқдори, с. Бу барча биологик эҳтиёжлар (уйқу, овқат ва ҳ.к.)ни қондириш вақти, уй мажбуриятларини бажариш вақти, биологик эҳтиёжларни қондириш мақсадида неъматларни харид қилиш учун зарур бўлган иш вақти чегирма қилинган ҳолда аниқланади. Ҳисоблаш оилаанинг ҳар бир аъзоси учун якка тартибда амалга оширилади.

Шундай қилиб, уй хўжалигини юритишнинг оқилона усуллари, режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат, вақтни тежовчи техник воситалардан фойдаланиш, шунингдек, ишларнинг давомлилигини баҳолашнинг муайян услубиётлари – буларнинг барчаси уй хўжалигида менежмент йўналишлари ҳисобланади. Уларни кундалик ҳаётда қўллаш оиланинг ҳар бир аъзосининг бўш вақти миқдорини имкон қадар кўпайтириш, эҳтиёжлар ва уларни

қондириш учун ресурсларни тўғри тақсослаш, оғирликни енгиллаштириш ва уй меҳнатининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Оиланинг барча аъзолари учун қулай турмуш тарзини яратиш, адолатлилик, қулайлик ва хотиржамликни ҳис этиш иш қобилиятини оширади, қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради, ортиқча уй юмушлари юкламасини анча қисқартиради, бу умумий саломатликка ижобий таъсир кўрсатади. Уй хўжалигини юритишнинг юқорида санаб ўтилган барча тамойиллари, шунингдек, оилавий роллар ва мажбуриятларни тақсимлаш, иш тартибига амал қилиш оила ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаши лозим.

Бозор ўзгаришлари эркаклар ва аёллар роллари тўғрисидаги анъанавий тасаввурларга барҳам берилишига ёки эр-хотин муносабатларининг устунлик қилишига олиб келмади. Шу билан бирга ўтган асрнинг 90-йилларида аҳолининг аксарият тоифалари учун оилавий эҳтиёжлар ва моддий имкониятлар мувозанатини тенглаштиришга илож ҳам бўлмади. Ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги турлари, меҳнатнинг жинсий белгилар бўйича тақсимланишини: аёлни оила ва уй бекаси роли билан эркакни эса меҳнат соҳаси ва боқувчининг роли билан тенглаштиришни кўрсатмоқда. Шўролар даврида шаклланган оилани иккита боқувчи модели сақлаб қолинган бўлиб, унда эркаклар таъминот учун масъул бўлиб иштирок этганлар, аёллар эса эркакнинг оилани сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатларни амалга оширганлар. Ҳозирги кунда ҳам аёллар уй соҳасини назорат қилишда давом этмоқдалар. Энди уларнинг мажбуриятларига оила турмушининг аввалги даражасини сақлаб туриш (ошириш) учун жавобгарлик ҳам киради. Анъанавий эскича қарашлар аёлларни эркаклардан ўзларининг ҳаёт стратегияларида восита, ўз режаларини амалга ошириш учун даромадлар манбаи сифатида фойдаланишга ундамоқда. Оилада ўзларининг бошчилик мавқеларини сақлаб қолиш учун эркаклар катта маош олишга муҳтож бўлмоқда. Шу тариқа эркакларнинг соф ички уй меҳнатидан чиқиб кетиши юз бермоқда.

Боқувчи ролини бажариш учун имкониятнинг чекланганлиги эркак обрўси ва оилада етакчиликнинг йўқотилишига ҳамда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ва уй меҳнати соҳасида аёллар фаоллигининг ўсишига олиб келади. Бундай вазият аёлга оила соҳасида қўшимча ҳуқуқ берса-да, лекин оиланинг моддий муаммоларини ҳал этишига кўмаклашмайди. Яна оилани ташкил

этиш ва таъминлашда аёлнинг устунлик қилиши эркак масъулиятининг пасайишига ва унинг оилавий ташвишлардан ҳоли бўлишига олиб келади. Ўз қадрини ҳис қилган ҳолда эркаклар боқувчи мақомини сақлаб қолишга интиляпкда ва камдан-кам ҳолларда ўз ихтиёри билан уй меҳнати (рўзғор ишлари) соҳасига киришади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-психологик ёки оилавий-сиёсий маънода «оила бошлиғи» тушунчаси оила мавжуд бўлар экан, етакчилик, ютуқлар, ўз нуфузи ва мақомини оширишга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар талаб этилар экан, сақланиб қолади. Доимий фаоллик, ҳаракатлар ташаббуси, турли босимларга қаршилик кўрсата олиш, ютуқлар ва таваккалчиликка интилиш хусусиятларига эга бўлган шахс оила бошлиғи бўлади.

Оила бошлиқлари қуйидаги функцияларни бажариши керак:

- оиланинг хавфсизлигини таъминлаш;
- оилавий мақсадларга эришиш учун оила аъзоларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- оилавий ҳаётнинг истиқболларини белгилаш;
- оилани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- оила бюджетини шакллантириш ва тақсимлаш;
- оилани келажакка ишонтириш.

Оилада ҳокимият ва жавобгарлик муносабатлари уй хўжалигини бошқаришда муҳим белгиловчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Оилавий ҳокимият бошқариш муаммоларини ўрганишнинг энг долзарб йўналиши ҳисобланади. Ҳокимият деганда бир инсоннинг бошқа инсонларни ўзгартириш ёки улар хатти-ҳаракатига, икки ёки ундан кўп индивиднинг ўзаро ҳамкорлиги натижасига таъсир кўрсатиш қобилиятини тушуниш қабул қилинган [56, 102].

Ўтган асрнинг 60-йилларида америкалик тадқиқотчилар Р.Бладон ва Д.Вульф томонидан 730 та шаҳар ва 178 та қишлоқ оилаларида ўтказилган сўровлар натижасида оилавий ҳокимиятнинг тўртта тури аниқланган. Улар оилавий ҳокимиятнинг ҳар бир тури оиланинг муайян хилига мос келади, деган хулосага келган [93,99], яъни:

1. Мухтор ҳокимият – оиланинг мухтор модели.

Ушбу оила моделида эр ва хотин ҳаётга нисбатан турлича муносабатда бўлади. Эр-хотин феъл-атвори ва дунёқарашларидаги фарқ салбий роль ўйнамайди. Бу ерда меҳнат тақсимоти билан қарорлар қабул қилиш соҳаларининг тақсимланиши ўртасида

тахминий тенглик мавжуд, яъни қарорлар биргаликда қабул қилинади ва одатда қарор муроса хусусиятига эга бўлади.

2. Эрнинг ҳокимлиги – эр етакчи роль ўйнайдиган оила.

Бундай оилада эркак шахсининг ўзига хос хусусиятлари, дунёқарашлари барча оила аъзолари учун ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хотиннинг роли асосан анъанавий аёлларга хос бўлган мажбуриятлар доираси билан белгиланади.

3. Хотиннинг ҳокимлиги – хотин етакчи роль ўйнайдиган оила.

Мазкур ҳолатда эрнинг оила учун аҳамияти аввалгига қараганда юқори, чунки у фақат эркаклар мажбуриятларини бажариш билан чекланмайди, балки аёлларга хос айрим функцияларни ҳам бажаради. Хотин катта ҳокимиятга ва қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи сўзга эга бўлади.

4. Эр-хотин ҳокимияти – эр-хотин мустақиллиги тенг оила.

Бундай хилдаги оилада роллар тенг тақсимланган, қарорлар иккала шахс томонидан қабул қилинади, бу муроса эмас, балки эр-хотиннинг оилада тенг ҳуқуқлилиги ифодаси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган оилавий ҳокимият турларида эр ёки хотин, ёхуд уларнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида оила бошлиғи бўлади ёки оиланинг бирваракайига иккита бошлиғи бирга ҳаёт кечиради. Бу ерда фарзанд оила аъзоларининг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатадиган, масалан, оиланинг боқувчиси ҳисобланадиган вазият ўрин тутмайди, шунинг учун уни оилавий ҳокимият эмас, балки эр-хотин ҳокимияти деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлади.

Оилавий ҳокимият турлари оила иқтисоди учун ўзига хос жиҳатлари билан муҳим роль ўйнайди. Уй хўжалигининг иқтисодий ресурслари оилада эр-хотин ҳокимияти учун асос ҳисобланади. Оилада иқтисодий ҳокимият эса эр-хотиннинг мавқеини белгилаб берувчи энг муҳим, лекин ягона бўлмаган омилдир. Оилада ҳокимият, эр ёки хотин кучларининг мувозанатини ўзида намоён этади, иқтисодий ҳокимиятни эса учта омил белгилаб беради. Улар қуйидагилар:

1) эрнинг мутлақ даромади;

2) эр ва хотин даромадларининг нисбати;

3) даромадларнинг мустақил ҳисоби.

Ушбу омиллар устувор ҳисобланади, лекин улар бир қатор макроижтимоий ва микроижтимоий даражадаги ҳолатлар

воситасида амал қилади. Макродаражада ижтимоий тузилманинг юқори поғоналарида эркакларни мавжуд устунлигини, кўплаб эркак ва аёллар бу фикрга қўшиладиган «Аёлнинг ўрни уйда» мафкурасининг яшовчанлигини таъкидлайди. Микродаражада – мажбуриятлар, жозибадорлик, шахсий қарашлар ва аёл даромадининг зарурлигини тан олиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳатто агар аёл юқори даромад олса ҳам, лекин у никоҳда кўпроқ мажбур шерик бўлса, унинг реал иқтисодий ҳокимияти пасаяди. Худди шу тариқа жисмоний жозибадорлик ҳам иқтисодий ҳокимиятга таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо тўғри қарор қабул қилишни амалга оширолмайман, деб ҳисобловчи инсон оилавий муносабатларни сақлаб қолиш учун иқтисодий ҳокимият манфаатларидан воз кечиши мумкин. Эркак учун оила бошлиғи бўлиш тўлиқ нормал ҳолат ва тўғри, деб ҳисобловчи аёл ҳам иқтисодий ҳокимият эркакка мансублигига ён беради. Эр томонидан хотинидан шахсий даромадга эга бўлиш зарурлигининг қабул қилиниши ўта муҳим омил ҳисобланади. Агар эр оиланинг турмуш даражасини сақлаб туриш учун хотиннинг даромади шарт эмас деб ҳисобласа, у ҳолда хотиннинг оилани таъминлашга қўшаётган иқтисодий ресурсларининг ҳиссаси кичик бўлади.

Оиладаги муносабатлар ўзгарувчан бўлиб, уларнинг ўзгаришига қараб қарорлар қабул қилишда амалга ошириладиган ҳокимият мувозанати ҳам ўзгариши керак. Айтиш мумкинки, ҳар бир оила қарорлар қабул қилишнинг нисбатан барқарор моделини намойиш этади. У ўзаро танланган вақтдан бошлаб амал қилади ва тўй кунини белгилаш, уни ташкил этишдаёқ амалга оширилади. Қабул қилинаётган қарорларни кундалик ва фундаментал турларга бўлиш мумкин. Лекин қарорлар қабул қилиш ҳолатининг мавжудлиги оила қуриш ва унинг мавжуд бўлишининг шарти ҳисобланади. Унинг издан чиқиши оиланинг бузилишига олиб келади. Ҳар бир никоҳ ва оиланинг ўзига хослиги туфайли оила аъзоларининг муносабатлари ўзаро ҳамкорликлар, алмашувлар, музокаралар ва оддий сўзлашувларнинг мураккаб тўпламини ўзида намоён этади.

Оилавий қарор қуйидаги турлардан бири жумласига киритилиши мумкин:

1) мустақил қарорлар – оиланинг бошқа аъзолари билан маслаҳат қилинмайди;

2) эрнинг роли устунлик қиладиган қарорлар;

3) хотиннинг роли устунлик қиладиган қарорлар;

4) эр-хотин билан биргаликда қабул қилинадиган қарорлар;

5) барча оила аъзолари томонидан қабул қилинадиган қарорлар.

Оилавий қарорлар қабул қилиш жараёнларини ўрганишда, оила учун ўта муҳим соҳалар аниқланади. Биринчиси, бола туғилиши, яъни эр-хотин фарзандларни қачон, нечта, қанча вақт оралиғи билан дунёга келтириш борасида ўзларини қаноатлантирувчи қарорларни қабул қилиши керак. Иккинчиси иқтисодий соҳа, бу ерда пул ва мол-мулкни тасарруф этиш, қўшимча даромадлар зарурлиги, шахсий пуллар миқдори тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Учинчиси – бу уй хўжалигини ташкил этиш, рўзғор мажбуриятларини тақсимлаш. Тўртинчиси – фарзандлар тарбияси соҳаси, тарбиялаш усулини танлаш ва мажбуриятларни тақсимлаш. Ва сўнггиси – бўш вақтни ўтказиш соҳаси.

Оилада ҳокимият муносабатларини амалга ошириш сифатида оилани бошқариш ва қарорлар қабул қилиш механизмидан фойдаланиш мақсадларни танлаш жараёни, яъни режалаштириш билан узвий боғланган. Қабул қилинадиган қарорлар мақсадларга, уларга эришиш зарурлиги ва истагига бўйсунган бўлиши керак. Афсуски, ўтган асрнинг 90-йилларида халқаро ҳамжамият томонидан тавсия этилган фарзандлар сонини қисқартиришга йўналтирилган фаол демографик сиёсат сифатида – оилани режалаштириш муаммосига дуч келди. Илгари ушбу сиёсат фақат «учинчи дунё мамлакатларига» қаратилган эди, шунинг учун «оилани режалаштириш» атамасига нисбатан жамиятимизда салбий муносабат мавжуд. Албатта, оилани режалаштириш оилада фарзандлар сони тўғрисидаги қарорни ўз ичига олмай қолмайди, лекин бу бошқа режалар қаторида ривожланишнинг оила ичидаги режаси бўлиши керак. Оилавий турмушнинг деярли барча томонлари, унинг жисмоний ва руҳий муҳити оилани режалаштириш объекти ҳисобланади.

Режалаштириш мақсад ва қарорларни танлашдан ташқари ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни, уни амалга ошириш жараёнини, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилишни ҳам ўз ичига олади. Барча режаларни амалга ошириш имкониятлари ҳамма вақт қалтислик остида бўлади, шунинг учун жавобгарлик – натижалар учун жавоб бериш мажбуриятидан кўра, фаолиятни назорат қилиш ҳисобланади. Оилани бошқариш учун

жавобгарлик жазо қўллаш эмас, балки оила аъзоларининг руҳий хусусиятлари – бурч ҳисси, жавобгарлик ҳисси муҳим ҳисобланади. Оила аъзоси ўз оиласининг айрим аъзолари ёки бутун оила учун жавобгар бўлиши мумкин. Оила бошлиғининг роли айнан бутун оила учун, унинг аъзолари хатти-ҳаракати ва кайфияти учун, оиланинг ўтмиши, ҳозирги ҳолати ва келажаги учун жавобгарликни, ўзи ва оиласи олдидаги, жамият олдидаги жавобгарликни назарда тутади. Шунинг учун оила умумий иши учун шахсий жавобгарлик даражасини, муваффақият ёки муваффақиятсизлик учун жавобгарликни ўз зиммасига олишнинг баҳоси қанчалик мослигини ҳисобга олиши лозим.

Шундай қилиб, оилани бошқариш тизимида оила фаолияти истиқболлари ва мақсадларини белгилаш лозим. Замонавий оила учун ким «оила бошлиғи» эмас, балки оилавий турмушдан қониқиш ҳосил қилганлик муҳим роль ўйнайди. Никоҳдан ва оиладан қониқиш ҳосил қилиш оилавий қарорларнинг очиқ-ойдин, демократик тамойиллар негизида қабул қилиниши билан боғлиқ. Ҳар бир оилага қарорлар қабул қилиш эр-хотин ҳокимиятининг тури ва шу билан бирга оилавий муносабатларнинг ягоналигини белгилаб берувчи ўз тартиботига эга.

Иқтисодий ресурслар оила ичидаги ҳокимият муносабатлари учун ўзининг устунлик ролини сақлаб туради. Улар оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Оилада иқтисодий қарорлар аҳамиятлилик даражасига кўра фақат фарзандлар туғилиши тўғрисидаги қарорлардан кейин иккинчи ўринда туради. Оилавий муносабатларнинг мураккаблиги ва кундалик турмушни такомиллаштириш имконияти рўзғор юритиш ёки «Уй хўжалиги менежменти» фанида аввалдан тадқиқ этиб келинади. Айнан бунда оилани ташкил этишнинг моддий ва номоддий омилларининг ўзаро ҳаракати, оилани бошқариш, унинг тамойиллари, функциялари, мезонлари таҳлил қилинади.

II боб. УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАР ЎЗГАРИШИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

2.1. Уй хўжаликларининг иқтисодий фаолияти ва молиявий ресурсларни тақсимлаш функциялари

Уй хўжаликлари миллий иқтисодиёт тизимининг муҳим қисми, унда аҳоли манфаатларини намоён этувчи, макродаражада тартибга солишнинг барча жараёнларида ҳисобга олинадиган ва статистика ҳисоботларида акс эттириладиган асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга уй хўжалиги – иқтисодий ресурслар таъминотчиси ва асосий истеъмолчисидир.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, уй хўжаликларининг жамиятдаги ўрни масаласи охиригача очиб берилмаган, жумладан, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги функциялари тўлиқ таркибланмаган. Шу билан бир вақтда уй хўжаликларининг иқтисодий фаолияти ва молияси моҳиятини очиб берувчи алоҳида ажратилган функциялар мунозарали ҳисобланади.

Уй хўжаликларида юз берадиган барча иқтисодий муносабатларнинг моҳияти уларнинг функциялари орқали тавсифланади. Уй хўжалиги аъзолари томонидан иқтисодий фаолиятнинг амалга оширилиши жараёнида у иқтисодий бирлик сифатида ишлаб чиқариш ва иқтисодий ноишлаб чиқариш функцияларини, молиявий тизим субъекти сифатида эса қайта тақсимлаш, тартибга солувчи ва назорат функцияларини бажаради (2.1-расм).

Уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функциялари деҳқон хўжалигини юритиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ.

Уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– деҳқон хўжалигини юритиш. Бунда барча турдаги ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилади. Етиштирилган маҳсулотни ўзи истеъмол қилиши ҳам, бозорда сотиши ҳам мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ва иқтисодий инқироз шароитида

деҳқон хўжалиги аҳоли турмушини тўкин бўлишидаги аҳамияти янада ортди ҳамда оила даромадларининг муҳим манбаига айланди.



Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

2.1-расм. Уй хўжаликлари даромадлари шаклланиши ва уларни тақсимлаш функциялари.

Деҳқон хўжалигида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпайиши нафақат маҳаллий аҳолини мева ва сабзавотлар билан таъминлаш, балки уларни бошқа минтақалар бозорларида сотиш имконини ҳам кенгайтирди. Бу қишлоқ жойлари учун четдан пул маблағлари тушумининг муҳим манбаига ҳам айланди.

– якка тартибдаги уй меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти. У билан асосан уй шароитида йирик корхоналар билан кооперация (касаначилик) негизида аҳоли учун кундалик эҳтиёж молларини ишлаб чиқариш ва турли ишлар бажарилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

• кийим-кечак тикиш, пойабзал тайёрлаш;

• хонадонларни таъмирлашда, дала ҳовлиларини қуришда фойдаланиладиган материалларни тайёрлаш ва сотиш;

• ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;

• маҳаллий доимий ва мавсумий ҳунармандчилик;

• озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш;

• ошхона маҳсулотлари тайёрлаш;

• оилавий корхоналар (дўконлар, қаҳвахоналар, устахоналар ва ҳ.к.)ни ташкил этиш ва сақлаб туриш.

– оилавий тадбиркорлик. Бу уй шароитида ёки алоҳида кичик корхоналарда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш; улар билан савдо-сотиқ қилиш; тўпланиб қолган кераксиз майда мулкларни сотиш; четдан олиб келинган товар ва маҳсулотлар билан савдо қилиш каби фаолият турларини ўз ичига олади.

Уй хўжаликларининг деҳқон хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва оилавий тадбиркорлик фаолиятидан 2005 йилда қарийб 4,5, 2011 йилда эса 22,9 трлн. сўм даромад олинган. Ёки шу даврда уй хўжаликлари тадбиркорлик даромадлари 5,1 мартага кўпайган. Уй хўжаликларининг тадбиркорлик даромадлари аҳоли умумий даромадининг 36,2 фоизини ташкил этади (2.1-жадвал).

Уй хўжалигининг иқтисодий ноишлаб чиқариш функциялари жумласига қуйидагилар киради:

– турар жой майдони, дала ҳовлилари, узоқ муддатли фойдаланиладиган буюмлар, автомобиллар, гаражлар, саройлар ва бошқа мулкларни ижарага бериш;

– қимматли қоғозларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш, банкдаги омонатлар билан операцияларни амалга ошириш.

Уй хўжаликлари ноишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар ҳам кейинги йилларда тез ўсиш тенденциясига эга. Статистик маълумотларга кўра, уй хўжаликлари мулкидан олинган даромад 2005 йилда 35,1 млрд. сўмдан, 2011 йилда 272,1 млрд. сўмга ошган. Ёки шу даврда ўсиши қарийб 7,8 мартага тенг бўлган (2.1-жадвал).

Бозор иқтисодиётида уй хўжаликларини юритиш асосида бир қатор муҳим вазифалар ҳал этилади. Уй хўжаликлари иш кучини банд қилиш жойи, аҳоли бандлигининг тартибга солувчиси ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги ҳамда оилавий бизнес ташкил

этилиши, бунинг учун керакли ресурслар, бошланғич оилавий капитал, касбий тайёргарликнинг талаб этиладиган даражаси мавжуд ҳолларда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради. Уй хўжаликлари рақобат ҳамда бозор муносабатлари такомиллашуви учун шароитлар яратади.

Уй хўжаликлари даромадларининг ўзгариш динамикаси
(млрд. сўм)

2.1-жадвал

Кўрсаткичлар	2005 й.	2007 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 йилда 2005 йилга нисбатан ўсиш, марта
Аҳолининг ялпи даромади	11674	20906	36430	47760	63282	1,3
ЯИМга нисбатан %да	73,3	74,2	73,8	76,6	81,4	8,1 ф.п.
Тадбиркорлик фаолияти даромади	4476,4	8123,1	12317	17656	22936	5,1
Мулкдан олинган даромад	35,1	57,7	135,6	191,1	272,1	7,8
Маош кўринишидаги даромад	3771	6929	12969	16886	21666	5,7
ЯИМга нисбатан %да	23,7	24,6	26,3	27,1	27,9	2,4 ф.п.
Натурал шаклдаги даромад	1035	1635	2468	2870	3576	3,4
ЯИМга нисбатан %да	6,5	5,8	5,0	4,6	4,6	-1,9 ф.п.
Пенсия ва бошқа ижтимоий трансфертлар	1508	2666	4938	6239	7775	5,2
ЯИМга нисбатан %да	9,5	9,5	10,0	10,0	10,0	0,5
Бошқа даромадлар	849,4	1553	3738	4110	7329	8,6

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бирга бозор муносабатлари ва рақобатни шакллантириш учун уй хўжаликлари муайян ҳажмдаги молиявий ва мулкий салоҳиятга эга бўлиши лозим. Бу:

- кўчмас мулк (ер участкаси, квартира, бошқа бинолар);
- капитал активлар (ускуналар, асбоб-анжомлар, иш ҳайвони);
- молиявий активлар (пул, қимматли қоғозлар ва б.);

• мол-мулк (узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар).

Уй хўжаликларида бундай активларнинг мавжудлиги уларга мустақиллик беради ва бозорда рақобат курашини олиб бориш имкониятини яратади. Умуман олганда, мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида аҳоли кўпроқ ўзини-ўзи ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаши туфайли уй хўжаликларининг аҳамияти янада ортди. Шунинг эвазига мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажмида уй хўжалигида яратилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг улуши доимий равишда ортиб бормоқда. Шу билан бирга чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, келгусида уй хўжаликларининг янада катта қисми товар хўжаликлари хусусиятига эга бўлишини кутиш мумкин.

Уй хўжалигининг даромадлари, одатда, мақсадли йўналишга эга бўлган алоҳида ажратилган пул жамғармалари кўринишида шаклланади. Уй хўжалигида оиланинг иккита асосий пул жамғармаси ташкил этилади:

– оиланинг шахсий эҳтиёжларини қондириш (озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат ишлаб чиқариши товарларини харид қилиш, турли пулли хизматлар ҳақини тўлаш) учун мўлжалланган истеъмол жамғармаси;

– келгусида қимматбаҳо товарларни харид қилиш ёки фойда олиш учун капитал сифатида фойдаланиладиган омонатлар жамғармаси.

Даромадларни жамғарма шакли уй хўжалигининг эҳтиёжини хўжалик аъзоларининг имконияти билан боғлаш ҳамда оиладаги ҳар бир кишининг эҳтиёжи қандай қондирилаётганлигини назорат қилиш имконини беради.

Шуларни инобатга олганда уй хўжаликларида молиявий ресурсларни шаклланиш ва уларни тақсимлаш функциялари амал қилиши муҳим ҳисобланади.

Уй хўжалигида молиявий ресурсларнинг яратилишига ва улардан фойдаланишга олиб келувчи қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турлари амалга оширилиши мумкин. Уй хўжалиги молияси — оила аъзоларининг якка тартибдаги меҳнат фаолияти натижасида яратиладиган пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий пул муносабатлари йиғиндиси ҳисобланади.

Уй хўжаликлари молиявий ресурсларни тақсимлаш функциясини бажарган ҳолда ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида ишчи кучини қайта тиклаш жараёнининг узлуксизлигини моддий ресурслар билан таъминлайди. Уй хўжалиги молиясининг айнан ушбу функцияси орқали ҳар бир инсонни унга ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш амалга оширилади.

Уй хўжалигининг молиявий муносабатлари иккита гуруҳни ўз ичига олади:

1) иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва ҳ.к. кўринишида бошланғич даромадларни яратган ҳолда ушбу хўжалик бирлиги билан молия тизимининг бошқа бўғинлари (давлат молияси – бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондлар ҳамда тижорат ташкилотлари ва корхоналарининг молияси) ўртасидаги муносабатлар;

2) маблағлар алоҳида ажратилган пул жамғармаларини ҳосил қилган ҳолда тақсимланадиган ва алоҳида ажратиладиган ҳолларда уй хўжалигининг аъзолари ўртасидаги муносабатлар.

Уй хўжалигининг соф даромади – умумий даромаднинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин уй хўжалигининг ихтиёрида қоладиган қисми тақсимлаш функцияси амал қилишининг объекти ҳисобланади. Тақсимлашнинг субъектлари жумласига уй хўжалигининг барча иштирокчилари киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, яъни уй хўжалиги аъзоларининг турмуш даражаси унинг улушига тўғри келадиган даромаднинг миқдорига боғлиқ. Ушбу миқдорга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар таъсири остида у ҳам ошиб, ҳам камайиб туриши мумкин. Шунинг учун истеъмолнинг одатий даражасини сақлаб туриш мақсадини кўзлаган ҳолда уй хўжалиги турли жамғармалар бўйича олинган даромаднинг тақсимланиши, ушбу жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириши зарур. Бу уй хўжалиги молиясининг назорат функцияси ҳисобланади.

Уй хўжалиги иқтисодиёти унинг турли иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг анча мураккаб мажмуига асосланади. Ушбу муносабатлар инсонларнинг ёши, феъл-атвори, одатларидаги фарқлар, улар эҳтиёжлари ва даромадларининг турли даражаси билан белгиланган. Шу билан бирга уй хўжалиги фақат унинг иштирокчилари иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида бир-бирини ўзаро тушунган тақдирда нормал ривожланиши мумкин. Уй

хўжалиги турли иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлари уларни тартибга солиш орқали мувофиқлаштирилади. Манфаатларни тартибга солиш деганда уй хўжалиги бир аъзосининг улушига тўғри келадиган даромад қисмининг эҳтимолий ўзгариши тушунилади. Демак, уй хўжалиги молияси яна бир муҳим функция — тартибга солиш функциясини ҳам бажаради. Мазкур функция уй хўжалигининг мувозанатлашган тарзда ривожланишини таъминлайди. Бунга молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш йўли билан эришилади. Шуни таъкидлаш лозимки, уй хўжалиги даражасида унинг ривожланишини тартибга солиш асосан ўзини-ўзи тартибга солиш орқали амалга оширилади. Уй хўжалиги иштирокчиларининг ушбу жараёндаги эркинлиги давлат томонидан чекланиши мумкин эмас.

Уй хўжаликлари молиясининг ўзига хослиги шу билан белгиланганки, молиявий муносабатларнинг ушбу соҳаси давлат томонидан кам даражада тартибга солинган. Ҳақиқатан ҳам, масалан, давлат бюджети каби марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ва сарфлаш жараёни давлатнинг қатъий назорати остида туради. Корхона пул жамғармаларини шакллантириш жараёни ҳам маълум даражада давлат томонидан белгиланади (устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан қўйиладиган талаблар, солиқ солиш тизими ва ҳ.к.). Уй хўжалиги пул жамғармаларини шакллантириш усуллари, уларнинг миқдори, мақсадли йўналиши, улардан фойдаланиш вақти тўғрисидаги қарорни мустақил равишда қабул қилади. Бошқача айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида давлат уй хўжаликлари ихтиёридаги даромаднинг тақсимланиши жараёнига бевосита таъсир этиш воситаларига эга эмас.

Шу билан бирга давлат уй хўжалиги реал тарзда тасарруф этадиган даромаднинг умумий миқдорига таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Уй хўжалигининг реал даромадлари уй хўжалиги билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатларнинг амалга оширилиши жараёнида умумий ижтимоий маҳсулот қийматининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши натижасида ҳосил бўлади. Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ставкаларининг оширилиши улар реал даромадининг қисқаришига олиб келади. Шу билан бирга солиқларни йиғиш орқали тўпланган молиявий ресурслар бюджет орқали соғлиқни сақлаш, таълим,

ижтимоий таъминот соҳасига йўналтирилади, натижада уй хўжаликлари реал даромадларининг даражаси ортади.

Уй хўжаликлари молиясининг яна муҳим бир функцияси – инвестициялаш функцияси ҳисобланади. У шундан иборатки, уй хўжаликлари иқтисодиёт учун асосий молиявий ресурслар таъминотчиларидан бири ҳисобланади. Уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши мазкур функцияни бажариш учун моддий асос ҳисобланади. Кўпинча уй хўжаликларининг инвестициялаш функцияси фақат капиталлаштириладиган даромадлар улуши билан боғланади. Лекин бу бир томонлама ёндашув ҳисобланади. Аслида эса истеъмол улушининг ортиши иқтисодиётда инвестицияларнинг ўсишига хизмат қилувчи омил ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестиция киритиш фаолияти анча тезлашди. Статистик маълумотларга кўра, 2005 йилда асосий капиталга уй хўжаликлари 361,1 млрд. сўм инвестиция киритган, бу кўрсаткич 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 9,3 мартага ошган ёки 3357,5 млрд. сўмга тенг бўлган. Бу мамлакат ЯИМ нисбатан 4,3 фоизни, жами инвестицияларга нисбатан эса 18,4 фоизни ташкил этади (2.2-жадвал).

Ўзбекистонда уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестициялар киритиш динамикаси (млрд. сўм)

2.2-жадвал

Кўрсаткичлари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 й.да 2005 й.га нисбатан ўсиш, %
Асосий капиталга инвестициялар	3165,2	4041,0	5903,5	9555,9	12531,9	15338,7	18291,3	5,8
ЯИМга нисбатан %да	19,9	19,1	20,9	24,5	25,4	24,6	23,5	3,6 ф.п.
Аҳоли маблағи	361,1	477,9	643,8	834,6	1325	2448,9	3357,5	9,3
ЯИМга нисбатан %да	2,3	2,3	2,3	2,1	2,7	3,9	4,3	2,0 ф.п.
Умумий инвестицияга нисбатан %	11,4	11,8	10,9	8,7	10,6	16,0	18,4	7,0 ф.п.

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Уй хўжаликларининг молиявий ресурслари қуйидаги манбалардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобига шаклланади:

– ўз маблағлари, яъни оиланинг ҳар бир аъзоси томонидан ишлаб топилган маблағлар – иш ҳақи, деҳқон хўжалигидан келадиган даромад, тижорат фаолиятидан кўриладиган фойда;

– кредит ташкилотларидан олинган кредит шаклида бозорга сафарбар этилган маблағлар, дивидендлар, фоизлар;

– қайта тақсимлаш тартибида келиб тушган маблағлар – пенсиялар, нафақалар, бюджетлардан ва бюджетдан ташқари фондлардан олинган ссудалар.

Уй хўжалиги пул маблағлари марказлаштирилган молия (давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар), мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарнинг марказлашмаган молияси ва молиявий бозор билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Улар ўртасида узлуксиз пул оқимлари юзага келади. Уй хўжалиги билан давлат ўртасида пул оқимларининг доимий ҳаракати амалга оширилади. Уй хўжаликларининг аъзолари давлат секторига хизмат кўрсатади, давлатга ўзи ишлаб чиқарган товар ва хизматларни сотади. Бунинг учун оила меҳнат ҳақи ва даромад олади. Бундан ташқари, уй хўжаликларининг молиявий муносабатлари солиқлар, йиғимлар, божлар ғазнага ва бюджетдан ташқари ижтимоий фондларга ажратмаларни тўлашда ҳам юзага келади. Шу билан бирга уй хўжаликлари ҳукуматдан турли пул трансфертлари, шунингдек, ижтимоий неъматлар ва натурал шаклдаги хизматларни қўлга киритади.

Пул оқимлари уй хўжаликларида тижорат корхоналари, фермер хўжаликлари, турли ташкилотлар, ижтимоий соҳа ва истеъмол бозори субъектлари билан ҳам юзага келади (2.2-расм). Улардан товар ва хизматларни қўлга киритиб, уй хўжаликлари уларга пул шаклида олинган турли неъматлар қийматини қайтаради. Шу билан бирга юридик шахслар уй хўжаликларини мазкур жамоа аъзоларида тегишли мулк мавжуд бўлган ҳолларда кредит ресурслари, фойда, дивидендлар, фоизлар, ижара тўлови билан ҳам таъминлашлари мумкин.

Молиявий ресурсларнинг айланиши натижасида уй хўжаликлари ўзининг шахсий эҳтиёжларини бугун ва келгусида қондиришлари мумкин.

Молия тизимининг субъекти сифатида уй хўжаликларининг энг муҳим функцияси – бу пул маблағларини қайта тақсимлаш функциясидир. Унинг моҳияти шундаки, миллий даромаднинг ЯИМни бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш тартибида уй хўжалигининг улушига тўғри келган қисми, у ёки бу улушда, биринчидан, унинг барча иштирокчилари, шу жумладан бюджет-мандалар ўртасида қайта тақсимланади, иккинчидан, инвестициялаш учун йўналтирилади. Биринчи ҳолатда уй хўжалигининг ҳар бир аъзоси ўз ҳаётий фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган маблағлар билан таъминланади. Шунинг учун қайта тақсимлаш функцияси доирасида ушбу уй хўжалиги аъзоларининг ҳаёт кечириши учун шароитлар яратишдан иборат бўлган такрор ишлаб чиқариш функцияси алоҳида ажратилиши мумкин.



1-трансфертлар;
2-солиқ ва бошқа тўловлар;
3-пул даромади (иш ҳақи ва б.);
4-ишчи кучи, маҳсулот, хом ашё;
5- маҳсулот ва хизматлар;
6-мутахассислар;
7-хизматлар;
8-ишчи кучи;
9-ресурслар ва хизматлар;
10-тўловлар;
11-жамғарма пули;
12-кредит

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

2.2-расм. Уй хўжаликларининг бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро алоқалари.

Уй хўжаликлари нодавлат корхоналар учун молиявий ресурсларнинг асосий етказиб берувчиларидан ҳисобланади. Уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши уй хўжаликлари молиясини қайта тақсимлаш функциясининг иккинчи кичик функцияси ҳисобланган инвестициявий функцияни бажариш учун моддий асосни ташкил қилади. Кўпинча уни фақат капиталлаштириладиган, яъни маблағларни турли хилдаги молиявий институтларга ва реал ишлаб чиқаришга қўйиш учун фойдаланиладиган даромадлар улуши билан боғлашади. Аслида истеъмол улушининг ортиши ҳам товар ва хизматлар бозорида тўловга қодир талабнинг ортиши орқали иқтисодиётга киритиладиган инвестицияларнинг ўсишига билвосита хизмат қилувчи омил ҳисобланади.

Уй хўжалиги иқтисодиёти унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб мажмуига таянади. Улар уй хўжалиги аъзолари ёшидаги, феъл-атвор хусусиятлари ва одатларидаги фарқлар, эҳтиёжлари ва даромадларининг турли даражаси билан белгиланади. Уй хўжалиги иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш уларни тартибга солиш, яъни тақсимланадиган даромад ҳар бир аъзонинг улушига тўғри келадиган қисмини оигли равишда ўзгартириш билан таъминланади. Иқтисодий бирлик сифатида уй хўжалигининг мувозанатлашган тарзда ривожланишини қўллаб-қувватловчи унинг молиясини тартибга солиш функцияси шундан иборат. Уй хўжалиги томонидан олинадиган даромадларни тақсимлаш улушларининг мазмунида уй хўжалигининг бевосита меҳнат, инвестициявий ва бошқа фаолиятдан даромад олувчи аъзоларининг ички қадриятлари намоён бўлади.

Умуман олганда, ушбу функция субъектив хусусиятга эга. Бу шуни англатадики, олинган даромаднинг тақсимланиши ва маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш қандайдир молиявий кўрсаткичларни баҳолашни назарда тутмайди. Аксинча, у индивидуал шаклга эга бўлиб, турли вақтда амалга оширилиши, оилавий бюджетни тузишга ёки бюджетнинг биргаликда, аралаш ёхуд даромад олувчи ҳар бир аъзо томонидан алоҳида тарзда юритилишига асосланиши мумкин.

Уй хўжаликлари давлатнинг иқтисодий ва молиявий тизими билан муносабатлари ўта мураккаб, чунки уларни ўзининг ички

мотивациясидан келиб чиқиб инсоннинг ўзи белгилайди. Бундай муносабатларда инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга, модомики, инсон уй шароитида ўз эҳтиёжларини танлашда эркин ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг иқтисодиётдаги роли шунда намоён бўладики, улар, бир томондан, корхоналарнинг бирламчи эгалари бўлгани ҳолда уларга ишлаб чиқариш омилларини тақдим этади, иккинчи томондан, тўловга қодир талабни шакллантирган ҳолда бозорда корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг харидорлари сифатида иштирок этади. Уй хўжаликлари иқтисодий фаолиятда иштирок этишининг асосий мотиви – унинг аъзоларининг моддий эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқ қондиришдан иборат.

Уй хўжаликлари иқтисодий муносабатлардан ташқари унинг турли субъектлари билан молиявий муносабатларга ҳам киришади. Шунинг учун уларнинг молиявий тизимдаги роли иқтисодий тизимдаги ролидан фарқ қилади.

Уй хўжаликлари қуйидаги муносабатларнинг таркибий қисмлари сифатида иштирок этади:

* солиқ тизими (солиқ тўловчи сифатида уй хўжаликлари бошқа иқтисодиёт субъектлари бюджетлари даромадларининг асосий қисмини шакллантиради, бироқ, ривожланган хорижий мамлакатлардан фарқли ўлароқ, давлат ғазнасини шакллантириш бўйича асосий солиқ юки юридик шахсларнинг зиммасига тушади);

* молиявий бозор (омонатчилар сифатида уй хўжаликлари ўз даромадларининг бир қисмини инвестиция қилади ва бу билан молиявий тизимнинг бошқа бўғинларида молиявий ресурсларни ошириш имкониятига таъсир кўрсатади).

Уй хўжаликларида жамғармаларнинг мавжудлиги – бу индивидларнинг молиявий ресурсларини иқтисодиётга инвестициялар сифатида жалб қилиш учун асосий омил ҳисобланади. Уй хўжаликларида активларнинг мавжудлиги уларга бозорда рақобат курашини юритиш мустақиллиги ва имкониятини беради. Умуман олганда, бу ҳол мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантиришга ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ички ресурс базасини кенгайтиришга замин яратади.

2.2. Уй хўжаликлари даромади ва харажатлари таркиби ва уларнинг ўзгариш тенденцияси

Уй хўжалиги аъзоларининг умумий даромадлари ва уларнинг шахсий эҳтиёжларини таъминловчи харажатлар – уй хўжалиги бюджети ҳисобланади. Эҳтиёжларнинг ортиб бориши муносабати билан уй хўжалиги бюджети маблағлари доимий равишда етишмайди. Мамлакатимизда уй хўжалиги аъзолари асосий иш жойида меҳнат қилиш ва меҳнат шартномалари бўйича иш ҳақи олишдан ташқари, деҳқон хўжалигини (асосан қишлоқ жойларида) ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўзининг ортиқча кўчмас мулки ва узоқ муддатли фойдаланиладиган буюмларини ижарага беришни, қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотишни амалга ошириб боради.

Чет эл иқтисодий адабиётида уй хўжалигининг доимий ва вақтинчалик даромади ажратилади. Доимий даромад – бу инсоннинг кутишларига мувофиқ келгусида сақланиб қоладиган даромад. Барқарор иқтисодий жамиятда даромаднинг ушбу турига, одатда, меҳнат ҳақи киради. Келгусида йўқолиб кетиши мумкин бўлган даромад вақтинчалик даромад ҳисобланади (масалан, акциядорлик жамияти тугатилиши муносабати билан йўқолиб кетиши мумкин бўлган қимматли қоғозлардан олинадиган даромад).

Оила аъзоларининг даромади уй хўжаликлари истеъмолининг ҳажмини белгилаб беради. Миқдори йил сайин такрорланадиган доимий даромад уларнинг истеъмол харажатларидаги жиддий ўзгариб туришларни келтириб чиқармайди. Айни пайтда вақтинчалик даромад мамлакатнинг умумий тўловга қобил талабига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Унинг кўплиги айрим ҳолларда товар ва хизматларга нисбатан қўшимча талабларни келтириб чиқарган ҳолда бозордаги вазиятни мураккаблаштиради.

Уй хўжалигининг даромадлари унинг истеъмол товарлари ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, тўплаш, жамғариш ва мажбурий тўловлар, яъни харажатларни амалга оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг даромадларини турли мезонлар бўйича бўлиш мумкин. Биринчи галда, пул ва натурал шаклдаги даромадларни ажратиш мумкин. Натурал шаклдаги даромадлар жумласига деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган, шунингдек,

қишлоқ хўжалиги корхоналаридан натура кўринишидаги тўлов бўйича олинган, уй хўжалигида истеъмол қилинадиган маҳсулотларни киритиш мумкин.

Агар уй хўжалиги маҳсулотларининг бир қисмини бозорда сотиш учун етиштирса, у ҳолда сотишдан тушган пул маблағлари даромадлар ҳисобланади.

Бозор муносабатлари ривожланган ҳар қандай мамлакатда аҳолининг катта қисми иқтисодиётнинг давлат ёки хусусий тадбиркорлик секторларида банд, шунинг учун пулли даромадлар натурал даромадлардан устун туради. Афсуски, статистик тадқиқотлар фақат уй хўжаликлари пулли даромадларининг умумий даражасини аниқлаш имконини беради. Натурал даромадлар соҳасида алоҳида маҳсулотлар ва уларнинг гуруҳлари кесимида танлаб амалга ошириладиган тадқиқотлар ўтказилади.

Уй хўжаликларининг пулли даромадлари кўпинча тушумлар манбалари бўйича бўлинади. Уларнинг энг умумий таснифига қуйидагилар киради:

– иш ҳақи ҳамда турли устама ва қўшимча ҳақлар;

– пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа суғурта ва ижтимоий тўловлар;

– тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар;

– шахсий мол-мулк билан амалга оширилган операциялардан олинадиган даромадлар ва молия-кредит соҳасидаги пул жамғармалари.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ишлаб топилган, яъни уй хўжалиги аъзосининг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлар ва шунчаки олинган даромадлар тушунчалари мавжуд. Бир томондан, ишлаб топилган даромадлар уй хўжалигига тўлиғича келиб тушмайди. Бунда даромадлардан ижтимоий суғурта бадаллари, фойда солиғи ва ҳ.к. тўланади. Иккинчи томондан, уй хўжаликларига келиб тушадиган даромадларнинг бир қисми меҳнат маҳсули ҳисобланмайди. Биринчи галда бу — ижтимоий таъминот ва бахтсиз ҳодисалар бўйича тўловлар, ишсизлик ва меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ва давлат ижтимоий ёрдамининг бошқа айрим турларини ўз ичига олувчи трансферт тўловлари.

Юқорида келтирилган таснифда фуқароларнинг тасодифий даромадлари, масалан, лотерея ютуқлари, назарда тутилмаган мукофот ва совғалардан олинган даромадлар, шунингдек, қонунга хилоф равишда олинган даромадлар ҳисобга олинмаган. Қонунга

хилоф равишда олинган даромадлар жумласига солиқлардан бўйин товлаш натижасида олинган маблағни, ноқонуний валюта ва бошқа молиявий операциялардан, масалан, бошқа фуқароларга валюта қарзларини, одатда, судхўрлик фоизлари остида беришдан, тақиқланган товарлар (наркотиклар ва ҳ.к.)ни сотишдан олинган даромадларни киритиш мумкин. Тасодифий ва қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ҳисобга олиш ўта мураккаб ҳисобланади.

Уй хўжаликлари даромадларини ўлчаш учун аҳолининг умумий, тасарруфидаги, номинал ва реал даромадлари тушунчалари қўлланилади.

Умумий даромадлар деганда ижтимоий фондлар ҳисобидан бепул ёки имтиёзли хизматлар қийматини ҳисобга олган ҳолда даромадлар тушумининг барча манбалари бўйича пулли ва натурал даромадларнинг умумий суммаси тушунилади. Натурал даромадларни бозорда тегишли товарларнинг ўртача сотилиш нархи бўйича баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари умумий даромадлари 2011 йилда 63 трлн. 282 млрд. сўмга тенг бўлиб, ушбу даромад 2005 йилга нисбатан 5,4 мартага ошган ва бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 82 фоизини ташкил этади. Шундан уй хўжаликларини натура шаклидаги даромадлари 2011 йилда 3576,5 млрд. сўмга тенг бўлган ва бу умумий даромадларни 12,3 фоизини ташкил этади.

Бироқ, аҳоли учун тасарруфдаги даромадлар ёки уй хўжаликларининг ихтиёрида қоладиган даромадлар муҳимроқ аҳамиятга эга. Улар умумий даромадлардан солиқлар ва мажбурий тўловларни чегирма қилиш йўли билан ҳосил бўлади. Умумий суммада аҳоли тасарруфидаги даромадлар ялпи ички маҳсулотнинг истеъмол ва жамғариш учун йўналтириладиган қисмини ҳосил қилади.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз уй хўжаликлари тасарруфида қолган даромадлар 2005 йилда 10 трлн. 878 млрд. сўмдан 2011 йилга келиб, 56 трлн. 370 млрд. сўмга кўпайган. Унинг 46728,1 млрд. сўми пировард истеъмолга, 9641,9 млрд. сўми эса омонатга жамғариш ҳажмини ташкил этган.

Номинал даромадлар — уй хўжалигининг муайян давр учун пул шаклидаги даромадлари. Бунда ҳисобланган номинал даромадларни ва амалда олинган даромадларни ажратиш мумкин. Ҳисобланган номинал даромадлар амалдаги даромадлардан ушбу

даврда ҳисобланган, лекин тўланмаган даромадлар, шунингдек, давлат ва ташкилотларнинг ўтган даврлардаги қарзларини тўлаш натижасида олинган даромадлар миқдорига фарқ қилади. Амалдаги ва ҳисобланган даромадлар ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиши мумкин. Ходимлар учун, албатта, амалдаги даромадлар кўпроқ аҳамиятга эга.

Уй хўжаликларининг реал даромадлари иккита омил — тасарруфдаги даромадлар ҳамда товар ва хизматлар нархлари билан белгиланади. Улар амалда олинган номинал даромадларга харид қилиш мумкин бўлган истеъмол товарлари ва хизматлар миқдори билан ифодаланиши мумкин. Реал даромадлар тасарруфидаги даромадлар ўсиш суръатлари билан муайян давр учун истеъмол нархлар индекси ўртасидаги нисбатга боғлиқ. Уй хўжаликлари учун реал даромадлар, мол-мулк ва илгари жамғарилган маблағлар миқдори билан бир қаторда ушбу хўжаликларнинг фаровонлик даражасини белгилаб берувчи энг муҳим кўрсаткичлар жумласига киради.

Давлат ташкилотларининг ходимлари ва иқтисодиётнинг хусусий секторида меҳнат қилувчи шахслар учун турли шакллардаги иш ҳақи ҳамда турли устама ва қўшимча меҳнат ҳақи асосий аҳамиятга эга.

Миллий ҳисоблар тизимига мувофиқ улар жумласига қуйидагилар киритилади: (1) ишбай баҳоси, тариф ставкалари ва лавозим окладлари бўйича ҳисобланган иш ҳақи; (2) алоҳида шароитда ишлаганлиги учун тўловлар; (3) иш вақтидан ташқари ва тунги вақтда, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлиги учун қўшимча тўловлар; (4) мукофотлар ва бир марталик рағбатлантириш тўловлари; (5) белгиланган муддат хизмат қилганлиги учун тўлов; (6) йиллик ва қўшимча таътиллар ҳақи; (7) фойдада иштирок этишдан олинадиган даромадлар (масалан, акция учун дивидендлар); (8) хизмат сафарлари харажатлари ва йўл пули; (9) берилган махсус кийим-кечак, махсус пойабзал ва овқатлар қиймати. Ходимнинг меҳнат ҳақи шаклида олинган даромадларининг бир қисми унинг ўзига бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш учун зарур; меҳнат ҳақининг асосий қисми уй хўжалиги, шу жумладан, оила аъзоларини сақлаб туриш учун сарфланади.

Ижтимоий ҳимоялаш мақсадида давлат аҳолига меҳнат ҳақининг энг кам миқдорини кафолатлайди. Кўпчиликнинг фикрича, энг паст малакали, оддий меҳнат учун белгиланадиган

ушбу миқдор меҳнат ҳақининг қуйи чегарасига мос келади. Тўловларнинг барча турлари (тариф ставкалари, окладлар, устама ҳақлари ва ҳ.к.)ни ҳисобга олган ҳолда амалдаги иш ҳақининг миқдори, инсон қандай ташкилотда меҳнат қилишидан қатъи назар, қонун билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Энг кам иш ҳақи миқдори тегишли бюджетлардан молияланадиган ташкилотлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан ёки бошқа ташкилотлар учун ўз маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Уй хўжаликларида пенсиялар, нафақалар ва бошқа суғурта ва ижтимоий тўловлар битта катта гуруҳга бирлаштирилган, чунки уларнинг асосий қисмини давлат тўлайди. Шунинг учун уларни ҳисоблаш ва ёзиш кўпроқ қонунчилик нормаларига боғлиқ. Бозор ислоҳотлари даврида меъёрий ҳужжатларга кўплаб ўзгартириш ва тузатишлар киритилган. Ушбу жараён анча вақт давом этган бўлсада, суғурта тўловларининг муайян нормаларини механик тарзда қабул қилиб бўлмайди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, суғурта ва ижтимоий тушумлар бир хил эмас. Улар ичида ходимларнинг меҳнат ҳиссасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тўловларни ажратиш мумкин. Бу, биринчи навбатда, кўпроқ пенсия тўловларига тааллуқли бўлиб, уларни меҳнат пенсияси сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бироқ ушбу тўловлар билан боғлиқ даромадларнинг катта қисми «ижтимоий» хусусиятга эга, чунки улар давлат томонидан аҳоли турмушининг энг паст даражасини сақлаб туриш воситаси сифатида тўланади. Шунингдек, фуқароларга улар бундан кейин ишлаш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишган тақдирда тақдим этиладиган ижтимоий тўловлар ҳам мавжуд. Масалан, ишсизлик бўйича нафақаларнинг аксарияти ишсизни қандайдир мутахассисликка ўқишга рағбатлантириш мақсадида чекланган вақтга ва паст ставкалар бўйича тўланади.

Уй хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятидан, шахсий мол-мулк билан амалга оширилган операциялардан оладиган даромадлари ва молия-кредит соҳасидаги пул жамғармалари катта ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга эга.

Уй хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлари оила аъзоларининг юридик шахсни ташкил этган ва этмаган ҳолда амалга ошириладиган тижорат фаолиятидан олинадиган даромадларни ўз ичига олади. Даромадларнинг ушбу гуруҳига юридик шахс мақомига эга бўлган хусусий корхоналар

эгаларининг даромадлари ҳам киради. Кўриб чиқилаётган даромадларнинг янада батафсил талқини мавжуд бўлиб, унга кўра, мазкур даромадлар жумласига, хусусан, қуйидагилар киритилган: фуқароларга мулкчилик ҳуқуқларида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар; товар ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни, тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар; четдан харид қилинган товар ва маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромадлар ва б.

Шундай қилиб, шахсий мол-мулк билан амалга оширилган операциялардан оладиган даромадлар ҳам тадбиркорлик даромадининг шакли сифатида кўриб чиқилади. Масалан, бўш турган уй-жойни узоқ муддатга ижарага бериш барқарор ва катта даромад келтириши мумкин ва бу фойда олишга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг бир шакли ҳисобланади. Айни пайтда квартирани сотиш ва пастроқ сифатли ёки кичикроқ уй-жойни сотиб олиш натижасида олинган даромадни тадбиркорлик фаолияти даромадига киритиш ноўрин. Ушбу ҳолатда уй-жой олди-сотдиси мажбурий чора ҳисобланади. Мазкур шахс томонидан олинадиган пул даромади унинг тасарруфидаги мол-мулк реал қийматининг камайишига мос келади.

2.3-жадвалда мамлакатимиз уй хўжаликлари даромадининг таркиби ва улар кўрсаткичларининг 2005–2011 йилларда ўзгариш динамикаси келтирилган. Уй хўжаликлари даромадлари таркибида иш ҳақи, аҳолининг тадбиркорлик ҳамда мулкидан келадиган даромадлар улуши 70 фоиздан юқори, шундан ойлик иш ҳақи 2011 йилда 34,2 фоизни ташкил этганда, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан қарийб 2 фоиз пунктига ошган.

Уй хўжалиги даромадларида нафақа, стипендия ва ижтимоий трансфертлар улуши 12-14 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда уй хўжаликларининг натура шаклидаги маҳсулотлари ҳажми кўпайса-да, уларнинг даромаддаги улуши пасайиш тенденциясига эга. Шу билан бир вақтда уй хўжаликларининг бошқа даромадлари улушининг ўсиши кузатилади.

Уй хўжалигининг пул харажатлари – бу инсон капиталини асраш ва ҳаётини давом эттириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни харид қилиш учун амалдаги харажатлар бўлиб, улар истеъмол харажатлари ва истеъмол билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатларни ўз ичига олади. Улар уй хўжалиги

алоҳида аъзоларининг ишчи кучини такрор тиклашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари умумий даромади таркибининг ўзгариш динамикаси, %

2.3-жадвал

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Кўрсаткичлар	2005 й.	2007 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Уй хўжаликларининг ялпи даромадлари	100	100	100	100	100
иш ҳақи	32,3	33,1	35,6	35,4	34,2
тадбиркорлик ва мулкдан олинган даромад	38,6	39,1	34,2	37,4	36,7
нафақа, стипендия ва бошқа ижтимоий трансфертлар	12,9	12,8	13,6	13,1	12,3
натура шаклидаги даромадлар	8,9	7,8	6,8	6,0	5,7
бошқа даромадлар	7,3	7,2	9,8	8,1	11,1

Уй хўжалиги бюджетининг харажатлари мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Ўз даромадларидан фойдаланган ҳолда оила товар ва хизматлар бозорининг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди. Ўз жамғармалари ва омонатларини сотиб оила қимматли қоғозларга бўлган талабни оширади ва бу билан фонд бозорини кенгайтиради. Бундан ташқари, уй хўжалиги муҳим ишлаб чиқариш ресурслари ҳисобланган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини таклиф этувчи субъект сифатида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, оила аъзолари фарзандлар тарбияси билан шуғулланган ҳолда давлат томонидан молияланадиган ижтимоий-маданий соҳанинг асосий истеъмолчилари ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда уй хўжаликларининг харажатларини таснифлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд [52,68,101]. Амалга оширишнинг даврийлиги (тез-тезлиги) нуқтаи назаридан уй хўжаликлари харажатлари учта гуруҳга ажратилади:

1) қисқа муддатли харажатлар;

2) ўрта муддатли харажатлар;

3) узоқ муддатли харажатлар.

Биринчи гуруҳга кундалик неъматлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, айрим ноозиқ-овқат, товарлар, хизматларнинг катта қисми) учун харажатларни киритиш мумкин, иккинчи гуруҳ даврий

(мавсумий равишда сотиб олинадиган товарлар (кийим-кечак, пойабзал ва б.)ни ўз ичига олади, учинчи гуруҳ бир неча йилда бир марта амалга ошириладиган харажатлардан таркиб топади.

Ушбу таснифда уй хўжаликларининг мажбурий тўловлари ҳисобга олинмаган, чунки бундай тўловлар уй хўжалигининг реал даромадларидан келиб чиқади. Агар аҳоли харажатларини уларнинг умумий даромадларидан келиб чиқиб таснифлайдиган бўлсак, у ҳолда биринчи гуруҳга уй хўжаликларининг мажбурий тўловлари, аҳолининг коммунал ва бошқа ҳар ойлик тўловларини, ҳар ойда тўланадиган солиқлар ва йиғимларни қўшимча қилиш, иккинчи гуруҳга эса жисмоний шахслар номунтазам, фақат алоҳида ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширишда (мол-мулкни мерос қолдириш, кўчмас мулкни харид қилишда ва ҳ.к.) тўлайдиган солиқларни киритиш мумкин.

Уй хўжаликлари томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг функционал йўналишига қараб айрим иқтисодчилар уларни қуйидаги асосий гуруҳларга бўлишади [32, 57, 92, 97, 113, 115]:

а) шахсий истеъмол харажатлари (товарлар харид қилиш ва хизматлар қийматини тўлаш);

б) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

в) пул имғармалари.

Уй хўжалигининг харажатларини янада чуқурроқ тавсифлаш учун юқорида кўрсатилган иккита мезонни бирлаштириш имконини берувчи таснифлашнинг бошқа вариантидан фойдаланиш таклиф этилади. Ушбу вариант, уй хўжаликлари бюджетининг харажат қисмини учта асосий бўлимга бўлишни назарда тутади:

1) мажбурий тўловлар;

2) истеъмол харажатлари;

3) пул имғармалари.

Уй хўжалигининг мажбурий тўловлари унинг реал даромадларини қисқартиради. Уй хўжалиги томонидан ушбу модда бўйича қанча кўп пул маблағлари сарфланса, у шунча кам пул маблағларини жорий истеъмол ва жамғариш учун йўналтириши мумкин. Шунингдек уй хўжаликларининг бюджетларида ушбу модданинг миқдори мутлақ ифодада ҳам, бошқа харажат моддаларига нисбатан ҳам сезиларли даражада ўзгариб туради.

Уй хўжаликларининг истеъмол учун йўналтириладиган харажатларини таснифлашнинг турли вариантлари мавжуд.

Вариантларнинг бирида истеъмол харажатлари ўн тўртта гуруҳдан таркиб топган: озиқ-овқат маҳсулотлари; кийим-кечак харид қилиш харажатлари; уй-жой учун харажатлар; уй жиҳозлари; турар-жой буюмлари; атторлик моллари; санитария ва гигиена; идиш-товоқ; таълим ва тарбия; маданият; саломатлик ва дам олиш; йўловчи транспорти; алоқа хизматлари; алкоголь ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари. Бундай тасниф биз таклиф этаётган уй бюджетининг харажатларини таснифлашнинг функционал-вақт мезонига мос келмайди. Ушбу мезонга кўра уй хўжалигининг истеъмол учун харажатларини, биринчи навбатда, иккита моддага бўлиш мақсадга мувофиқ, жорий ва капитал харажатлар.

Уй хўжалигининг жорий харажатлари жумласига озиқ-овқат маҳсулотлари, нисбатан узоқ бўлмаган даврда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат товарлари (кийим-кечак, пойабзал ва б.)ни харид қилиш, шунингдек, аҳоли томонидан бутун ҳаёти давомида даврий равишда истеъмол қилинадиган хизматлар (масалан, сартарошхона, кирхона, стоматолог ва ҳ.к. хизматлари) ҳақини тўлаш харажатларини киритиш лозим.

Капитал харажатлар анча узоқ вақт фойдаланиладиган ноозиқ-овқат товарлари (мебель, уй-жой, транспорт воситалари ва ҳ.к.)ни харид қилиш харажатларини ўз ичига олади. Уй хўжалиги аъзолари камдан-кам ҳолларда истеъмол қиладиган, лекин натижаси, аксинча, уларга катта таъсир кўрсатиб, анча узоқ вақт мобайнида уларнинг ҳаётини белгилаб берадиган хизматлар (таълим, тиббий операция, туристик йўлланма ва ҳ.к.) харажатларини киритиш даркор.

Истеъмол учун харажатларнинг умумий суммаси бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларни пайдо бўлиш соҳаси нуқтаи назаридан ички ва ташқи турларга бўлиш мумкин. Ички омиллар жумласига (аҳамиятига қараб) қуйидагиларни киритиш мумкин: уй хўжалиги умумий пулли даромадларининг миқдори; уй хўжалиги эҳтиёжларининг натурал хўжалик юритиш ҳисобидан таъминланиш даражаси; уй хўжалиги бюджетини юритишни ташкил этиш даражаси; уй хўжалиги аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари даражаси. Ташқи омиллар жумласига қуйидагилар киради: уй хўжалиги томонидан истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар чакана нархлари даражаси; тиббиёт, таълим, транспорт ва ҳоказоларни молиялаш учун йўналтириладиган давлат дотациялари миқдори; уй хўжалигининг солиқлари ва бошқа

мажбурий тўловлари суммаси; миллий иқтисодиётда истеъмол кредитининг ривожланганлик даражаси.

Ўзбекистонда уй хўжаликларининг пировард истеъмоли, яъни товарлар сотиб олиш ҳамда хизматлар тўлови харажатлари, омонат жамғармасига ажратилган пул маблағи кўпайганлиги туфайли, 2011 йилда 73,8 фоизга тенг бўлган ёки ушбу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 3,6 фоиз пунктига камайган. Уй хўжаликлари мажбурий тўловлари 2005 йилда 6,4 фоизга; 2010 йилда 6,9 фоизга; 2011 йилда 6,6 фоизга тенг бўлган. Шу билан бир вақтда аҳолининг омонат жамғармаси 2005–2007 йилларда ўсиш, 2008–2010 йилларда пасайиш ва 2011 йилда яна ўсиш тенденцияси билан тавсифланади (2.4-жадвал).

Ўзбекистонда уй хўжаликлари харажатлари таркибининг ўзгариш динамикаси, %

2.4-жадвал

Кўрсаткичлар	2005 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Уй хўжаликлари пировард истеъмолига қилинган харажатлар	77,5	76,0	76,0	79,4	79,9	73,8
товарлар хариди	58,5	55,8	54,8	57,0	56,3	50,5
хизматлар тўлови	19,0	20,2	21,3	22,4	23,6	23,3
Мажбурий тўловлар ва бадаллар	6,4	5,4	6,9	7,0	6,9	6,6
Жамғарма орттириш	16,1	18,6	17,0	13,6	13,2	19,6

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Умуман олганда, уй хўжаликлари харажатлари уларнинг пул жамғармалари ҳажми билан узвий боғлиқ. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги корхона каби мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, яъни ўз фаолиятининг натижасига тўлиқ боғлиқ. Шунинг учун бозор шароитида уй хўжаликлари ўз пул жамғармаларини ташкил этмай туриб, унинг оқилона юритилиши ва ривожланишининг узлуксизлигини таъминлаб бўлмайди.

Уй хўжалигининг пул жамғармалари аҳоли томонидан пул маблағларининг тежалиши ва жамғарилиши натижасида ҳосил бўлади. Уй хўжалиги тасарруфидаги даромад ушбу жамғармаларни шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Мазкур жамғармаларнинг мақсадли йўналиши турлича бўлиши мумкин. Уй хўжаликларида тежаш (жамғариш) жараёнини белгилаб берувчи, камида, учта мақсадни ажратиш мумкин:

► тасарруфдаги даромад миқдори у ёки бу сабабларга кўра камайган ҳолларда жорий истеъмолнинг одати даражасини сақлаб туриш учун суғурта захирасини ташкил этиш;

► узоқ муддат фойдаланиладиган қимматбаҳо буюмлар ёки хизматларни харид қилиш билан боғлиқ капитал харажатлар даражасини ошириш учун пул захирасини ташкил этиш;

► уй хўжалиги даромади даражасини ошириш мақсадида инвестиция қилиш учун пул жамғармасини ташкил этиш (акциялар, облигацияларга маблағлар сарфлаш ва ҳ.к.).

Уй хўжаликлари умумий даромадлари ва харажатлари таркибидаги ижобий силжишлар, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узвийлиги натижаси ҳисобланиб, улар аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

2.3. Уй хўжаликлари даромадлари ва асосий капиталга инвестиция киритиш кўрсаткичларини прогнозлаш

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республика уй хўжаликлари фаолиятида кейинги йилларда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари юз берди. Агар 2005 йилда уй хўжаликларида 4476,4 млрд. сўмга тенг тадбиркорлик даромади (қўшимча қиймат) яратилган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 22936,4 млрд. сўмни ташкил этган, ёки 2005 – 2011 йиллар даврида уй хўжаликларида ишлаб чиқариш 5,1 мартага ошган. Шу даврда уй хўжаликларининг ЯИМдаги улуши 2005 йилдаги 28,1 фоиздан 2011 йилда 29,5 фоизгача ошган (2.5-жадвал).

Уй хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожи, улар даромадлари, истеъмоли ҳамда жамғаришнинг ўсишига асос яратди. Республика уй хўжаликларида 2011 йилда 22936,4 млрд. сўм тадбиркорлик даромади олинган, бу 2005 йилга солиштирганда қарийб 5,1 мартага кўпдир. Шундан 9641,1 млрд. сўми (2011 й.) жамғаришга ажратилган. Ушбу жамғарма миқдори 2011 йилда ЯИМнинг 12,4 фоизини ташкил этган ва бу 2005 йилга таққослаганда 0,8 фоиз пунктга ошган.

Уй хўжаликлари жамғармалари миқдори кўпайиши, уларга асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш имкониятини берди. Уй хўжаликлари республика бўйича 2005 йилда 361,1 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестиция киритган

бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 3357,5 млрд. сўмни ташкил этган. Ёки шу даврда уй хўжаликлари томонидан асосий капиталга киритилган жами инвестициялар 9,3 мартага ошган.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

2.5-жадвал

Йил	Аҳоли сони, млн. киши	Уй хўжаликлари						Аҳоли жон бошига уй хўжалиги	
		тадбиркорлик даромадлари (қўшилган қиймат)		жамғармаси		асосий капиталга инвестицияси		ойлик даромади, минг сўм	ойлик истеъмоли, минг сўм
		млрд. сўм	ЯИМга нисбатан, %	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан, %	млрд. сўм	Умумий инвестицияга нисбатан, %		
2005	26263,6	4476,4	28,1	1839,3	11,6	361,1	11,4	444,5	344,1
2006	27048,5	5983,7	28,3	2943,0	13,9	477,9	11,8	577,0	442,5
2007	26962,1	8123,1	28,8	3774,2	13,4	643,8	10,9	775,4	589,2
2008	27398	9988,1	25,6	6305,7	16,2	834,6	8,7	1057,2	745,2
2009	27767	12316,9	24,9	7332,0	14,8	1325	10,6	1312,0	976,3
2010	28228	17655,9	28,3	8360,0	13,4	2448,9	16,0	1692,0	1273,0
2011	29349	22936,4	29,5	9641,1	12,4	3357,5	18,4	2158,8	1592,2
2011 й.да 2005 й.га нисбатан ўсиш, марта	**11,7%**	**4,4**	**--**	**5,2**	**--**	**10,8**	**--**	**4,3**	**4,6**

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бир вақтда уй хўжаликларининг асосий капиталга киритган инвестицияларининг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 2005 йилда 11,4 фоиз бўлган бўлса, у 2011 йилда 18,4 фоиз бўлган. Ёки ушбу кўрсаткич шу даврда 7 фоизга ошган.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланишини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда улар ойлик даромадларининг ҳамда истеъмоли ҳажмининг кейинги йилларда муттасил ошиб боришидан ҳам кўриш мумкин. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли жон бошига уй хўжалиги ойлик даромади 2005 йилда 444,5; 2008 йилда 1057,2 ва 2011 йилда 2158,8 минг сўмни ташкил этган ёки ҳар 3 йилда уй хўжаликлари даромадлари ўртача 2 – 2,2 баробарга ошиб борган. Бу ўсиш 2011 йилда 2005 йил билан солиштирганда қарийб 4,9 мартани ташкил этади. Худди шундай ўсиш тенденциясини аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй хўжаликлари ойлик истеъмолида ҳам кузатиш мумкин.

Шу билан бир вақтда уй хўжаликлари даромадларининг истеъмолга ажратилаётган қисми, умумий оила даромадининг 2005 йилда 77 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 82,9 фоизга тенг бўлган. Даромадни истеъмолга ажратилган қисмининг бундай юқори даражаси оилани ички талабларини ошиши билан бирга саноат тавсифидаги ноозиқ - овқат товарлар харид баҳоларининг ҳам ошиб бориши билан изоҳланади.

Уй хўжаликлари даромад ва истеъмолининг ўсишини оила тадбиркорлиги ривожланиши ва уни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши натижалари сифатида баҳолаш ўринли ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда республика уй хўжаликлари истиқболда ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланадиган даромад ва инвестицияларнинг ўзгариш тенденцияларини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози кучайиши эҳтимоли ҳозир ҳам мавжуд. Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамай, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда» [21]. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимиз уй хўжаликларининг кейинги даврдаги даромадлари ривожланиши ҳақида асосланган прогноз маълумотларига эга бўлиш, давлатимиз томонидан уларни қўллаб - қувватлаш ва бир маромда барқарор иқтисодий ўсишини рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш учун катта аҳамиятга эга.

Уй хўжаликлари ривожланиши кўрсаткичларини илмий жиҳатдан асосланган прогноз вариантларини танлаш учун иқтисодий-математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги услубий ёндашувлар асосида уй хўжаликларининг макроиқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаштириш амалга оширилди.

Биринчи ёндашув – уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши, уларни аввалги йиллар фаолиятига боғлиқ деган гипотезага асосланган. Бунда уй хўжаликлари фаолиятини ўзида ифода этувчи вақт қатори омил сифатида қаралиб, тренд моделлари ишлаб чиқилди.

Иккинчи ёндашув – уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши унга таъсир этувчи омилларнинг ўсиш даражасига боғлиқ деган гипотезага асосланади. Бу ҳолда уй хўжалиги ривожланиш омилларининг ўзаро боғлиқлигини ифода этувчи эконометрик моделлар тузилди.

Моделларни ишлаб чиқишда мамлакат ЯИМ ҳажми, аҳолисининг сони ҳамда уй хўжаликларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги статистик маълумотлардан фойдаланилди.

Ишлаб чиқилган вақт тренди ҳамда бир омилли эконометрик моделлардан фойдаланиб, уй хўжаликлари ва уларнинг ривожланиши билан боғлиқ асосий кўрсаткичлар 2012 – 2015 йилларда ҳам ўз самарасини беради.

Биринчи ёндашув асосида мамлакат аҳолиси ва ЯИМнинг ўсиши ҳамда уй хўжаликлари ривожланиши кўрсаткичлари бўйича 40 та (5 тадан вариант) тренд моделлари тузилди. Улардан статистик баҳолаш мезонларини солиштириш натижаларига таяниб прогнозлашда фойдаланиш учун чизиқли полиминал ва даражали функциялар танланди. Ушбу функциялар моделлаштирилаётган жараёнга таъсир этувчи омиллар ўзгариш қонуниятларини ўзида аниқроқ акс эттириши билан бошқа (логарифмик, экпоненциал) боғланишли функциялардан фарқ қилади.

Уй хўжаликлари ривожланиши билан боғлиқ кўрсаткичларни прогнозлашни амалга ошириш учун танланган тренд моделлари қуйидагилардан иборат:

1. Ялпи ички маҳсулот (млрд. сўм)

I вариант: $y = 10328t + 6469;\ (R^2 = 0{,}9749;\ t_{хи} = 25{,}6),$ (1)

II вариант: $y = 949{,}93t^2 + 2729t + 12046;\ (R^2 = 0{,}9996;\ t_{хи} = 79{,}0),$ (2)

2. Аҳолининг ўртача йиллик сони (минг киши)

I вариант: $y = 442,76t + 25802;\ (R^2 = 0,9168;\ t_{хи} = 5,12),$ (3)

II вариант: $y = 50,496t^2 + 38,789t + 26407;\ (R^2 = 0,9526;\ t_{хи} = 26,95),$ (4)

3. Уй хўжаликлари ихтиёридаги ялпи даромади (млрд. сўм)

I вариант: $y = 798,15t^2 + 1115,5t + 9180;\ (R^2 = 0,9997;\ t_{хи} = 91,2),$ (5)

II вариант: $y = 7500,7t - 391,8;\ (R^2 = 0,9669;\ t_{хи} = 8,7),$ (6)

4. Уй хўжаликларининг пировард истеъмоли (млрд. сўм)

I вариант: $y = 6150,8t + 734,44;\ (R^2 = 0,9494;\ t_{хи} = 6,78),$ (7)

II вариант: $y = 7494,8t^{0,8317};\ (R^2 = 0,9287;\ t_{хи} = 33,7),$ (8)

5. Уй хўжаликлари пул жамғармаси (млрд. сўм)

I вариант: $y = 13,564t^2 + 1458,4t + 179,8;\ (R^2 = 0,9845;\ t_{хи} = 12,5),$ (9)

II вариант: $y = 1349,9t + 342,59;\ (R^2 = 0,9842;\ t_{хи} = 12,4),$ (10)

6. Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг ЯИМдаги улуши (қўшилган қиймат), млрд. сўм

I вариант: $y = 2468,9t + 1012,8;\ (R^2 = 0,9721;\ t_{хи} = 9,2),$ (11)

II вариант: $y = 231,72\ t^2 + 615t + 3793,4;\ (R^2 = 0,9978;\ t_{хи} = 33,6),$ (12)

7. Уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестицияси, млрд. сўм

I вариант: $y = 486,16t - 594,8;\ (R^2 = 0,9721;\ t_{хи} = 9,2),$ (13)

II вариант: $y = 231,72\ t^2 + 615t + 3793,4;\ (R^2 = 0,8549;\ t_{хи} = 3,7),$ (14)

8. Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм

I вариант: $y = 2664,4t + 824,94;\ (R^2 = 0,9808;\ t_{хи} = 12,0),$ (15)

II вариант: $y = 163,72t^2 + 1354,6t + 113;\ (R^2 = 0,9919;\ t_{хи} = 17,4),$ (16)

Юқорида келтирилган ҳар бир моделда t олдидаги қиймат, ушбу кўрсаткичнинг ўтган йиллар даврида ўртача ўсиш даражасини билдиради. Масалан, ЯИМ ишлаб чиқариш 2005 – 2011 йиллар давомида ўртача 10328 млрд. сўмга (I вариант) ўсиб, аҳоли сони эса шу даврда ўртача 442,7 минг (I вариант) кишига кўпайиб борган. Уй хўжаликлари ихтиёридаги ялпи даромадлари I вариант модели бўйича ўртача йилига 1912,65 млрд. сўмга, II вариант моделида эса 7500 млрд. сўмга ошиб бориш тенденциясига эга.

Моделларнинг ишончлилигини баҳолашнинг R^2 ҳамда $t_{хи}$– Стьюдентнинг статистик мезонлари юқори қийматларга эга. Масалан, (1) ва (2) моделларда R^2 мос равишда 0,9749 ва 0,9996 га тенг, демак, ЯИМ қийматининг ўсиши 97,5 ва 99,9 фоизи вақт

омилига боғлиқ ҳисобланади. Шу бир вақтда ҳамма моделларда $t_{ҳи}$– Стьюдент мезони қийматлари, унинг жадвал қийматларидан катта ва бу вақт қаторида фавқулодда тебранишлардан ҳоли бўлган барқарор тенденция (ўсиш) мавжудлигини билдиради.

Уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши кўрсаткичларнинг тренд моделлари асосида амалга оширилган прогноз вариантлари 2.6-жадвалда келтирилган.

Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача сони, прогноз вариантларига қараганда 2012 йилда (II вариант) қарийб 30 млн. кишини ташкил этиши мумкин. 2015 йилга бориб, ушбу прогноз варианти бўйича аҳоли сони 32943,7 минг кишига ёки 2011 йилга таққослаганда 12,3 фоизга ўсиши кузатилади.

Шу билан бир вақтда мамлакат ЯИМ ҳажми 2012 йилда I вариант прогнози бўйича 2011 йилга солиштирганда 7,1 фоизга, II вариант прогнози бўйича эса шу даврда 17,9 фоизгача кўпайиши мумкин. Умуман олганда, мамлакат ЯИМ 2011 йилга солиштирганда 2015 йилда I вариант бўйича 1,5 бараварга, II вариант ҳисоб-китоблари бўйича 2 мартадан кўпроққа ортиши мумкин. Аҳоли ва ЯИМнинг ўсиш тенденциялари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Шу давр ичида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган ЯИМ I вариант бўйича 40,3 фоизга, II вариант бўйича эса 76,4 фоизга ошиши мумкин.

Прогноз ҳисоб-китобларига кўра, уй хўжаликлари ихтиёри-даги ялпи даромад ҳар иккала вариант бўйича ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга. Айниқса 2014 йилдан бошлаб тезлашиши кузатилади. Бунга мамлакатда 2012 йил 26 апрелида қабул қилинган «Оила тадбиркорлиги тўғрисида»ги ЎзР қонуни ижобий таъсири натижасида эришилди.

Ўзбекистон уй хўжаликлари ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ўзгариш динамикасининг прогноз вариантлари
(вақт кўрсаткичи асосида тузилган моделга мувофиқ)

2.6- жадвал

Кўрсаткичлар	Ҳақи-қатда 2011 й.	Прогноз								2015 йил 2011 йилга нисбатан ўсиш, %		R^2	
		2012 й.		2013 й.		2014 й.		2015 й.					
		I вар.	II вар.	I вар.	II вар.	I вар.	II вар.	I вар.	II вар.	I вар.	II вар.	I вар.	IIвар.
Аҳолининг ўртача йиллик сони, минг киши	29341,0	29344,1	29943,1	29786,8	30846,3	30229,1	31844,5	30672,4	32943,7	104,5	112,3	0,92	0,92
Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	77751,0	83270,9	94673,5	93598,9	13551,3	103926,9	134329	114254,9	157006,5	146,9	201,9	0,97	0,99
Аҳоли жон бошига ЯИМ, минг сўм	2649,9	2837,7	3161,1	3142,3	3681,2	3438,0	4218,3	3725,0	4674,8	140,3	176,4	-	-
Уй хўжаликлари ялпи даромади, млрд, сўм	56369,2	59613,8	69191,6	67114,5	83875,7	74615,2	100156	82115,9	118032,7	145,6	209,4	0,96	0,96
ЯИМга нисбатан %да	72,5	71,5	73,1	71,7	73,8	71,8	74,5	71,9	75,1	-0,6 п.ф.	3 п.ф.	-	-
Уй хўжаликлари пировард истеъмоли, млрд. сўм	46728,1	42270,8	48472	46622,4	54622,8	50893,2	60773,6	55092,8	66924,4	117,9	143,2	0,93	0,95
ЯИМга нисбатан %да	60,1	51,3	51,2	49,8	48,1	48,9	45,2	48,2	42,6	-11,9 п.ф.	-17,5п.ф.	-	-

2.6- жадвал давоми

Уй хўжаликлари пул жамғармаси, млрд. сўм	9641,1	10978,9	11141,8	12206,7	12491,7	13407,4	13841,6	14581,0	15191,5	151,2	157,5	0,98	0,98
ЯИМга нисбатан %да	12,4	13,2	11,8	13,0	11,0	12,9	10,3	12,7	9,7	0,3 п.ф.	-2,7 п.ф.	-	-
Уй хўжаликлари тадбиркорлик фаолиятининг ЯИМдаги улуши (қўшилган қиймати), млрд. сўм	22936,4	20764,0	23544,8	23232,9	28099,3	25701,8	33117,1	28170,0	38598,4	122,8	168,2	0,97	0,99
ЯИМга нисбатан %да	29,5	24,9	24,9	24,8	24,7	24,7	24,6	24,6	24,6	-4,9 п.ф.	-4,9 п.ф.	-	-
Уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестицияси, млрд. сўм	3357,5	3294,5	4630	3780,6	6117,8	4266,8	7828,2	4753,0	9761,1	144,2	290,7	0,85	0,98
ЯИМга нисбатан %да	4,3	3,9	4,9	4,0	5,4	4,1	5,8	4,2	6,2	-0,1 п.ф.	1,9 п.ф.	-	-
Умумий инвестицияга нисбатан %да	18,4	16,1	21,6	16,3	23,9	16,5	26,1	16,7	28,0	-1,7 п.ф.	9,6 п.ф.	-	-

Манба: эконометрик моделлар асосида олинган прогноз натижалари.

Биринчи вариант прогнози бўйича уй хўжаликлари ялпи даромадлари 82 трлн. 115,9 млрд. сўм, иккинчи вариант бўйича эса 100 трлн. 156 млрд. Сўм даражасида прогноз қилинган. Ушбу кўрсаткичлар 2015 йилда вариантлар бўйича 82115,9 ёки 118032,7 млрд. сўмга тенг бўлиши кутилади. Бу кўрсаткичлар 2011 йилга солиштирганда I вариант бўйича 45,6 ва II вариант бўйича 109,4 фоизга ортиқ бўлиши мумкин.

Уй хўжаликлари даромади ошиши улар жамғармаларининг ҳам мос равишда ошишига имкон беради. Уларнинг оила истеъмоли учун ажратиладиган маблағлари ўсиш тенденциясига эга ва бу 2015 йилда 2011 йилга нисбатан I вариант бўйича 17,9 фоизга ва II вариант бўйича 43,2 фоизга кўпайиши юз бериши мумкин.

Шу билан бир вақтда пировард истеъмолга йўналтирилаётган даромаднинг ЯИМдаги улуши I вариант бўйича 11,9 ва II вариант бўйича 17,5 фоизга камайиши кузатилади. Бу уй хўжаликларини жамғармага йўналтириладиган маблағлари кўпайишини белгиси ҳисобланади.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш (тадбиркорлик) фаолиятида ҳам юқори ўсиш суръати сақланиб қолинади ва бу 2015 йилда 2011 йилга солиштирганда I вариант бўйича 22,8 фоизга, II вариант бўйича 68,2 фоизга ошиши мумкин. Ушбу кўрсаткичнинг ЯИМдаги улуши 24,6 фоиз даражасида бўлиши кутилади.

Уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестициялаш, унинг ЯИМ ёки умумий инвестицияга нисбатан улушида I вариант бўйича 0,1 ва 1,7 фоиз пунктига пасайиши кутилса-да, II вариант бўйича асосий капиталга инвестиция киритишнинг ЯИМдаги улуши 1,9 фоиз пунктига, умумий инвестиция ҳажмига нисбатан эса 9,6 фоиз пунктига ошиши кутилади. Бу уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестициялаш ҳажмининг юқори суръатда ошиши билан изоҳланади.

Умумий тренд моделлари асосида ҳар бир кўрсаткич бўйича олинган прогнозлар уй хўжаликларининг барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияларини кўрсатиш билан бирга ушбу соҳадаги ўзаро боғлиқлик қонуниятини ҳам изоҳлашга асос яратиб беради.

Иккинчи ёндашув орқали уй хўжаликлари ривожланиш кўрсаткичларини, унга таъсир этувчи омиллар орқали прогноз қилишга ҳаракат қилинган. Бунда уй хўжаликлари жамғармаси билан (Y_1) улар ихтиёрида қоладиган ялпи даромад (X_1), уй

хўжаликларининг асосий капиталга киритаётган инвестиция ҳажмининг ($У_2$), уй хўжалиги ялпи даромади ($Х_1$) ҳамда пул жамғармаси ҳажми ($Х_2$) ўртасидаги боғлиқликларни ифодаловчи моделларини тузиш орқали прогнозлар амалга оширилди. Натижалар 2.7-жадвалда берилган.

Ўзбекистон уй хўжаликлари жамғармалари ҳамда асосий капиталга инвестиция қилиш ҳажмининг истиқболда ўзгариши прогнози (млрд. сўм)
(омилларнинг ўзаро боғлиқлик моделига мувофиқ)

2.7-жадвал

Йил	Прогноз қилинаётган кўрсаткичлар					
	Уй хўжаликлари жамғармалари (y_1) $y=605,1+0,171x_1$ $R=0,97;\ R^2=0,94$		Уй хўжаликларининг асосий капиталга киритаётган инвестициялари (y_2)			
			уй хўжалиги даромади (x_1) $y=-641,9+0,007x_1$ $R=0,97;\ R^2=0,95$		уй хўжалиги пул жамғармаси (x_2) $y=-651,1+0,35x_2$ $R=0,90;\ R^2=0,81$	
	I вариант	II вариант	I вариант	II вариант	I вариант	II вариант
Ҳақиқатда						
2011	9641,1	9641,1	3357,5	3357,5	3357,5	3357,5
Прогноз						
2012	10739	11762,3	3531,1	4201,5	3191,5	3248,5
2013	12014,5	14864,0	4056,1	5229,4	3612,2	3721,0
2014	13289,7	17631,6	4581,2	6369,0	4041,5	4193,5
2015	14564,8	20670,6	5106,2	7620,4	4452,3	4751,0
2015 йилда 2011 йилга нисбатан ўсиш, %	151,1	214,4	152,1	226,9	132,6	141,5

Манба: эконометрик моделлар асосида прогноз қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, уй хўжаликлари ялпи даромади 1 фоизга ошиши, уларнинг жамғармалари 0,17 фоизга кўпайишига олиб келади. Худди шунингдек, уй хўжаликлари даромадининг 1 фоизга ошиши, уларнинг асосий капиталга инвестиция киритишини 0,007 фоизга ёки уй хўжаликлари жамғармаларининг бир фоизга ошиши эса инвестиция киритиш ҳажмини 0,35 фоизга кўпайтиради.

Прогноз натижалари кўрсатишича, уй хўжаликлари жамғармалари 2015 йилда I вариант прогнози бўйича 51,1 фоизга, II вариант бўйича 114,4 фоизга ошиши мумкин. Ҳажми жиҳатдан ушбу прогноз тренд моделлари билан олинган (2015 йил) прогноз (I вариант) кўрсаткичларга жуда яқин даражада, II вариант бўйича эса прогноз натижаларида фарқ анча катта.

Уй хўжаликларининг асосий капиталга киритаётган инвестициялари ҳажми прогнозлар натижаларига кўра, уй хўжалиги даромади ошишига боғлиқ бўлган ҳолда 2015 йилда 2011 йилга нисбатан 52,1 фоизга (I вариант) ва II вариант бўйича 126,9 фоизга, уй хўжалиги жамғармасига боғлиқ бўлган ҳолда 2011 йилга солиштирганда I вариант бўйича 32,6 фоизга, II вариант бўйича эса 41,5 фоизга ошиши кутилади. Ушбу прогноз вариантлардан, инвестициялар ошиши уй хўжалиги (оила) пул жамғармаси билан боғлиқ прогнозлар иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш тенденцияларига кўпроқ мос тушади.

Умуман олганда, иккала услубий ёндашув билан олинган прогнозлар уй хўжаликларининг ўтган йилларда ривожланиш тенденцияларини ўзида намоён этиши билан бирга уларнинг I варианти иқтисодиётга инвестициялар киритишнинг ҳамда уй хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги тизимига кўпроқ монанддир. Прогнозлашнинг II варианти эса иқтисодиётга инвестициялар киритишнинг, айниқса, ички инвестицияларнинг ҳамда бозор тузилмаларининг фаол ривожланиши билан боғлиқ жараёнларга мос келади.

Ушбу прогнозлар республика ва унинг ҳудудларида уй хўжаликлари ривожланиши мониторингини олиб борувчи давлат бошқарув органлари, хусусий тадбиркорлар, шунингдек, оила тадбиркорлигига кредитлар берувчи молиявий тузилмалар, шу жумладан тижорат банклари, уй хўжаликлари билан ҳамкорлик қилувчи инфратузилма ташкилотлари учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда тақдим этилаётган прогноз кўрсаткичларидан 2015 йилгача мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уй хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Республика иқтисодиётида уй хўжаликларининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган институционал ислоҳотлар жараёнида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланди. Унга мувофиқ уй хўжаликларига қўшимча ер участкалари ажратиш, кам таъминланган оилалар учун қорамоллар, пул маблағлари ҳамда ёш оилаларга уй-жой бериш йўлга қўйилган. Натижада мамлакат бўйича уй хўжаликлари сони ҳамда даромадлари кескин кўпайди, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тезлашди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 2000 – 2004 йилларда ўртача 4,1 фоизга, 2005 – 2007 йилларда 8 фоизга, 2008 йилда 9 фоизга тенг бўлган бўлса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўплаб хорижий давлатларда (масалан, АҚШ, Япония, Германия ва б.) иқтисодий ўсиш сезиларли даражада пасайган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2009 йилда 8,1, 2010 йилда 8,5, 2011 йилда эса 8,3 фоизга тенг бўлди. Умуман олганда, 2000–2011 йиллар давомида Ўзбекистонда ЯИМ 2 мартадан кўпроққа ошди [21].

Мамлакатимиз аҳолиси сонининг мунтазам ўсиб боришига қарамай, ЯИМ ўсиш суръатлари аҳоли жон бошига уни ишлаб чиқаришни ошишини таъминлаб берди. Агар аҳоли сони 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 11,7 фоизга кўпайган бўлса, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 4,4 марта ошгани бунинг исботи ҳисобланади. Шу билан бир вақтда аҳоли умумий даромади шу даврда 11674 млрд. сўмдан 63282 млрд. сўмни ташкил этди. Ёки ушбу кўрсаткичнинг ўсиши 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 5,4 мартага ошган.

Бундай ижобий ўзгаришларда республика уй хўжалиги сектори ҳам ўзига хос ўрин тутади. Статистик маълумотларга қараганда, республикада 2010 йилда 5389,1 мингта ва 2011 йилда 5752,8 мингта уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар сони 2005 йилга солиштирганда 12,1 фоизга ошган. Эксперт баҳоларга қараганда республикада шулардан 3,7 млн. дан ошиғи қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари ҳисобланади.

Республика шаҳар ва қишлоқ туманларини ҳам қўшиб олганда, уй хўжаликлари сони (2011 й.) Самарқанд (646,8 минг), Фарғона (644,6 минг), Тошкент (536,9 минг), Қашқадарё (518,9 минг), Андижон (472,5 минг), Наманган (448,6 минг) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (606 минг) энг кўп ҳисобланади. Бундай юқори кўрсаткичлар ушбу минтақаларда аҳоли сони кўплиги билан тавсифланади.

Мамлакат ҳудудлари бўйича уй хўжаликлари сони Қорақалпоғистон Республикасида 2011 йилда 2005 йилга солиштирганда 12,5 фоизга, Қашқадарё вилоятида 14,6 фоизга, Наманган вилоятида 13,8 фоизга, Тошкент вилоятида 13,5 фоизга, Фарғона вилоятида 12,7 фоизга, Хоразм вилоятида 14,1 фоизга ва Тошкент шаҳрида 2 фоизга кўпайган. Уй хўжаликлари сони шу даврда кўпайишнинг энг юқори кўрсаткичи Андижон (16,2 фоиз), Жиззах (16,2 фоиз), Қашқадарё (14,6 фоиз), Самарқанд (14,3 фоиз) ҳамда Хоразм (14,0 фоиз) вилоятларига тўғри келади. Нисбатан паст ўсиш кўрсаткичи Бухоро (5,7 фоиз) вилояти ҳамда Тошкент (2 фоиз) шаҳарларида кузатилади.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари сонининг ошиши уларга якка тартибда уй-жой қуриш ҳамда деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб берилаётган томорқа ерларининг кўпайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари ихтиёридаги умумий ер майдони 2000 йилда 579,3 мингга гектарни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2011 йилда 617,2 мингга тенг бўлган (3.1-жадвал). Шундан қишлоқ хўжалиги ерлари 500 минг гектардан ошиқ бўлиб, 2000 йилга солиштирганда 6,9 фоизга кўпайган. Уй хўжаликларига берилган ҳайдаладиган ерлар 2011 йилда 421,7 минг гектарни ташкил этган ва бу Республикадаги бутун ҳайдаладиган ерларнинг 10 фоизидан кўпроғини ташкил этади. Уй хўжаликларига ажратилган ерларнинг 474,2 гектарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади (деҳқон хўжаликлари шаклида) ва бу ер майдони 2011 йилда 2000 йилга нисбатан такрор экинларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 18 фоизга кўпайган.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари ер майдонларининг таркиби ва уларнинг ўзгариш динамикаси

3.1-жадвал

Йиллар	Умумий ер майдони		Қишлоқ хўжалиги ерлари		Шундан				Экин майдони, минг га**
	минг га	%*	минг га	%*	хайдаладиган ерлар	%*	боғ ва узумзорлар	%*	
2000	579,3	2,3	468,2	2,3	395,9	9,8	72,4	21,3	401,5
2005	612,1	2,7	497,3	2,9	422,8	10,5	74,5	22,9	441,9
2006	623,4	2,8	509,3	2,9	434,8	10,8	74,5	23,2	454,8
2007	622,5	2,8	507,6	2,9	432,9	10,7	74,7	23,0	458,0
2008	621,7	2,8	506,0	2,9	430,6	10,6	75,4	23,0	466,7
2009	621,4	2,8	505,0	2,9	426,1	10,5	78,9	23,9	472,8
2010	619,2	2,9	502,7	3,1	423,8	10,5	78,9	23,6	471,8
2011	617,2	3,0	500,6	3,2	421,7	10,4	78,9	23,4	474,2
2011 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиш, %	**6,5**	**0,7 ф.п.**	**6,9**	**0,9 ф.п.**	**106,5**	**0,6 ф.п.**	**8,9**	**2,1 ф.п.**	**18,0**

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

* Республика қишлоқ хўжалиги ерларида деҳқон хўжаликлари ерларининг улуши

** Такрор экинлар майдони билан

Умуман олганда, уй хўжаликлари улушига республикадаги жами ер майдонларининг 3 фоизи (2011 й.), қишлоқ хўжалик ерларининг 3,2; ҳайдаладиган ерларнинг 10,4 фоизи тўғри келади.

Республикада доннинг 18,3 фоизи, картошканинг қарийб 80 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 63,9 фоизи, меванинг 51,1 фоизи, узумнинг 42,7 фоизи уй хўжаликларида ишлаб чиқарилади (3.2-жадвал). Ушбу фоиз кўрсаткичлари 2005 йилга нисбатан бирмунча пасайган (дон маҳсулотларидан бошқа) бўлсада, уларни ишлаб чиқариш ҳажми шу даврда ўсиб бориш тенденциясига эгадир.

Ўзбекистон уй хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси

3.2-жадвал

Йиллар	Дон		Картошка		Сабзавот		Мева		Узум	
	минг тонна	%*	минг тонна	%*	минг тонна	%*	минг тонна	%*	минг тонна	%*
2005	1120,3	17,5	866,8	92,0	2715,5	77,2	617,0	65,0	332,0	51,8
2006	1178,4	18,0	898,5	88,0	2817,0	65,6	759,3	64,8	407,8	51,6
2007	1242,3	18,7	1004,7	84,5	3092,0	65,9	803,1	63,2	426,1	50,1
2008	1313,9	19,8	1166,8	83,4	3467,3	66,5	732,2	52,2	367,3	46,4
2009	1282,4	17,5	1235,9	81,1	3663,9	64,2	785,7	50,9	385,5	42,9
2010	1282,3	17,3	1345,3	79,5	4086,1	64,4	875,2	51,2	422,9	42,8
2011	1310,0	18,3	1449,3	79,4	4465,7	63,9	956,8	51,1	465,8	42,7
2011 йилда 2005 йилга нисбатан ўсиш, %	**16,9**	**0,8 ф.п.**	**67,2**	**-12,6 ф.п.**	**64,4**	**-13,3 ф.п.**	**55,1**	**-13,9 ф.п.**	**40,3**	**-9,1 ф.п.**

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

* Уй хўжаликларининг республика бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши

Масалан, уй хўжаликларида картошка ишлаб чиқариш 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 67,2 фоизга, сабзавот – 64,5; мева – 55; узум – 40 фоизга ошган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга эътибор кучайиши, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми ўсиши билан бир вақтда фермерларнинг республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Шу туфайли уй хўжаликларининг деҳқончиликдаги улуши пасайиши тенденцияси кузатилмоқда. Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларининг чорва моллари ва паррандаларнинг бош сони ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги ўрнининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги қорамоллар сонининг 90 фоизидан кўпроғи, қўй ва эчкиларнинг қарийб 80 фоизи, паррандаларнинг 60 фоиздан ортиғи уй хўжаликларида жойлашган (3.3-жадвал). Республикада ўртача битта уй хўжалигига (қишлоқ жойларида) 2,3 бош қорамол (шундан бир боши соғин сигир), 3,3 бош қўй ва эчки, 6 бош парранда тўғри келади.

Ўзбекистон уй хўжаликларида асосий чорва моллари бош сони ва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш динамикаси

3.3-жадвал

Йиллар	Қорамол			Қўй ва эчкилар		Паррандалар		Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг т.		
	минг бош	%*	Шундан сигирлар	минг бош	%*	минг бош	%*	гўшт (сўйилган вазнда)	сут	Тухум, млн. дона
2000	4613,3	86,2	2107,3	6021,3	67,4	8990,6	62,0	458,4	3401,9	751,8
2005	5698,1	91,3	2530,8	7708,7	72,8	12841,0	68,2	3401,9	4409,2	1165,8
2006	6061,3	92,2	2656,2	8417,7	74,1	14578,8	71,0	643,9	4709,1	1278,1
2007	6538,6	92,8	2818,2	9053,0	75,3	16609,2	68,7	687,7	4949,7	1383,3
2008	6944,6	93,1	2959,5	9603,9	76,0	17886,2	68,5	728,9	5250,2	1500,8
2009	7449,2	92,8	3136,6	10433,6	77,2	19406,5	65,8	776,0	5582,2	1657,0
2010	7919,8	93,0	3338,3	11268,9	78,1	21236,6	64,3	812,3	5927,8	1775,5
2011	8497,1	93,4	3557,4	12146,7	79,2	22561,0	60,0	893,0	6402,0	1908,6
2011 йилда 2000 йилга нисбатан, марта	**1,8**	**7,2 фл.**	**1,7**	**2,0**	**11,8 фл.**	**2,5**	**-2,0 фл.**	**1,8**	**1,9**	**2,7**

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

* Уй хўжаликларининг республика бўйича чорва моллари сонидаги улуши

Статистик маълумотларга кўра, 2011 йилда 2000 йилга солиштирганда уй хўжаликларида қорамоллар сони 1,8 мартага, шундан сигирлар 1,7 мартага кўпайган. Бу уй хўжаликларининг республика бўйича шу даврда қорамоллар подасидаги улушини 7,2 фоиз пунктига, сут ишлаб чиқариш ҳажмини эса 1,9 марта ошириш имкониятини берди. Шу билан бир вақтда ушбу даврда қўй ва эчкилар, паррандалар сони мос равишда 2 ва 2,5 мартага ошган. Булар ҳаммаси республика уй хўжаликларида гўшт ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини тез суръат билан ўсиб боришини таъминлади.

Экинлар ҳосилдорлиги ҳамда 1 гектар ердан олинган маҳсулот қийматларини таққослаш шундан далолат берадики, Республика уй хўжаликлари, мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган фермер хўжаликларига нисбатан юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга. Буни биринчи навбатда экинлар ҳосилдорлигининг ўсиш тезлиги ҳамда уларнинг жисмоний ҳажмининг ўзгаришида кузатиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, дон ҳосилдорлиги фермер хўжаликларида 2011 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 2 мартага, деҳқон хўжаликларида эса шу даврда 1,5 мартага ўсган. Аммо, деҳқон хўжаликларида дон экинлари ҳосилдорлиги бир гектаридан 2011 йилда 59,6 центнерга, фермер хўжаликларида эса 43,5 центнерга тенг бўлган. Ёки шу даврда деҳқон хўжаликларида 1гектар ердан фермер хўжаликларига нисбатан 16,1 центнер кўп дон ҳосили етиштирилган (3.4-жадвал).

Худди шундай нисбатлар картошка, сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикасида ҳам кузатилади. Бундай ижобий ўзгаришларни фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг ўзгаришида ҳам кўриш мумкин.

3.4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2000 – 2011 йиллар давомида фермер хўжаликлари маҳсулоти қийматининг 18,3 мартага, деҳқон хўжаликларида эса 10,7 мартага ошган. Деҳқон хўжаликлари 2011 йилда, фермер хўжаликларда ишлаб чиқарган маҳсулотлар қийматига нисбатан 11,2 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарган. Ушбу нисбат 2000 йилда 19,2 мартани ташкил этган. Бундай ҳолатни, биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги деҳқон хўжаликларининг катта тажрибаси билан ва иккинчидан, улар маҳсулотлари таркибида бозор баҳоси нисбатан юқори бўлган гўшт, сут, тухум ҳамда уй шароитида қайта ишланган маҳсулотлар улуши катталиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимиз уй хўжаликларида деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини аҳоли ва бозор талаблари асосида диверсификация қилиниши, давлат томонидан уларни қўллаб - қувватлаш, нафақат уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини узлуксиз ривожига ва таркибий ўзгаришларга олиб келди, балки уй хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон уй хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари

3.4-жадвал

Йиллар	Асосий экин турлари ҳосилдорлиги, ц/га								Бир гектар ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати, млн. сўм	
	Дон экинлари		Картошка		Сабзавот		Полиз			
	Фермер хўжалиги	Деҳқон хўжалиги	Ф/х	Д/х	Ф/х	Д/х	Ф/х	Д/х	Ф/х	Д/х
2000	22,3	38,8	118,5	143,5	154,1	228,7	77,7	185,0	0,12	2,3
2005	38,1	53,6	158,3	189,0	221,3	273,2	138,9	238,3	0,68	8,4
2006	39,5	54,2	208,3	192,3	290,1	273,8	167,9	243,9	0,87	8,6
2007	41,4	57,1	226,1	211,9	292,5	294,6	194,2	247,8	1,07	13,0
2008	40,2	58,8	228,8	235,2	304,6	330,5	201,7	269,1	1,21	15,8
2009	43,7	57,5	263,8	241,5	343,8	346,5	234,3	254,9	1,58	18,0
2010	42,4	58,8	214,8	247,9	374,9	362,9	225,7	277,7	1,9	22,2
2011	43,5	59,6	219,9	257,7	368,9	373,3	230,9	290,2	2,2	24,6
2011 йилда 2000 йилга нисбатан, марта	**2,0**	**1,5**	**1,9**	**1,8**	**2,4**	**1,6**	**3,0**	**1,6**	**18,3**	**10,7**

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шу боис, таъкидлаш керакки, уй хўжаликларида ердан фойдаланиш ҳамда деҳқон хўжалигини юритиш иқтисодий жиҳатдан бошқа тоифадаги хўжаликларга нисбатан самарали ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда уй хўжаликларини мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари ривожидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, улар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб, уй хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиш истиқболлари кўп вариантли прогноз қилинди. Прогноз вариантлари чизиқли, логарифмик, полиминал, даражали ва экспоненциал тренд [79] функциялар кўринишидаги эконометрик моделлар тузиш орқали аниқланади.

Прогноз қилишда фойдаланиш учун эконометрик моделларнинг статистик баҳолаш мезонлари қийматларини таққослаш йўли билан икки турдаги модель танлаб олинади. Танланган моделларнинг биринчи варианти прогноз қилинаётган кўрсаткичнинг қуйи чегарасини, иккинчи варианти эса унинг юқори чегарасини белгилайди. Қуйи чегара уй хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини сақланиб қолишига, юқориси эса истиқболда уй хўжаликлари салоҳиятининг ошиши, деҳқон хўжалигига зарурий сармоялар киритиш кўпайиши ҳамда уларни давлат томонидан рағбатлантиришнинг кучайиши ҳолатларига мос келади.

Уй хўжаликларида деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини прогнозлашнинг танланган эконометрик моделлари тўплами қуйидагилардан иборат.

I. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни прогнозлаш моделлари

а) дон ишлаб чиқариш;

$y_1=1126{,}1 * x^{0{,}0826}$; ($R^2$=0,89), (1)

$y_2=29{,}18 * x + 1130{,}4$; ($R^2$=0,75), (2)

б) картошка;

$y_1=102{,}58x + 727{,}8$; (R^2=0,98), (3)

$y_2=2{,}27x^2 + 84{,}34x + 755{,}21$; ($R^2$=0,98), (4)

в) сабзавот;

$y_1=2504{,}6x^{0{,}256}$; (R^2=0,88), (5)

$y_2=298{,}6x + 2278{,}1$; (R^2=0,98), (6)

г) мевалар;

$y_1=44{,}06x + 613{,}6$; (R^2=0,78), (7)

$y_2=2{,}069x^2 + 638{,}74$; ($R^2$=0,79), (8)

д) узум;

$y_1=13{,}96x + 345{,}2$; (R^2=0,77), (9)

$y_2=1{,}012x^2 + 5{,}869x + 357{,}3$; ($R^2$=0,78), (10)

II. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни прогнозлаш моделлари

а) гўшт (сўйилган вазнда);

y_1=509,75 * $x^{0,262}$; (R^2=0,99), (11)
y_2=85,02x + 494,8; (R^2=0,97), (12)
б) сут;
y_1=3678,2$x^{0,254}$; (R^2=0,98), (13)
y_2=367,3x + 3593,5; (R^2=0,97), (14)
в) тухум;
y_1=1324,8$x^{0,412}$; (R^2=0,95), (15)
y_2=271,43x + 1185; (R^2=0,957), (16)
II. Чорва моллари бош сонини прогнозлаш моделлари
а) қорамоллар;
y_1=1609,8 *ln (x) + 4500,1*; (R^2=0,97), (17)
y_2=4618,3$x^{0,264}$; (R^2=0,98), (18)
б) сигирлар;
y_1=587,3 *ln (x) + 2077,1*; (R^2=0,97), (19)
y_2=2113,3$x^{0,2208}$; (R^2=0,98), (20)
в) қўй ва эчкилар;
y_1=2521,3 *ln (x) + 5858,9*; (R^2=0,97), (21)
y_2=6061,8$x^{0,3034}$; (R^2=0,9885), (22)
г) паррандалар;
y_1=6031,7 *ln (x) + 8597,7*; (R^2=0,98), (23)
y_2=9183,9 * $x^{0,424}$; (R^2=0,9946), (24)

Ушбу моделлар Стюдентнинг t – мезони бўйича ҳақиқий қийматлари унинг жадвал қийматларидан катта, бу прогноз қилинаётган кўрсаткич билан вақт бирлиги орасида фавқулодда тебранишлардан холи бўлган тренд мавжудлигини исботлайди. Шу билан бир вақтда детерминация коэффициентларида (R^2) қиймати, ҳар бир моделда юқори қийматга ва бу прогноз қилинаётган кўрсаткичнинг ижобий ўзгариши вақт омилига муҳим боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Шуларни инобатга олиб, (1)-(24) моделлардан фойдаланиб уй хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачиликни ривожланиш истиқболлари прогноз вариантлари аниқланади. Натижалар 3.5-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон уй хўжаликларида прогноз натижаларига кўра истиқболда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиш тенденцияси мавжуд.

Ўзбекистон уй хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланишининг прогноз вариантлари

3.5-жадвал

Кўрсаткичлар	Ҳақи-қатда (2011 й.)	Прогноз							
		2013 й.		2014 й.		2015 й.		2020 й.	
		I	II	I	II	I	II	I	II
Деҳқончилик									
Ишлаб чиқариш ҳажми, минг т.									
Дон	1310	1350	1393	1362	1422	1373	1452	1416	1597
Картошка	1449	1651	1699	1754	1826	1856	1959	2370	2688
Сабзавот	4465	4395	4965	4516	5264	4627	5562	5093	7055
Мевалар	957	1010	1054	1054	1120	1098	1192	1318	1608
Узум	466	471	492	485	517	499	544	569	710
Ҳосилдорлик, ц/га									
Дон экинлари	59,6	60,0	62,0	60,5	63,2	61,2	64,5	62,9	70,9
Картошка	257,7	266,6	277,4	271,6	284,8	276,3	291,7	294,8	321,1
Сабзавот	373,3	373,8	382,6	380,1	391,0	385,9	398,9	409,1	432,2
Полиз	290,2	290,6	296,4	293,9	301,6	297,5	306,4	311,9	326,3
Чорвачилик									
Ишлаб чиқариш ҳажми, минг т.									
Гўшт (сўйилган вазнда)	893	900	933	916	956	932	978	992	1072
Сут	6402	6604	7267	6766	7634	6917	8001	7558	9838
Тухум, млн. дона	1908	3418	3899	3555	4171	3685	4442	4253	5799
Моллар сони, минг бошда									
Қорамоллар	8497	8206	8489	8360	8706	8500	8908	9061	9768
шундан, сигирлар	3557	3429	3514	3485	3588	3536	3950	3741	3950
Қўй ва эчкилар	12146	11664	12189	11904	12547	12124	12883	13002	14319
Паррандалар	22561	22478	24424	23053	25433	23577	26391	25678	30600

Манба: эконометрик моделлар асосида олинган прогноз натижалари.

Уй хўжаликларида дон ишлаб чиқариш 2011 йилга нисбатан истиқболда 10,8 (2015 й. II вар.) – 21,9 фоиз (2020 й. II вар.) оралиғида ўсиши мумкин. Бу асосан дон экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ҳисобига бўлади.

Деҳқончилик маҳсулотлари ичида уй хўжаликларида картошка ишлаб чиқариш энг юқори суръатга эга бўлиши кутилади. Ушбу маҳсулот тури 2015 йилга бориб I вариант прогнози бўйича 2011 йилга нисбатан 28,1, II вариант бўйича 35,2 фоизга, 2020 йилда вариантлар бўйича 63,6 фоиздан 85,5 фоизгача кўпайиши мумкин. Сабзавот ишлаб чиқариш 2015 йилда 2011 йилга нисбатан 3,6 (I вариант) ва 24,5 фоизга (II вариант) кўпайиши мумкин. Ўсиш тенденцияларини полиз ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам кузатиш мумкин. Бундай ўсиш суръатлари асосан экинлар ҳосилдорлиги ўсиши эвазига рўй беради (3.5-жадвал). Экин майдонлари таркибида деярли ўзгаришлар кутилмайди. Иккиламчи экинлар экиш кенгайиши ҳисобига умумий экиладиган ер майдонларининг ўсиши юз беради.

Прогноз қилинаётган даврда уй хўжаликларида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ҳам ижобий ўзгаришлар кутилади. Прогноз натижаларига кўра, 2015 йилда 2011 йилга нисбатан гўшт ишлаб чиқариш I вариант бўйича 4,6 фоизга, II вариант бўйича 9,5 фоизга, 2020 йилда эса 11,1 фоиздан (I вариант), 20,0 (II вариант) фоизгача ошиши мумкин. Сут ишлаб чиқариш 2015 йилда 2011 йилга таққослаганда вариантлар бўйича 8 фоиздан 24,9 фоизгача, 2020 йилга бориб 18,1 фоиздан 53,7 фоизгача кўпайиши кутилади. Уй хўжаликларида тухум етиштириш 2020 йилда 2011 йилга нисбатан 2,2 мартадан (I вариант) 3 мартагача (II вариант) ошиши мумкин. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, энг аввало, моллар бош сонининг кўпайиши ва улар маҳсулдорлигини ошиши ҳисобига юз беради. Таққослашлар шуни кўрсатадики, республика бўйича бир гектар ҳайдаладиган ерга ҳисоблаганда уй хўжалиги ихтиёридаги қора мол, қўй ва эчкиларнинг жойлашув зичлиги ошади. Қорамоллар зичлиги бир гектар ҳайдаладиган (2011 й. – 4052 млн. га) ер ҳисобига 2,1 бошдан (2011 й.) 2015 йилда 2,2 бошга, 2020 йилда эса 2,4 бошга тенг бўлади. Қўй ва эчкилар зичлиги бир гектар ҳайдаладиган ерга мос равишда 3 бошдан 3,2 ва 3,5 бошга кўпаяди.

Бундай ижобий ўзгаришлар уй хўжаликларининг республика чорвачилигидаги етакчилиги истиқболда ҳам сақланиб қолишини кўрсатади.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўзгаришларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ишлаб чиқаришида ҳам кўриш мумкин (3.6-жадвал).

Уй хўжаликларининг саноат тармоқларида яратган қўшимча қиймат ҳажми 2005 йилда 194,3 млрд. сўмни ташкил этган, 2010 – 2011 йилларда эса мос равишда 698,9 ва 883,7 млрд. сўмга тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичлар уй хўжаликларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги фаолияти бирмунча фаоллашаётганлигини кўрсатади ва бу оила тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ҳукумат белгилаган чора-тадбирлар натижаси ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятида юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги асосий ўрин эгаллайди. Уй хўжаликларининг аграр соҳада яратилган ялпи қўшилган қийматидаги улуши 2011 йилда 49,0 фоизни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2009 йилга солиштирганда 1,9 фоиз пунктига кўпдир.

Республика уй хўжаликлари 2005 йилда қишлоқ хўжалигида 2618,8 млрд. сўм қўшилган қиймат яратилган бўлса, 2011 йилга келиб ушбу кўрсаткич 11244,6 млрд. сўмга тенг бўлган, ёки ушбу даврда уй хўжаликларининг аграр соҳада яратган қўшимча қиймат ҳажми қарийб 4,3 мартага кўпайган. Шу тариқа битта уй хўжалигида ўртача ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳам 510,4 минг сўмдан (2005 й.) 1954,6 минг сўмга (2011 й.) ошган.

Уй хўжаликлари алоқа ва транспорт тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми 523,3 млрд. сўмдан (2005 й.) 4512,3 млрд. сўмга ошган. Ушбу кўрсаткичнинг уй хўжаликлари умумий ишлаб чиқариш фаолиятидаги улуши ҳам шу даврда 1,7 фоиздан 19,7 фоизга ошган.

Уй хўжаликларининг қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти 2005 йилдаги 176,1 млрд. сўмдан 2011 йилда 995,0 млрд. сўмга кўпайган. Шунингдек, уй хўжаликларининг савдо, умумий овқатланиш тармоқларидаги хизмат кўрсатиш ҳажми шу даврда 607 млрд. сўмдан 2464,9 млрд. сўмга ошган. Уй хўжаликларининг ушбу соҳалардаги фаолияти янада фаол ўсиш тенденциясига эгадир.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти
(млрд. сўм)

3.6-жадвал

Тармоқлар	2005 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.		2011 й.	
	Ялпи қўшилган қиймат	Таркиби, %	Ялпи қўшилган қиймат	Таркиби, %	Ялпи қўшилган қиймат	Таркиби, %	Ялпи қўшилган қиймат	Таркиби, %	Ялпи қўшилган қиймат	Таркиби, %
Жами	**4476,4**	**100,0**	**9988,1**	**100,0**	**12316,9**	**100,0**	**17655,9**	**100,0**	**22936,4**	**100,0**
Саноат	194,3	4,3	398,7	4,0	444,5	3,6	698,9	4,0	883,7	3,9
Қишлоқ хўжалиги	2618,8	58,5	5029,2	50,4	5800,3	47,1	8762,9	49,6	11244,6	49,0
Ўрмон хўжалиги	2,3	0,1	14,7	0,1	19,4	0,2	25,1	0,1	34,1	0,1
Балиқчилик	1,5	0,0	4,8	0,0	2,2	0,0	6,7	0,0	7,9	0,0
Алоқа ва транспорт	523,3	11,7	1911,0	19,1	2593,9	21,1	3324,0	18,8	4512,3	19,7
Қурилиш	176,1	3,9	456,5	4,6	508,7	4,1	761,7	4,3	995,0	4,3
Савдо, умумий овқатланиш ва тайёрлаш	607,0	13,6	996,2	10,0	1342,8	10,9	2006,5	11,4	2464,9	10,7
Уй - жой хўжалиги	280,2	6,3	930,8	9,3	1246,6	10,1	1628,1	9,2	2191,3	9,6
Коммунал хўжалиги ва маиший хизматлар	29,1	0,6	72,0	0,7	72,5	0,6	116,3	0,7	150,4	0,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа	20,8	0,5	66,4	0,7	112,6	0,9	128,7	0,7	176,4	0,8
Халқ таълими	17,9	0,4	85,5	0,9	143,8	1,2	159,6	0,9	223,8	1,0
Маданият ва санъат	5,2	0,1	22,5	0,2	29,6	0,2	37,4	0,2	51,8	0,2

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Хулоса қилиб айтганда, республика бўйича уй хўжалиги ишлаб чиқаришида 2005–2008 йилларда қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари энг юқори улушга эга бўлган бўлса, кейинги йилларда (2009 – 2011 й.й.) хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳаларда уй хўжаликлари иштироки (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш) ривожланиш тенденциясига эга. Буни транспорт, уй-жой хўжалиги, балиқчилик, халқ таълими ва маданият соҳаларида кузатиш мумкин.

Ушбу ҳолатлар кейинги йилларда уй хўжаликлари моддий ва мулкий асосларининг мустаҳкамланганлиги ҳамда оила аъзоларининг иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида хусусий тадбиркорлик фаолияти кенгайиб, янада барқарор ривожланаётганини кўрсатади. .

3.2. Ҳудудларда уй хўжаликлари ривожланиши ва онла даромадини ошириш истиқболлари

Уй хўжаликлари ривожланиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари кўплаб мамлакатимиз ҳамда чет эл олимларининг илмий ишларида ўрганилган [33, 34, 35, 37-40, 44, 48, 61, 62, 89]. Шу билан бир вақтда уй хўжаликларининг, айниқса, уларнинг қишлоқда жойлашган қисми бозор иқтисодиётининг тўлақонли субъекти сифатида ҳали етарлича ўрганилмаган.

Аҳоли уй хўжаликлари миллий ҳисобчилик тизимида давлат, корхона (фирма)лар қаторида иқтисодиётнинг алоҳида йирик сектори ҳисобланади. Улар ўз эҳтиёж ва талабларини қондириш учун бозорда ўз маҳсулот (хизмат)ларини айирбош қиладилар. Шу орқали уй хўжаликлари ўз жойлашган ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг асосий субъектларидан бири сифатида бошқа корхоналар ҳамда давлат билан ўзаро иқтисодий алоқада бўлади.

Ҳудудий жойлашишига қараб уй хўжаликлари шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси хўжаликларига бўлинади. Ўзбекистон қонунчилигида уй хўжаликларининг алоҳида ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилмаган. Қишлоқда уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти деҳқон хўжаликлари мақоми билан юритилади.

Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари мамлакатимиз ҳудудлари ривожланишида муҳим ўрин тутади. Улар нафақат товар (хизмат)лар истеъмолчиси эмас, балки ҳудудлар учун зарурий

меҳнат ресурсларини ва шу билан бир қаторда бозор учун катта ҳажмда даромад келтирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб берувчилари ҳам ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда қишлоқ ҳудудлари, айниқса, аҳоли зич яшовчи минтақаларда уй хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги иштирокини, даромадлари манбалари ва улар таркибини баҳолаш, уй хўжаликлари фаолларини мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кенгроқ жалб этиш имкониятларини очиб беради.

Маълумки, республикамизда Андижон вилояти аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ушбу вилоят мамлакатимизнинг саноати ривожланган ҳудудлари қаторига қўшилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича вилоят Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидан кейин 4-ўринда туради. Андижон вилоятида республика аҳолисининг қарийб 9,2 фоизи истиқомат қилади. Бу кўрсаткич 1991 йилда 8,6 фоизга тенг бўлган. Вилоят аҳолисининг 53 фоизи шаҳарларда, қолган қисми қишлоқларда яшайди. Вилоятда аҳоли зичлиги республика бўйича энг юқори ҳисобланади ва у 2011 йилда 1 кв. км. га 631, 2 кишини ташкил этган. 2011 йил маълумотларига кўра вилоят иқтисодиётида банд бўлганлар 1144,7 минг кишини ташкил этган.

Вилоятда жами 37548 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 4291 таси кичик корхона, 33257 таси микрофирмалардир. Жами кичик бизнес субъектларининг 36107 таси фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 4221 таси кичик корхона, 31886 таси микрофирмаларни ташкил этади. Бундан ташқари, вилоятда 14909 та якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган.

Вилоятда 2011 йилда 6175 та фермер хўжаликлари ва 476454 та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2005 йилда 406820 тага тенг бўлган.

Андижон вилоятида 2011 йилда 4424 млрд сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ишлаб чиқарилган ва бу 2010 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Шу даврда вилоятда 5,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда 3,6 трлн. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган. Ушбу кўрсаткичлар 2008 йилга нисбатан мос равишда 3 ва 2,9 мартага кўпдир. Ишлаб чиқарилган саноат

маҳсулотларининг 75,8 фоизи машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғи ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда 2012 йил бошида 93 та чет эл инвестицияси иштирокидаги, шундан 72 таси хорижий давлатлар билан узоқ муддатли сармоя шартномасини тузган корхоналар рўйхатга олинган. Рўйхатга олинган чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарнинг 87 таси ёки 93,5 фоизи фаолият юритади. Ушбу тоифадаги корхоналардан 12 таси автомобилсозлик соҳасига ихтисослашган. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар 2011 йилда 4016,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари (хизматлари) ишлаб чиқарилган ва бу вилоят саноатида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотларнинг 78,6 фоизини ташкил қилади.

Вилоят чет эл бозорларига енгил автомобиль, калава ип, пахта толаси, момиқ пахта, тикувчилик маҳсулотлари, қуритилган ҳамда ҳўл мевалар ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади.

Андижон вилояти иқтисодиётида саноат ишлаб чиқариши билан бирга қишлоқ хўжалиги ҳам салмоқли ўрин тутади. Вилоят қишлоқ хўжалигида 2011 йилда 1955,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 8,7 фоизга кўп бўлиб, бу республикамиз бўйича шу йилдаги энг юқори ўсиш суръати ҳисобланади. Вилоятда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг (2011й.) 64,7 фоизи уй хўжаликлари, 34,4 фоизи фермер хўжаликлари ва 0,9 фоизи бошқа тоифадаги хўжаликлар улушига тўғри келади. Ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси вилоят аграр секторида ер ва мулкий муносабатларни босқичма - босқич ислоҳ қилиш, хусусий корхона мақомига эга фермер хўжаликларини ҳамда деҳқон хўжаликлар қишлоқда асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларига айланганлигини кўрсатади (3.1-расм).

Ушбу тоифадаги хўжаликлар томонидан вилоятда 2011 йилда 618 минг тоннадан кўпроқ дон, 952,4 минг тонна сабзавот, 180 минг тоннага яқин картошка, 71 минг тоннадан зиёд полиз, 396,2 минг тонна мева, 49 минг тонна узум ва бошқа маҳсулотлар етиштирилган.

Шу даврда вилоятда ишлаб чиқарилган қарийб 96 фоиз (ёки 94 минг тонна) гўшт (тирик вазнда), 96,5 фоиз (ёки 221,5 минг дона) тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари уй хўжаликлари улушига тўғри келади. Бу уй хўжаликларининг аҳолини озиқ-овқат

маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сут билан таъминлашдаги ўрни юқори эканлигини кўрсатади.

Аҳоли уй хўжаликларида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ривожланишини ҳамда уларни давлат томонидан турли йўналишларда қўллаб - қувватлаш натижалари оила даромадлари кўпайишини таъминламоқда, бунда томорқа ва бошқа тадбиркорлик даромадларининг салмоғи мунтазам ошиб бормоқда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

3.1-расм. Андижон вилоятида турли мулкчилик шаклидаги хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси (млрд.сўм).

Андижон вилояти туманларида уй хўжаликлари мониторинги натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аҳоли даромадларида иш ҳақи, оила тадбиркорлиги, шу жумладан, расмий қайд этилмаган фаолиятлардан олинадиган даромадлар асосий улушга эга. Мониторинг ўтказилган 14 минг 630 та уй хўжалигида, жами 1 ойлик даромаднинг ўртача 20,5 фоизи иш ҳақини, 65,1 фоизи деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятларидан олинган даромадларни ташкил этади (3.7-жадвал).

Андижон вилояти туманларида кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида оила даромадлари таркиби (минг сўм)

3.7-жадвал

Туманлар номи	ҚФЙ ва МФЙлар номи	Ховадонлар сони (бирлик)	Аҳоли сони (киши)	Оилаванг ўртача сони	Иш ҳақи	Барча турдаги нафақа ва моддий ёрдам	Норасмий фаолиятдан олинган даромад (томорқа ва чорвачиликдан ташқари)	Томорқадан даромад	Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдан олинган даромад	Бошқа даромадлар	Жами 1 ойлик (оила) даромад	Ўртача 1 ойлик жон бошига	Ўртача 1 йиллик (оила) даромади	Ўртача 1 йиллик жон бошига
Андижон	Орол ҚФЙ, Гулистон МФЙ	613	2996	4,9	58524	36355	90394	57459	3225	19862	265819	88,7	3189827	1065
	Оқ-ёр ҚФЙ, Қўшариқ МФЙ	670	3366	5,0	41338	39699	88420	88439	4309	21005	283211	84,1	3398531	1010
Асака	Илғор ҚФЙ, Ахтачи МФЙ	390	1949	5,0	120100	18700	26015	186450	5049	2429	358743	184,1	4304916	2209
	Илғор ҚФЙ, Отиш МФЙ	562	3867	6,9	225600	37300	37810	235312	7412	10702	554136	143,3	6649632	1720
Баликчи	Гулистон ҚФЙ, Шераличик МФЙ	701	3847	5,5	103404	15695	286994	41113	14210	45626	507042	131,8	6084504	1582
	Баликчи ҚФЙ, Исломобод МФЙ	652	3754	5,8	95839	14598	219910	38239	12451	32629	413716	110,2	4964592	1322
Бўз	Холдевонбек ҚФЙ, Янги обод МФЙ	607	3601	5,9	89545	5711	205100	13032	10811	80140	404339	112,3	4852068	1347
	Ховос ҚФЙ, Ховос МФЙ	490	2192	4,5	54690	4912	160581	8145	10354	61288	299970	136,8	3599640	1642
Булоқбоши	Майариқ ҚФЙ, Мадраҳимова МФЙ	523	2931	5,6	60120	21740	232140	10740	6340	20110	351190	119,8	4214280	1438
	Найман ҚФЙ, Сарвонтепа МФЙ	685	3358	4,9	59280	17121	245710	27120	13710	6240	369181	109,9	4430172	1319
Жалакудуқ	Жалакудуқ ҚФЙ, Янги сор МФЙ	541	2170	4,0	125600	37300	233520	435312	14200	49511	895443	412,6	10745316	4952
	Жалакудуқ ҚФЙ, Қорағул МФЙ	641	2353	3,8	105583	41200	219910	382391	12500	34151	795735	338,2	9548820	4058

3.7-жадвал давоми

Избоскан	Ўртоқлар ҚФЙ, Янги обод МФЙ	639	2259	3,5	101124	39150	212333	362212	11257	31432	757514	335,3	9090168	4024
	Ўртоқлар ҚФЙ, Қўшкўприк МФЙ	657	2317	3,5	104520	41150	217215	379564	11458	33284	787191	339,7	9446292	4077
Мархамат	Шукурмерган ҚФЙ, Шукурмерган МФЙ	423	2444	5,8	62400	9475	233520	14316	8232	32760	360703	147,6	4328436	1771
	Мархамат ҚФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ	541	2855	5,3	60379	19983	100010	37319	11429	92165	321286	112,5	3855426	1350
Олтинкўл	Оразий ҚФЙ, Узунқўча МФЙ	499	3511	7,0	85975	7532	47350	106255	19505	7037	273654	77,9	3283854	935
	Оразий ҚФЙ, Кўтармачек МФЙ	440	3009	6,9	73425	6672	48560	94110	15792	6094	244653	81,3	2935834	976
Улуғнор	Мингчинор ҚФЙ, Мингчинор МФЙ	673	3454	5,1	75458	5499	197124	10258	8754	71478	368571	106,7	4422852	1281
	Мингчинор ҚФЙ, Учқўприк МФЙ	512	2014	3,9	49879	4665	145265	7854	8451	54125	270239	134,2	3242868	1610
Пахтаобод	Уйғур ҚФЙ, Учқўрғон МФЙ	340	1982	5,8	59850	12560	266580	28900	6720	46110	1237	212,3	14848,9	2547,2
	Уйғур ҚФЙ, Соҳил МФЙ	338	1878	5,6	52546	14320	198340	23540	5540	55830	1035,8	186,4	12430,2	2237,2
Хўжаобод	Хўжаобод ҚФЙ, Бобур номли МФЙ	485	2440	5,0	115421	37484	68255	43659	12734	66818	344371	141,1	4132452	1694
	Хўжаобод ҚФЙ, Гулистон номли МФЙ	322	2152	6,7	77387	25500	62600	42500	11900	54850	274737	127,7	3296844	1532
Қўрғонтепа	Савай ҚФЙ, Бобохонов МФЙ	517	2742	5,3	90873	44495	186100	15300	7700	23100	367568	134,1	4410816	1609
	Савай ҚФЙ, Ғалаба МФЙ	316	1579	5,0	47387	20400	76900	31061	11761	36700	224209	142,0	2690508	1704
Шахрихон	Найнаво ҚФЙ, Кумарик МФЙ	427	2173	5,1	66364	23420	35310	94520	19810	9995	249419	115	2993028	1377
	Пахтаобод ҚФЙ, Ёнбош дурман МФЙ	426	2160	5,1	67478	24510	36480	105330	24530	13353	271681	126	3260172	1509
Вилоят бўйича жами:		**14630**	**75353**	**5,2**	**2330099**	**627146**	**4178446**	**2920451**	**310144**	**1018898**	**10616894**	**146**	**127399125**	**1752**

Манба: Вилоятда 2011 йилда олиб борилган мониторинг натижалари асосида тузилган.

Вилоятда битта оилага тўғри келадиган йиллик даромадни табақаланишини аниқлаш учун мониторинг олиб борилган уй хўжаликлари сонига қараб учта гуруҳга ажратилди (3.8-жадвал). Натижалар кўрсатишича III гуруҳга кирган 66,5 фоиз уй хўжаликларида мониторинг ўтказилган қишлоқ йиғинларининг 63,5 фоиз ёки 47884 киши яшайди. Улар улушига 1 ойлик жами уй хўжаликлари даромадининг 67,7 фоизи тўғри келади. Ушбу III гуруҳ уй хўжаликларида тадбиркорлик, шу жумладан, деҳқончилик даромадлари энг катта улушни, яъни 67,6 фоизни ташкил этади. Бу шундан далолат беради, мониторинг ўтказилган туманлардаги аксарият уй хўжаликлари даромадларини ишлаб чиқариш ва оила тадбиркорлигидан олади, бу оила аъзоларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига устувор эътибор қаратаётганлигини кўрсатади.

Андижон вилояти туманлари қишлоқ ва маҳалла йиғинлари уй хўжаликларининг даромади ва улар таркиби

3.8-жадвал

Кўрсаткичлар	Жами	Уй хўжаликлари гуруҳлари бўйича даромад таркиби					
		I (400гача)		II (401-500)		III (500дан ортиқ)	
		жами	%	жами	%	жами	%
Уй хўжаликлари сони	14630	1706	11,7	3190	21,8	9734	66,5
Аҳоли сони	75353	9540	12,7	17929	23,8	47884	63,5
Жами 1 ойлик даромадлар (млн сўм)	11385,3	1628,6	100	2044,4	100	7712,3	100
шундан:							
иш ҳақи	2330,1	357,3	22,0	525,7	25,7	1447,1	18,8
стипендия	23,9	2,9	0,2	2,9	0,1	18,1	0,2
нафақалар ва моддий ёрдамлар	627,2	91,5	5,6	114,0	5,6	421,7	5,5
норасмий фаолиятдан олинган даромад	4178,5	630,4	38,7	630,1	30,8	2918,0	37,8
томорқа даромади	2920,5	312,5	19,2	466,3	22,8	2141,7	27,7
чорвачиликдан олинган даромадлар	310,2	41,0	2,5	111,0	5,4	158,2	2,1
бошқа даромадлар	994,9	193,0	11,8	194,4	9,6	607,5	7,9

Манба: Андижон вилояти туманларида олиб борилган мониторинг натижалари асосида тузилган. Гуруҳлаш уй хўжалиги сони бўйича амалга оширилган.

Бундай муносабат уй хўжалигининг ўртача битта оила аъзосига тўғри келадиган йиллик даромадига ҳам таъсир кўрсатади. Таҳлил қилинаётган уй хўжаликларининг I гуруҳида ўртача 1 та оила аъзосига 1 йилда 1081,7 минг сўм даромад, II гуруҳда 1368,4; III гуруҳда 1932,7 минг сўм даромад тўғри келади. Айни пайтда уй хўжалиги даромадлари бошқа қатор омилларга ҳам боғликдир. Оила аъзолари сони, таркиби ва уларнинг маълумот даражаси шулар жумласига киради. Шаҳрихон туманидаги 3 та қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) ҳудудидаги 88 та уй хўжаликларида ўтказилган анкета сўровлари натижалари шуни кўрсатдики, оила сони ўртача 5,7 киши бўлиб, уларнинг 54 фоизи фермер хўжалиги (15%), уй хўжалиги (27%), хусусий тадбиркорлик (12%) соҳаларида ишлайди, қолган 46 фоизи эса маълум касб эгалари сифатида бошқа корхона ва ташкилотларда меҳнат қилади. Ана шу оила аъзоларининг фақатгина тадбиркорлик соҳасидан олган даромади йилига бир киши ҳисобига, оилада истеъмол қилинган ўз маҳсулотлари қиймати билан ўртача 4,2 млн. сўмни ташкил этади (3.9-жадвал).

Анкета сўровлари орқали ўрганилган оилаларда, унинг аъзолари умумий сонининг 12 фоизидан ортиғи олий, 55 фоизи эса ўрта махсус касбий маълумотли ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, оила бошлиғи олий ёки махсус касбий маълумотга эга бўлса, ушбу оиланинг даромади бошқаларга нисбатан юқори бўлиш қонуниятига эга. Масалан, Шаҳрихон туман Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинининг 22 та уй хўжалигида 18 та олий ва 29 та махсус касбий маълумотга эга оила аъзолари мавжуд бўлиб, уларда битта оилага йилига ўртача 7,9 млн. сўмлик тадбиркорлик даромади тўғри келади. Шу тумандаги Абдубий ҚФЙнинг 22 та уй хўжалигида эса 10 та олий ва 19 та махсус маълумотга эга аъзолари бор оила, йилига ўртача 6,2 млн. сўм даромад олади.

Ушбу таққослашлар шундан далолат берадики, уй хўжаликлари оила аъзоларининг касбий билимининг юқори бўлишига мамлакат иқтисодий ўсиши ҳамда тадбиркорлик ривожланишининг муҳим омилларидан бири сифатида қараш лозим. Бу ўз навбатида республикамизда олий маълумотга эга бўлган турли касб эгаларини кенг миқёсда тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради. Шу билан бир вақтда касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларни янада пухта, халқаро андозаларга мос билим берадиган ўқув масканларига айлантириш вазифаларини самарали ҳал этиш талаб этилади.

Андижон вилояти Шахрихон тумани қишлоқ фуқаролари йиғини уй хўжалиги аъзолари таркиби

3.9-жадвал

Уй хўжаликлари тартиб рақами ва жойлашган қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ)		Оила аъзолари					Ишлайдиган оила аъзолари (киши)					Жами оила даромади (млн сўм)	Оила аъзолари маълумотлари		
		Жами	шундан				фермер хўжалигида	уй хўжалигида	бошқа корхонада	хусусий тадбиркор	бошқа касб эгаси		олий	ўрта	коллеж (лицей) маълумоти
			ишлайдиганлар	ўқийдиганлар	нафақадагилар	ишсизлар									
1-11	Абдубий ҚФЙ	66	30	31	5		9	8	1	4	8	40,38	5	36	9
12-22	Пахтаобод ҚФЙ	58	24	26	8		4	6	-	1	13	35,35	10	32	15
23-33	Гулистон ҚФЙ	58	21	30	7		8	7	-	5	1	49,06	2	25	3
34-44	Пахтаобод ҚФЙ	68	35	30	3		4	11	-	2	18	117,93	13	18	10
45-55	Гулистон ҚФЙ	52	27	19	4	2	1	7	2	2	15	54.05	7	22	10
56-66	Пахтаобод ҚФЙ	74	30	25	12	7	1	10	1	3	15	57,45	8	24	19
67-77	Гулистон ҚФЙ	63	26	27	4	6	2	7	2	1	14	71,41	9	18	8
78-88	Абдубий ҚФЙ	59	27	31	1		3	1	3	2	18	96,20	5	13	10
Жами		498	220	219	44	15	32	57	9	20	102	521,83	59	188	84

Манба: лойиҳа ижрочилари анкета – сўров натижалари асосида тузилган.

Маълумки, уй хўжаликлари жамиятнинг кичик модели сифатида мамлакат ҳудудларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Таъкидлаш лозимки, уй хўжаликлари товар ва хизматларни асосий истеъмолчиси сифатида ялпи ҳудудий маҳсулотни шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Бу ҳудудда узоқ муддатли стратегик хусусиятга эга инвестиция ресурслари кўпайишига олиб келади.

Уй хўжаликларининг ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишига таъсир доираси қуйидаги йўналишлар билан тавсифланади:

– ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолияти ва бунинг натижасида ЯҲМни ва унинг бюджет даромадларини шакллантиришда иштирок этиши;

– ҳудудий инвестиция жараёнида билвосита (кредит тизими механизмлари орқали) ёки бевосита (ҳудуддаги корхоналар қимматли қоғозларини харид қилиш орқали) иштирок этади;

– ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг узоқ муддатли, барқарор ва самарали фаолият кўрсатишининг муҳим стратегик шарти ҳисобланган меҳнат ресурсларини қайта тиклаш;

– ҳудудда озиқ-овқат бозорини ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан таъминлаш;

– жамоатчилик ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилотлар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш муассасалари орқали ҳудуд иқтисодиётини бошқаришда иштирок этиш.

Шуларни ҳисобга олганда қишлоқда уй хўжаликларини ривожлантириш йўналишларини аниқлаш нафақат улар даромадини, балки оила аъзоларини иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда ҳудудий маҳсулот ҳажмини оширишга имконият яратади.

Шаҳрихон туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғини хонадонларида ўтказилган анкета сўров натижалари уй хўжалигини ривожланиши истиқболи ва даромадлари қуйидагиларга боғлиқлигини кўрсатди:

– йирик зотдор қора моллар, қўйлар ва паррандалар сонини кўпайтириш (56,8 фоиз уй хўжаликлари);

– ердан унумли фойдаланиш ва юқори сифатга эга экин уруғини экишни кенгайтириш (25 фоиз уй хўжаликлари);

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва шу каби бошқа ишларни касаначилик йўли билан амалга ошириш (28 фоиз уй хўжаликлари);

– иккиламчи сабзавот ва картошка ҳамда чорва озуқаси экинлари учун қўшимча ер майдони ажратишни кенгайтириш (19,3 фоиз уй хўжаликлари);

– эртаги ва кеч кузги экинлар экиш учун иссиқхоналар ташкил этиш (29,5 фоиз уй хўжаликлари).

Ушбу йўналишларда зарурий ишларни амалга ошириш учун 62,5 фоиз уй хўжалиги бошлиқлари банк кредити зарур эканлигини, қолган 37,5 фоизи эса кредитсиз ўз маблағи ҳисобига хўжалигини ривожлантириш имконияти борлигини кўрсатган.

Бу уй хўжаликлари жамғармаларини кўпайтириш билан боғлиқ. Уй хўжалиги жамғармаси – уларнинг соф даромадининг жорий истеъмолдан қилинган қисми ҳисобланади. Бундай жамғарма маблағи оилани келгусида янада мустаҳкамлаш ҳамда турли даромад келтирувчи, шу жумладан, оила тадбиркорлигини ташкил этиш ва уни янада ривожлантиришга сарфланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, оила жамғармалари оила турмуш даражаси ва сифатини ошириш билан боғлиқ харажатларга, жумладан янги уй-жойларга эга бўлиш, уй-рўзғор воситаларини янгилаш, болаларни олий ўқув юртларида ўқитиш ва бошқаларга сарфланади ва бу мамлакатимизда босқичма-босқич ўсиб бориш тенденциясига эгадир. Шу билан бир вақтда, оилаларга ҳукумат томонидан уларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида узоқ ҳамда қисқа муддатли кредитлар ажратиш оила фаровонлигини муҳим омили бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

3.3. Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий асослари ва самарадорлигини ошириш йўналишлари

Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликларининг ўз оила аъзолари меҳнатидан фойдаланиб ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, оила бошлиғига (раҳбарига) ажратиб берилган ер участкасида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда оила ихтиёридаги чорва молларини ушлаб туриш ҳисобига гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали амалга оширилади. Шу билан бир вақтда уй хўжалиги оила аъзолари бошқа шаклдаги оила тадбиркорлиги ёки якка тартибда меҳнат фаолияти олиб бориши мумкин.

Аммо қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари оила аъзоларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уларни уй шароитида қайта ишлаш билан боғлиқ фаолият олиб боришади. Бу фаолият юридик шахс мақомига эга бўлган ёки унга эга бўлмасдан деҳқон хўжалиги ташкил этиш билан амалга оширилади. Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ уй хўжаликларида томорқа еридан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, ўзи етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмоли ва истеъмолдан ортиқча маҳсулотларни бозорда сотиш, уларга қилинган харажат, олинган даромад ва оила фойдаси даражаси Андижон вилояти Шаҳрихон туманига қарашли қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) ҳудудларида жойлашган уй хўжаликларида анкета сўровлари орқали ўрганилди. Бунинг учун Абдубий, Пахтаобод ҳамда Гулистон ҚФЙ уй хўжаликлари 8 та гуруҳга ажратилиб, улардан 88 тасида анкета сўровлари ўтказилди.

Анкета сўровлари ўтказишдан қўйилган асосий мақсад – уй хўжалигида оила бюджетини шакллантиришнинг иқтисодий асосини ўрганиш ҳамда томорқа еридан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва оила даромадини ошириш йўлларини асослашдан иборат.

Шаҳрихон тумани Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Туманда вилоят аҳолисининг 9,4 фоизи яшайди. Туман аҳолисининг 63,2 фоизи (ёки 161,9 минг киши) қишлоқ жойларда истиқомат қилади.

Туманда 5 саноат корхонаси, 10 қўшма корхона, 334 та фермер хўжалиги, 2690 ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритади.

Шаҳрихон туманида 76 та фуқаролар йиғини ва маҳаллалар мавжуд. Бу кўрсаткич бўйича туман Андижон туманидан кейин вилоятда иккинчи ўринда туради.

Туман уй хўжаликларида 2011 йилда 72,2 минг тонна сабзавот, 14,3 минг тонна картошка, 14,5 минг тонна мева, 1,1 минг тонна узум, 6,8 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 62,5 минг тонна сут ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Уй хўжаликлари ишлаб чиқарган ушбу тур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми туманда етиштирилган жами маҳсулотларнинг 65 – 85 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда туманда 43,5 мингдан ортиқроқ уй хўжаликлари фаолият кўрсатади.

3.10-жадвалда анкета сўровлари ўтказилган Шаҳрихон тумани ҚФЙ уй хўжаликларининг жами томорқа ер майдони, экин

майдони, уларда экиладиган экин турлари, чорва моллари таркиби ҳамда уй хўжаликларининг даромадлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Уй хўжаликларининг томорқа ерлари унумдорлик кўрсаткичлари улардаги мавжуд ер майдонининг катта-кичиклигига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Шаҳрихон туманидаги ҚФЙга қарашли анкета сўровлари ўтказилган 88 та уй хўжаликларига ажратилган умумий ер майдони 1077 сотихдан иборат бўлиб, шундан 570,5 сотихи ёки 52,9 % экинлар экиладиган ер ҳисобланади. Жами экин экиладиган ер майдонининг 47,5 % ёки 271 сотихи картошка, 137,5 сотихи помидор, 148,5 сотихи сабзавот ва кўкатлар ҳамда қолган 13,5 сотих ер маккажўхори ва мевали дарахтлар билан банд.

Туманда ўртача битта уй хўжалигининг томорқа ери 12,2 сотихни ташкил этади. Шундан туман бўйича ўртача 6,5 сотих ерда деҳқончилик қилинади, унинг қарийб 82 фоизида картошка етиштирилади. Туман қишлоқ фуқаролар йиғини гуруҳлари кесимида ер майдонининг катталиги 1- ва 8 – гуруҳдаги Абдубий ҚФЙ уй хўжаликларида 173 ва 153 сотихдан бўлиб, нисбатан кичиклиги жиҳатдан қуйи ўринларда 2- ва 6-гуруҳ Пахтаобод ҚФЙ уй хўжаликлари 112 ҳамда 119 сотих ер майдонига эгалиги билан ажралиб турибди. Абдубий ҚФЙ битта уй хўжалиги ўртача 14,8 сотих ер участкасига, Пахтаобод ҚФЙда эса ўртача битта уй хўжалиги 10,5 сотих ерга эга.

Уй хўжаликлари жами еридан экин экиладиган майдоннинг катталиги жиҳатдан 4-гуруҳ Пахтаобод ҚФЙ тўғри келади. Улар ихтиёридаги 142 сотих ер майдонидан 88 сотихи ёки 62 % қишлоқ хўжалигида фойдаланилади.

Ўрганилаётган уй хўжаликларида ўтган 2011 йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг бозор баҳоларидаги қиймати 78,44 млн. сўмга тенг. Яъни 1 сотих экилган ердан уй хўжаликлари ўртача 130,2 минг сўмлик даромад олган. 1 ва 8-гуруҳга кирувчи Абдубий ҳамда 4-гуруҳ Пахтаобод ҚФЙга қарашли уй хўжаликларида 1 сотих экин майдони ҳисобига мос равишда 146,2 ва 193,7 минг сўм даромад олинган. Нисбатан паст даромад 2 ва 6-гуруҳга кирувчи Пахтаобод ҳамда 7-гуруҳ Гулистон ҚФЙ уй хўжаликлари ҳисобига тўғри келади (3.10-жадвал).

Андижон вилояти Шахрихон тумани
қишлоқ фуқаролар йиғини уй хўжаликлари экин майдони ва чорва моллари таркиби

3.10-жадвал

Уй хўжалиги рақами ва жойлашган ҚФЙ		Томорқа ери (сотих)							Чорва моллари сони, бирлик			Жами даромад, (млн. сўм)		
		Жами	шундан экиладиган ер	улардан										
				картошка	помидор	маккажўхори	сабзавот ва кўкатлар	мевалар (туп)	корамол	қўй, эчки	паранда	деҳқончиликдан	чорвачиликдан	жами
1-11	Абдубий ҚФЙ	173	98	51	24	7	16	40	15		45	14,2	17,37	31,57
12-22	Пахтаобод ҚФЙ	119	59,5	26,5	7	1	25	1	6	7	21	4,93	2,28	7,21
23-33	Гулистон ҚФЙ	123	65	37	10		18	57	10	-	27	8,85	12,0	20,85
34-44	Пахтаобод ҚФЙ	142	88	46,5	12		29,5	52	21	10	23	16,66	27,88	44,54
45-55	Гулистон ҚФЙ	133	66	21	29	3	13	13	15	4	47	9,56	9,23	18,79
56-66	Пахтаобод ҚФЙ	112	48,5	23	13	2,5	10	29	11	6	29	4,86	5,3	10,16
67-77	Гулистон ҚФЙ	122	72,5	30	27,5		15	22	11	2	42	6,38	16,72	23,1
78-88	Абдубий ҚФЙ	153	73	36	15		22	3	25	2	106	13,0	37,77	50,77
Жами		**1077**	**570,5**	**271**	**137,5**	**13,5**	**148,5**	**217**	**114**	**31**	**340**	**78,4**	**128,55**	**206,99**

Манба: анкета сўров маълумотлари асосида тузилган.

Ўрганилаётган Шаҳрихон тумани ҚФЙ уй хўжаликларида битта оилага ўртача 1,3 та қорамол, шундан 0,8 та сигир, 4 та парранда, 0,3 та қўй ва эчки тўғри келади. Чорвачиликдан олинган жами даромад 128,55 млн. сўмни ташкил этади. Ёки битта уй хўжалиги ҳисобига чорвачиликдан ўртача 1460,8 минг сўм даромад олинган. Чорвачиликдан 1-гуруҳ Абдубий ҚФЙ, 4-гуруҳ Пахтаобод ҚФЙ, 7-гуруҳ Гулистон ҚФЙ ва 8-гуруҳ Абдубий ҚФЙ уй хўжаликларида нисбатан юқори даромад олинган.

Анкета сўровлари ўтказилган 88 та уй хўжалигида битта оилага деҳқончилик ва чорвачиликдан ўртача 2,4 млн. сўмлик даромад тўғри келади. Нисбатан битта оила ҳисобига энг юқори даромад (ўртача 3,9 млн.сўм) Абдубий ҚФЙ уй хўжаликларида олинган.

Анкета сўровлари ўтказилган уй хўжаликларида асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Туман бўйича 88 та уй хўжалигида 315,8 центнер картошка етиштирилган, шундан 121,4 центнери деҳқон бозорларида сотиш, 191,6 ц. ёки 60,6 фоизи оилада истеъмол қилиш учун тақсимланган (3.11-жадвал). Бошқача қилиб айтганда, битта уй хўжалиги ҳисобига ўртача 358,8 кг. картошка етиштирилган бўлиб, шундан ўртача 218 кг. оилада истеъмол қилинган.

Шунингдек, ўрганилаётган уй хўжаликларида 214,1 ц. памидор, 155,1 ц. сабзавот ҳамда 74,45 ц. мева етиштирилган. Етиштирилган помидорнинг 60,5 фоизи, сабзавотнинг 38,7 фоизи, меванинг қарийб 56 фоизи деҳқон бозорларида ёки тадбиркорларга сотилган. Ушбу рақамлар етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг (помидордан бошқа) товарлилик даражаси нисбатан ҳали паст даражада эканлигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда таъкидлаш ўринлики, анкета сўровлари ўтказилган уй хўжаликларида экинлар ҳосилдорлиги нисбатан паст ҳисобланади. Масалан, ўртача картошка ҳосилдорлиги гектарига 64,0 ц., помидор ҳосилдорлиги 155,7 ц/га, сабзавотлар ҳосилдорлиги 104,5 ц/га тенг.

Анкета сўровлари ўтказилган уй хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сутни уй шароитида қайта ишлаш амалга оширилади. Уларда 59 центнердан ортиқ гўшт, 30 минг литрдан ошиқ сут, 4,2 минг литр қатиқ, 4,16 центнер сарёғ ишлаб чиқарилган. Таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган уй хўжаликларида етиштирилган гўштнинг 78,3 фоизи, сутнинг 27,3 фоизи, тухумнинг қарийб 60 фоизи, сарёғнинг 31,5 фоизи деҳқон бозорларида сотилган, қолган қисми эса оилада истеъмол қилинган (3.12-жадвал).

Андижон вилояти Шахрихон тумани қишлоқ фуқаролар йиғини уй хўжаликларининг чорва маҳсулоти ишлаб чиқариш ва тақсимоти таркиби

3.12-жадвал

Уй хўжалиги рақами ва жойлашган ҚФЙ		Гўшт (ц)	шундан			Сут (1000л)	шундан			Қатиқ (1000 л)	шундан			Тухум (1000 дона)	шундан			Сарёғ (ц)	шундан		
			деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	Тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотил ган	оила истеъмоли
1-11	Абдубий ҚФЙ	8	2,5	5,5		5,02	2,94		2,08	0,3			0,3	4,36	2		2,36	1,3	0,5		0,8
12-22	Пахтабод ҚФЙ					1,6		0,8	0,8					1,54		0,4	1,14				
23-33	Гулистон ҚФЙ	8,1	7,5		0,6	1,87	0,76		1,11					1,63	1		0,63	0,5	0,3		0,2
34-44	Пахтабод ҚФЙ	12,1	10,7	0,5	0,9	4,56		1,5	3,06	0,02		0,02		21,05	19	0,5	1,55				
45-55	Гулистон ҚФЙ	7	6,4		0,6	2,74	1	0,7	1,04	0,07		0,05	0,015	2,49	1,2	0,7	0,59	0,35	0,35		
56-66	Пахтабод ҚФЙ	3,5	2		1,5	2,2	0,4	0,5	1,3	0,1			0,1	1,6			1,6	0,11			0,11
67-77	Гулистон ҚФЙ	13,7	12,7		1	2,2	0,7	0,6	0,9					1,44			1,44	0,26			0,26
78-88	Абдубий ҚФЙ	6,75	4,5	2	0,25	9,9	2,4	1,7	5,8	3,723		1,7	2,023	9,67	2,9		6,77	1,64	0,16		1,48
Жами		**59,15**	**46,3**	**8**	**4,85**	**30,09**	**8,2**	**5,8**	**16,09**	**4,208**		**1,77**	**2,438**	**43,78**	**26,1**	**1,6**	**16,08**	**4,16**	**1,31**		**2,85**

Манба: анкета сўров маълумотлари асосида тузилган.

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани киплок фуқаролар йиғини уй хўжаликларининг деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва таксимоти таркиби

3.11-жадвал

Уй хўжалиги рақами ва жойлашган КФЙ		Ишлаб чиқариш (и) ва истеъмолга таксимлаш															
		Картошка	шундан			Помидор	шундан			Сабзавот ва кўкатлар	шундан			Мевалар	шундан		
			деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли		деҳқон бозорида сотилган	тадбиркорларга сотилган	оила истеъмоли
1-11	Абдубий КФЙ	68	40	-	28	26	13	-	13	26,2	14,6	-	11,6	15	5,5	-	9,5
12-22	Пахтаобод КФЙ	25,8	0,5	-	25,3	8	-	-	8	13,15	-	-	13,15	-	-	-	-
23-33	Гулистон КФЙ	40,5	11	-	29,5	20,1	16	-	4,1	22,6	2,6	-	20	20	8,6	-	11,4
34-44	Пахтаобод КФЙ	54,3	24,5	2,5	27,3	36	25	-	11	40,7	33	-	7,7	14,5	8	0,5	6
45-55	Гулистон КФЙ	29	14,2	-	14,8	37	25	-	12	6,55	1,5	-	5,05	7,9	5,5	-	2,4
56-66	Пахтаобод КФЙ	16,2	-	-	16,2	17,5	7	-	10,5	3,5	-	-	3,5	7,7	2	-	5,7
67-77	Гулистон КФЙ	27	6	-	21	29	22,5	-	6,5	6,3	0,9	-	5,4	3,35	2	-	1,35
78-88	Абдубий КФЙ	55	25,5	-	29,5	40,5	14	7	19,5	33,1	7,5	-	25,6	6	5	-	1
Жами		**315,8**	**121,7**	**2,5**	**191,6**	**214,1**	**122,5**	**7**	**84,6**	**155,1**	**60,1**	**-**	**92**	**74,45**	**36,6**	**0,5**	**37,35**

Манба: анкета сўров маълумотлари асосида тузилган.

Ўрганилаётган уй хўжаликларининг ҳаммасида ҳам чорва маҳсулотлари етиштирилмайди. Таҳлиллар кўрсатадики, кўриб чиқилаётган 88 та уй хўжалигининг 48 тасида гўшт, 79 тасида қатиқ, 45 тасида тухум, 74 тасида сарёғ ишлаб чиқарилмаслиги аниқланган.

Уй хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни оиладаги истеъмоли ҳамда бозорда сотиш миқдори оиланинг умумий даромади ва фойда даражасини белгилайди.

Анкета сўровлари ўтказилган 88 та уй хўжалигида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг бозор баҳоларидаги умумий қиймати 78,44 млн. сўмни ташкил этган. Шундан бозорда сотилган деҳқончилик маҳсулотларидан олинган даромад 40,57 млн. сўмни ёки умумий қийматнинг 51,7 фоизни ташкил этади (3.13-жадвал). Шу орқали ушбу ҳисобга кирган уй хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини чиқариб ташлаганда 16 млн. 430 минг сўм соф фойда олган.

Деҳқончиликдан олинган умумий даромад ва фойда миқдори бўйича 6-гуруҳга кирувчи Пахтаобод ҚФЙ уй хўжаликлари олдинги ўринда туради. Ушбу гуруҳ уй хўжаликларида оила истеъмоли учун 10 млн. сўмликдан ошиқ деҳқончилик маҳсулотлари тўғри келади. Демак, ушбу гуруҳнинг битта оиласига 909 минг сўмлик деҳқончилик маҳсулоти истеъмол учун қолдирилган.

Ўрганилаётган гуруҳ уй хўжаликларида 128,55 млн. сўмлик чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шундан, 45,54 млн. сўмлик (ёки 35,4%) чорва маҳсулоти оиланинг шахсий истеъмолига тақсимланган. Бозорда 82,96 млн. сўмлик чорва маҳсулотлари сотилиб, ундан 33,92 млн. сўм соф фойда олинган.

Битта уй хўжалигига ҳисоблаганда оила истеъмоли учун 523 минг сўмлик чорва маҳсулоти ажратилган. Умуман олганда 88 та уй хўжалигида бозор баҳоларида 206,99 млн. сўмлик деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу битта уй хўжалиги ўртача 2,35 млн. сўмни ташкил этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 60 фоизи деҳқон бозорларида ҳамда тадбиркорларга сотилган. Натижада ўртача ҳар бир оила 570 минг сўмдан соф фойда олган. Шу билан бир вақтда ҳар бир оила ўртача 948 минг сўмга тенг маҳсулот истеъмол қилган. Бунда уй хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллиги 68,8 фоизни ташкил этади.

Андижон вилояти Шахрихон тумани уй хўжаликларининг деҳкончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш даромадлари ҳамда фойда кўрсаткичлари

3.13-жадвал

№	Уй хўжалиги жойлашган ҚФЙ	Деҳкончилик тармоклари бўйича иқтисодий кўрсаткичлар (млн. сўм)				Чорвачилик тармоклари бўйича иқтисодий кўрсаткичлар (млн. сўм)				Жами			
		Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати (бозор баҳоларида)	Маҳсулотлар сотишдан тушган соф даромад	Жами ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	Соф фойда (-) қопланмаган харажат	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати (бозор баҳоларида)	Маҳсулотлар сотишдан тушган соф даромад	Жами ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	Соф фойда (-) қопланмаган харажат	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати (бозор баҳоларида)	Маҳсулотлар сотишдан тушган соф даромад	Жами ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	Соф фойда (-) қопланмаган харажат
1-11	Абдубий ҚФЙ	14,20	9,0	2,57	6,43	17,37	12,89	3,93	8,96	31,57	21,89	6,50	15,39
12-22	Пахтаобод ҚФЙ	4,93	0,6	1,79	-1,19	2,28	0,5	0,47	0,03	7,21	1,1	2,26	-1,16
23-33	Гулистон ҚФЙ	8,85	2,47	1,94	0,52	12,0	10,90	4,16	6,74	20,8	13,37	6,11	7,26
34-44	Пахтаобод ҚФЙ	16,66	10,62	5,88	4,74	27,88	24,92	15,11	9,81	44,54	35,54	20,99	14,55
45-55	Гулистон ҚФЙ	9,55	5,93	2,83	3,1	9,03	8,52	4,60	3,92	18,59	14,45	7,43	7,02
56-66	Пахтаобод ҚФЙ	4,86	0,76	1,31	-0,55	5,4	2,45	1,88	0,57	10,26	3,21	3,18	0,02
67-77	Гулистон ҚФЙ	6,38	3,41	1,65	1,76	16,72	14,10	9,53	4,57	23,1	17,511	11,18	6,33
78-88	Абдубий ҚФЙ	13,0	7,78	6,16	1,62	37,77	8,68	9.36	-0,68	50,77	16,46	15,52	0,94
Жами		78,44	40,57	24,14	16,43	128,55	82,96	49,04	33,92	206,89	123,53	73,18	50,35

Манба: анкета сўров маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бирга Абдубий, Пахтаобод ва Гулистон ҚФЙларига қарашли айрим уй хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари (3.14-жадвал) таҳлили шуни кўрсатадики, оила аъзоларининг даромадлари улар бандлиги (ишлаб турган жойи), ишловчининг маълумоти, ўз томорқасида ишлаб чиқариш ҳажмига кўпроқ боғлиқ ҳисобланади.

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани уй хўжаликлари иқтисодий кўрсаткичлари

3.14-жадвал

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Абдубий ҚФЙ		Пахта-обод ҚФЙ		Гулистон ҚФЙ		Ўртача битта уй хўжа-лиги кўрсаткичи
		А.Бегимов	М.Мирзалиев	К.Ахмада-лиев	О.Баратов	О.Тожи-боев	Ж.Йўлчиев	
Оила аъзолари сони	киши	6	8	7	4	5	4	5,7
шундан ишлайдиганлар	киши	5	4	3	2	3	3	3,3
улардан: фермер хўжалигида	киши	-	2	-	-	-	-	0,3
деҳқон хўжалигида	киши	-	2	-	-	1	1	0,8
хусусий тадбиркор	киши	1	-	1	-	1	-	0,5
бошқа корхонада	киши	2	-	1	1	1	1	1
бошқа касб эгаси	киши	2	-	1	1	-	1	1
Олий ва ўрта махсус маълумотли оила аъзолари	киши	3	3	4	1	1	2	2,3
Томорқа ери	сотих	12	15	15	20	6	12	13,33
шундан: экиладиган ер	сотих	6	10	4	15	2,5	6	7,25
улардан: картошка	сотих	4	7	3	4	1	2	3,5
сабзавот	сотих	2	2	1	8	1,5	2	2,75
бошқалар	сотих	-	1	-	2	-	2	0,83

3.14-жадвал давоми

Чорва моллари бош сони								
қорамоллар	бирлик	1	2	1	2	1	4	1,8
шундан:								
сигирлар	бирлик	-	2	1	1	1	2	1,5
қўй ва эчкилар	бирлик	2	2	5	3	2	3	2,8
парранда	бирлик	10	10	-	-	8	10	6,3
Деҳқончилик маҳсулот-лари ишлаб чиқариш:								
картошка	ц.	60	80	75	70	16	30	55,2
шундан оила истеъмоли	ц.	30	30	25	60	10	20	29,2
сабзавот	ц.	47	50	22	60	26	60	44,2
шундан оила истеъмоли	ц.	47	50	22	20	20	30	31,5
мевалар	ц.	-	10	-	-	10	50	11,7
шундан оила истеъмоли	ц.	-	6	-	-	10	10	4,3
Чорвачилик маҳсулот-лари ишлаб чиқариш:								
гўшт (тирик вазнда)	ц	20	15	-	20	10	10	12,5
сут	л.	-	960	420	1000	620	800	633,3
қатиқ	л.	-	150	50	70	50	65	64,2
тухум	дона	1500	500	-	600	-	850	3450
сариёғ	кг.	-	40	26	58	35	45	34
Оила аъзолари умумий даромади	млн. сўм	12,8	18,2	16,5	11,5	19,2	20,3	16,41
Шундан деҳқон хўжалиги даромади – жами	млн. сўм	5,8	6,2	2,5	5,1	2,0	2,9	4,1

3.14-жадвал давоми

Маҳсулот сотишдан олинган пул даромади	млн. сўм	4,34	3,25	1,70	3,10	1,75	2,0	2,69
Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари – жами	млн. сўм	3,00	1,80	0,95	1,75	0,70	0,65	1,48
Соф фойда	млн. сўм	1,34	1,45	0,75	1,35	1,05	1,35	1,2
Битта оила аъзосига тўғри келадиган умумий даромад	млн. сўм	2,13	2,27	2,36	2,88	3,84	5,08	2,88
Битта ишловчига тўғри келадиган даромад	млн. сўм	2,56	9,08	5,5	5,75	9,6	6,77	5,86
Бир сотих экилган ерга тўғри келадиган даромад	млн. сўм	0,97	0,62	0,64	0,72	0,80	0,49	0,57
Деҳқон хўжалиги рентабеллиги	%	44,7	80,5	78,9	77	250	207	81,8

Манба: анкета сўров маълумотлари асосида тузилган.

Кўриб чиқилаётган ушбу уй хўжаликларида бир оилага ўртача 16,41 млн. сўм даромад олинган. Бу ўртача битта оила аъзосига 2 млн. 880 минг сўмдан даромад тўғри келади. Ушбу кўрсаткич битта оиладаги ишловчига ҳисобланганда эса 5,86 млн. сўмга тенгдир.

Битта оила аъзосига энг катта ҳажмдаги даромад кўриб чиқилаётган уй хўжаликлари ичидан Ж.Йўлчиев (5,08 млн. сўм) ҳамда О.Тожибоев (3,84 млн. сўм) оилаларига тўғри келади. Битта ишловчига ҳисоблаганда эса энг юқори даромад О.Тожибоев (9,6 млн. сўм), М.Мирзалиев (9,08 млн. сўм) ва Ж.Йўлчиев оилаларида олинган. Бир сотих экилган ер ҳисобига энг юқори даромад А.Бегимов, О.Баратов, О.Тожибоев уй хўжаликларига тўғри келади. Ушбу кўрсаткичнинг гуруҳ ичидаги энг паст чегараси Ж.Йўлчиев оиласи уй хўжалигидадир.

Ушбу уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан ўртача 1,28 млн. сўм соф фойда олинган. Шундан энг юқори фойда (2,05 млн. сўм) М.Мирзалиев уй хўжалигига тўғри келади.

Ушбу уй хўжалиги 15 сотих ердан 10 сотихида деҳқончилик қилади ва бу хўжалик кўптармоқли бўлиб, нисбатан катта ҳажмда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Кўриб чиқилаётган уй хўжаликлари гуруҳида, фақат ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳисобга олганда деҳқон хўжаликлари ўртача рентабеллиги даражаси 81,8 фоиз. Айрим уй хўжаликларида (К.Ахмадалиев, Ж.Йўлчиев) мос равишда ушбу кўрсаткич 78,9 ва 207 фоизга тенг. Деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришнинг юқори рентабеллигига қарамасдан, ушбу уй хўжаликларида самарадорлик нисбатан ҳали паст даражада ҳисобланади.

Юқоридаги қиёслашлар уй хўжаликларида деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қатор ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Энг аввало, уй хўжаликларига чорва моллар бошини кўпайтиришга қўшимча кўмак бериш лозим. Бунинг учун уларга дон экинларидан бўшаган ерларга иккиламчи экинлар экишга қўшимча ер ажратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу тариқа уй хўжаликлари қўшимча сабзавот, картошка ҳамда озуқа учун маккажўхори етиштириш имкониятига эга бўладилар. Суғориш суви ҳамда уй хўжаликлари меҳнат ресурслари етарли бўлган Андижон вилояти шароитида бу масалани самарали ҳал этиш мумкин.

Шу билан бир вақтда уй хўжаликларига тадбиркорлар билан шартнома асосида озиқ-овқат, мева ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтиришда кўмаклашиш самарали йўллардан биридир. Чунки кўпчилик уй хўжаликлари экин мавсуми бошланишдан олдин уруғчилик ва бошқа экиш учун зарур бўлган ашёларни сотиб олишга маблағлари етарли бўлмайди. Шунингдек, мол боши сонини, айниқса, қорамолларни кўпайтириш имкониятлари ҳам чегараланган бўлади. Оила учун банкдан кредит олиб уй хўжалиги ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш катта хатарга эга ҳисобланади, анкета сўрови ўтказилган 88 та уй хўжалигидан 38 таси, ёки 43 фоизи имтиёзли кредитлар уй хўжалигини ривожлантириш, чорва моллари сотиб олиш, парранда сонини кўпайтириш, иссиқхоналар қуриш, яхши навли

уруғликларни сотиб олиш ва бошқа тур тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларини суғориш суви, минерал ўғитлар, ҳашаротларга қарши қўлланиладиган дорилар билан узлуксиз таъминлаш тизимини, унинг хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, уй хўжаликларининг катта иқтисодий салоҳияти ҳамда имкониятлари ҳозиргача тўлиқ ишга солинмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири–аҳоли даромадларини шакллантирувчи бозор механизмларининг етарлича ривожланмаганлиги ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда республика ва унинг минтақалари иқтисодиётини янада ривожлантириш учун уй хўжаликларининг кенг имкониятларини жалб этишни фаоллаштириш чораларини амалга ошириш лозим.

ХУЛОСА

1. Ҳозирги кунда уй хўжаликлари бошқа иқтисодиёт субъектлари билан бир қаторда ижтимоий ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Уй хўжалигининг аҳамияти шу билан белгиланадики, инсон капиталини асраш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ҳам фақат иқтисодиётнинг бошқа секторлари – давлат ва корхоналар доирасида тўлиқ ҳал этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, уй хўжалиги фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш йўлларини қидириш зарурлиги, бозор шароитида уй хўжаликларини ривожлантириш ва институционаллаштириш жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг долзарблигини кўрсатади. Ушбу муаммоларни ҳал этишнинг методологик асоси сифатида илмий ишда институционал ёндашув танлаб олинди. У, бизнинг фикримизча, турли иқтисодий шароитларда уй хўжаликларининг хатти-ҳаракатини энг холисона тавсифлаш имконини беради.

2. Институционал ёндашув асосида уй хўжалигини барча хусусиятларга эга бўлган ўзига хос ташкилот (иқтисодиёт субъекти) сифатида таърифлаш мумкин. Ташкилот сифатида уй хўжалигининг хатти-ҳаракати унинг аъзолари ўртасидаги уй хўжалиги учун хос бўлган қоида ва нормалар тизими билан белгиланади. Бундан ташқари, уй хўжалигининг фаолиятига, ўша даврда мавжуд бўлган институционал муҳит ҳам таъсир кўрсатади, буни буйруқбозлик–режали иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти ва ўтиш иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари фаолиятининг таҳлили ҳам исботлаб турибди.

3. Уй хўжалигининг асосий функцияси инсон капиталини асраш ҳисобланади. Ушбу функцияни самарали бажарилиши ўзаро боғлиқ ҳамда бошқа иқтисодий функцияларнинг ажратилиши билан белгиланади. Улар жумласига ишлаб чиқариш функцияси, молия ва ҳисоб юритиш функцияси, шунингдек, уй хўжалигини ресурслар билан таъминлаш функцияси, маҳсулотни тақсимлаш функцияси, ривожланишни режалаштириш функциясини киритиш мумкин. Уй хўжалиги томонидан ушбу функцияларнинг бажарилиши механизмини таҳлил қилиш, уларнинг ўзаро жипс боғлиқлиги, мажмуавийлиги ва уй хўжалиги доирасида бир-бири билан ўзаро уйғунлашиб кетиши тўғрисида хулосага келиш имконини беради, бу уй хўжаликлари фаолиятининг ташкилий хусусиятидан далолат беради.

4. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда уй хўжаликлари айрим муаллифлар томонидан статистик бирлик – ўзига хос ташкилот сифатида ўрганилган. Аммо улар фаолияти бозор иштирокчиси (бозор субъекти) сифатида етарлича таҳлил этилмаган. Уй хўжаликлари оила билан тенглаштирилиб, уларни биологик, ижтимоий ва ишлаб чиқариш функциялари ўртасидаги фарқлар ҳисобга олинмаган. Шу билан бир вақтда оила аъзоларининг ишлаб чиқариш, якка ва корпоратив тадбиркорликдаги иштироки, улар шакллари билан ҳам кам шуғулланилган. Шуларни инобатга олиб тадқиқотда, уй хўжалиги ва оила институтларининг ўзаро боғлиқ томонлари, фарқи ва уларнинг таркибий тузилишлари ҳамда функциялари асослаб берилган.

5. Тадқиқотда таъкидланганидек, ҳозирги бозор муносабати шароитида уй хўжалиги бошқа иқтисодий субъектлар билан доимий ўзаро ҳамкорликка киришади. Шунинг учун уй хўжалигини институционал ривожлантириш жараёни доирасида уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари муаммоси долзарб аҳамият касб этади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти амалиётида давлат билан уй

хўжаликлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этишнинг субсидиар тамойилига ўтиш билан тавсифланиши мумкин. Мазкур жараён ижтимоий-иқтисодий жавобгарликнинг уй хўжалигига ўтказилиши билан кузатилади. Буни уй хўжаликлари томонидан ўзаро ёрдам, ижтимоий соҳа тармоқларидан фаол фойдаланиш ва уй хўжалигининг аъзолари томонидан амалга ошириладиган ўзини-ўзи банд қилиш даражасининг ортиши кўринишида, уй хўжаликлари иқтисодий мустақиллигининг ўсиши мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, давлатнинг уй хўжаликлари билан ўзаро муносабати уй хўжаликларининг хатти-ҳаракатини тартибга солувчи расмий меъёр ва қоидаларнинг мавжудлиги билан ҳам тавсифланади. Ушбу нормалар жумласига ижтимоий нормативларни, қонунчилик ва қонун ости ҳужжатлари, шу жумладан, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятини тартибга солувчи қонунларда белгилаб қўйилган нормаларни киритиш мумкин.

6. Уй хўжалигини тўлақонли хўжалик юритувчи бозор субъектига айлантириш унинг фаолият юритишининг институционал асосларини такомиллаштириш натижаси ҳисобланади. Уй хўжалиги доирасида оилавий бизнеснинг ташкил этилиши, унинг ушбу ролининг намоён бўлишига мисол бўлиб хизмат қилади. Уй хўжаликлари фаолиятининг ушбу турини таҳлил қилишда бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий бўғини сифатида оилавий бизнесни янада ривожлантириш ва уй хўжаликлари доирасида ташкил этиладиган тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни амалга ошириш зарурлиги ойдинлашади.

7. Уй хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги босқичида, уларнинг умумий даромади асосан учта манба ҳисобига шаклланмоқда, яъни меҳнат ҳақи, тадбиркорлик ва мулкдан олинган даромадлар ҳамда ижтимоий тўловлар. Барча манбалар

ичида уй хўжаликлари даромадларининг оила тадбиркорлиги фаолиятидан олинган қисми ҳисобига улар кўпайиши кузатилмоқда. Шу билан бир вақтда қишлоқ аҳолиси уй хўжаликларининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари истеъмоли ҳам ўсиб бориш қонуниятига эга. Улар қиймати оиланинг соф даромади таркибида ҳисобга олинмайди. Ушбу тадқиқот доирасида ўтказилган анкета сўров натижаларига кўра, оила истеъмоли учун қолдирилган маҳсулотларнинг битта уй хўжалигига ҳисоблаганда ўртача қиймати 947 минг сўмни ташкил этади, шундан чорвачилик маҳсулотлари қиймати ўртача 518 минг сўмга тенг.

8. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатда босқичма-босқич амалга оширилган аграр ислоҳотлар натижалари, уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини рағбатлантириш ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг изчил ҳаётга жорий этилиши, уларнинг аксариятини мутлақ истеъмолчи (натурал ва ярим натурал хўжалик) даражасидан товар хўжалигига айланишига олиб келди ва бу жараён узлуксиз ривожланиш тенденциясига эгадир.

Юзага келган бундай катта бурилиш, уй хўжаликларининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятига таъсири ошди. Буни уй хўжаликларининг тадбиркорлик фаолияти даромадининг мамлакат ЯИМдаги улушининг 2005 йилда 4476,4 млрд. сўмдан 2011 йилда 22936,4 млрд. сўмга ёки 5,4 мартага ошганидан ҳам кўриш мумкин. Ёки қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 60 фоизидан ошиғи айнан уй хўжаликлари улушига тегишли эканлиги ҳам буни исботи ҳисобланади.

9. Тадқиқот жараёнида амалга оширилган прогнозлаш натижаларига кўра, 2015 йилга бориб (2011 йилга нисбатан) уй хўжалиги тадбиркорлиги ва мулкдан олинадиган оила даромади 46,6 фоизга ошиши кутилади. Бунинг натижасида уй хўжаликларининг

пировард истеъмоли шу даврда 17,9 фоизга, пул жамғармалари 51,2 фоизга, асосий капиталга инвестициялар киритиш имконияти 44,2 фоизга кўпайиши мумкин.

10. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аграр соҳада олиб борилган мулкий ва институционал ислоҳотлар натижасида қишлоқда фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш йўли билан хусусий мулкчиликни барпо этишга муҳим асос солинди.

Деҳқон хўжаликлари ўзларининг ишлаб чиқариш салоҳияти билан фермер ва бошқа тоифадаги қишлоқ хўжалик корхоналаридан устун туради, улар ер, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиб, оила истеъмоли учун ҳамда бозорда сотиш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариб, шунинг эвазига катта оилавий даромад оладилар. Бунга уй хўжаликлари тадбиркорлигига қонун орқали берилган кафолатлар ҳамда уларни ишлаб чиқариш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асос бўлиб хизмат қилмоқда.

11. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, оила даромади миқдори унинг аъзолари сони, таркиби ҳамда маълумоти даражасига боғлиқ. Анкета сўровлари ўтказилган 22 та уй хўжалигида 18 та олий ва 29 нафар махсус касбий таълимга эга оилаларда йилига ўртача битта оила 7,9 млн. сўм, худди шунча уй хўжалигида 10 та олий ва 19 нафар махсус маълумотга эга оилалар йилига ўртача 6,2 млн. сўм даромад олади. Шуларни инобатга олганда, оила аъзоларининг олий ва ўрта махсус таълим олиш имкониятларини кенгайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

12. Ўзбекистонда босқичма-босқич олиб борилган ислоҳотлар жараёнида уй хўжаликлари иқтисодиётининг давлат сектори ҳамда корхона (фирма) сектори билан бир қаторда алоҳида сектор сифатида шаклланди. Шу билан бир вақтда уй хўжалиги сектори миллий иқтисодиётда фақат истеъмолчи эмас, балки йирик ишлаб

чиқарувчи, ҳудудий ривожланишда муҳим роль ўйновчи иқтисодиёт субъектига айланди.

Шулар туфайли ЯИМ таркибидаги 29,5 фоиз яратилган қўшимча қиймат уй хўжаликлари улушига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, савдо, уй-жой хўжалиги ва шу каби бошқа тармоқларда яратилган ялпи қўшимча қийматда уй хўжаликлари улуши анча юқоридир. Булар ҳаммаси аҳоли жон бошига ойлик даромадларни 444,5 минг сўмдан (2005 й.) 2158,8 минг сўмга (2011 й.) ошишига олиб келди. Шу туфайли аҳоли истеъмоли харажатлари 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 5,2 баробарга ошди.

13. Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда асосий эътибор оила институти, уй хўжалиги тадбиркорлигини ривожлантириш учун институционал асослар яратишга қаратилмоқда. Бу қишлоқ жойларида деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имкониятини янада кенгайтирмоқда ва бу деҳқон хўжаликларини хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида мамлакат ижтимоий - иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини кескин оширмоқда.

14. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамизда уй хўжалигини ташкил этиш, уни бошқариш ҳамда бошқа субъектлар ўртасидаги иқтисодий-молиявий муносабатлари тўғрисида қонунчилик асослари яратилган бўлса ҳам, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш давом этаётган бир пайтда уларни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу давлат рўйхатидан

ўтиш, ер ажратиш, экинлар экиш ва ҳосил олиш, уларни сотиш, турли хизматлардан фойдаланиш жараёнида мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти - ҳаракатлари туфайли деҳқонлар ҳуқуқлари чекланиб қолаётганлигида намоён бўлмоқда. Шуларни инобатга олиб ва чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, қолаверса, қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республикамизда «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг хавфсизлиги» тўғрисидаги қонунни қабул қилиш ва унда бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда деҳқон хўжаликлари хавфсиз фаолиятини юритиш ва унинг кафолатини таъминлаш каби тартиб-қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

15. Уй хўжаликлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Иқтисодиётнинг ушбу сектори давлат ва корхоналар (ташкилотлар) билан ўзаро алоқада бўлиб бозор муносабатлари иштирокчиси ҳисобланади. Шу билан бир вақтда уй хўжалиги иқтисодий субъект сифатида қонунда эътироф этилган эмас. Бундай ҳолат улар манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уй хўжаликларини давлат ва бошқа бозор иштирокчилари олдида жавобгар шахс сифатида қараш имкониятларини бермайди. Шуларни ҳисобга олиб, «Уй хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёки шунга тенглаштирилган Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни кенг муҳокамадан сўнг қабул қилиш зарур.

Бундай ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш уй хўжаликлари салоҳиятини давлат, жамият, қолаверса, ҳар бир оилани мустаҳкам бўлишини таъминлашга йўналтириш билан бирга уларни жамият ривожидаги бурчини тўғри олиб боришга асос бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабрь 1992 йил (ўзгартиришлари билан).

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 29 август 1996 йил (ўзгартиришлари билан).

3. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. 30 апрель 1998 йил (ўзгартиришлари билан).

4. Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 31 октябрь 1990 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. «Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари» бюллетени, 1998. №10. 38-106 б.

6. Ўзбекистон Республикаси «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 20 апрель 1998 йил (ўзгартиришлари билан).

7. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2 май 2012 йил (ўзгартиришлари билан).

8. Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни. 6 декабрь 2001 й.

9. Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 26 август 2004 йил (ўзгартиришлари билан).

10. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни, 2005 йил.

11. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 23 март 2012 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3202-сонли Фармони.

13. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации деятельности и развитию фермерства в Узбекистане». Сборник законадательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 43, с. 493.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 мартдаги «Мустаҳкам оила йили Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1717-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–4232-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1604-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти «2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади». // Халқ сўзи. Январь 2012 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларини деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тартиби».

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 216-сонли Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги «2012 – 2016 йилларда қишлоқ хўжалигини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурини амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сонли Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари

25. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

26. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

27. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи. 2009 йил 9 февраль.

28. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

29. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

30. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 13 ноябрь 2011 йил.

31. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Президентнинг 2012 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 19 январь 2013 йил.

V. Китоблар, ўқув қўлланмалар, монография ва диссертациялар

32. Абдуллаев А., Умаров Н. Миллий ҳисоблар тизими ва макроиқтисодий кўрсаткичлар статистикаси. – Т.: Молия, 2001. 92 б.

33. Азимов Р.С. АПК Узбекистана: проблемы развития. – Т.: Мехнат, 1987. – 104 б.

34. Ахмедова М.А. Домашнее хозяйство в системе национальной экономики и его роль в развитии рыночных отношений Республики Таджикистан // Автореф. дис. к.э.н., Худжанд, 2012. – 18 с.

35. Барр Р. Политическая экономия [Текст]. В 2-х т. Т. 1. – М.: Международные отношения, 1994.

36. Баскакова И.В. Функции домашных хозяйств и их реализация в условиях трансформируемой экономики. Диссертация на соиск. ученой степени к.э.н., Екатеринбург. 1997. – 177 с.

37. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 221бет.

38. Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш: ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. - 173 б.

39. Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Индекатив режалаштириш: ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 197 б.

40. Беркинов Б.Б. Кооперацияга асосланган касаначилик. Илмий-оммабоп рисола. –Т.: ТДИУ, 2008.–30 б.

41. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2000. – 895 с.

42. Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: Прогресс, 1987.

43. Газиев Ш.М. Маҳалла ва кичик оилавий бизнес. Оммабоп рисола. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 46 б.

44. Гэлбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. – М.: Прогресс, 1976.

45. Жеребин В., Романов А. Экономика домашних хозяйств. – М.: Финансы/ ЮНИТИ, 1998, - 25 с.

46. Казарезов В.В., Рассказов А.Н. Личные подсобные хозяйства в прошлом и настоящем. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2002 – 172 с.

47. Камаев В.Д. Учебник по основам экономической теории [Текст] - М., Гуманит. изд. центр «ВЛАДОС», 1994. – 640с.

48. Ковалюк, О.М. Сімейні господарства України: принципи, механізми, перспективи [Текст]: навчальний посібник / О.М.Ковалюк, Г.А.Лех, С.К.Реверчук; за ред. д-ра. екон.наук, проф.С.К. Реверчука. – К.: Атіка, 2002. – 176с.

49. Колдеева Е.В. Институциональные основы экономических отношений в сфере домашних хозяйств и изменение их роли как субъект-хозяйствования. Ярославль: диссертация на соискание учёной степени кандидат экономических наук. 2005. – 161с.

50. Копач К.В. Личное подсобное хозяйство сельского населения и его интеграция с общественным производством. – М.: Агропрогресс, 2000. – 280 с.

51. Кузмин В.Н. Состояние и тенденции развития фермерских хозяйств за рубежом. Библиотечка фермера. Вып. 1. – М.: Информагротех, 1991. – С. 29-33.

52. Куликова Е.В., Левит С.Р., Сбытова А.С. Доходы домашних хозяйств: показатели, методология, расчеты, источники информации. – М.: Госкомстат РФ, 1995. – 206 с.

53. Лаврова Т.В. Домашнее хозяйство в воспроизводственном процессе экономической системе. Диссертация на соиск. ученой степени к.э.н., Воронеж. 2008. – 187 с.

54. Мазная Е.А. Домашнее хозяйство в системе экономических отношений общества. Автореферат дисс. к.э.н. Самара, 2006. – 28 с.

55. Макконелл С.Р., Брю С.Д. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: Республика. – 1992. т. 2, - 396 с.

56. Мацковский М.С. Социология семьи: Проблемы теории, методологии и методики [Текст]. – М.: Наука, 1989. – 116 с.

57. Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – T.: TDIU, 2011, 323 b.

58. Милосердов В.В. Судьба российского крестьянства. Книга II. – Казань: Редакционно-издательский центр, 2011. – 372 с.

59. Мироненко О.В. Домашние хозяйства в системе социально – трудовых отношений. Автореферат дисс. к.э.н., Хабаровск. 2008. – 20 с. http://www.festu.khv.ru

60. Норт Д. Институты, институциональные изменения в фуикционирование экономики. – М. : Фонд экономической книги «Начало», 1997. – С. 6.

61. Нугуманова Л.Ф. Институциональная трансформация домашних хозяйств в современной экономике. Автореф. дис. на соиск. ученой степени д.э.н., Казань, 2012. – 32 с. vak.ed.gov.ru.

62. Ожегов С.И. Словарь русского языка.// Под ред. Н.Ю.Шведовой. – 17-е изд., стереотип. – М.: Рус. яз., 1985. – 797 с.

63. Олейник А. Институциональная экономика: Учебник.- М.: ИНФРА-М, 2009.-704 с.

64. Петухова Е.П. Совершенствование механизма регулирования домашнего хозяйства в современной экономике России. Автореферат дисс. к.э.н., Брянск, 2004. – 24 с.

65. Радаев В. Экономическая социология. – М.: Аспект Прогресс, 1997. – 309 с.

66. Резник С.Д., Бобров В.А. Управление семейной экономикой. – М.: Экономика, 2003.

67. Рыночные преобразования и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов.// Ред.колл.: И.Л.Бутиков,

Б.Б.Беркинов, Р.И.Яушев. – Т.: Консаудининформ, 2002. – С. 262-267.

68. Счета сектора домашних хозяйств: опыт использования понятий и составления счетов. Том 2, ООН Нью-Йорк, 2003, С. 335-371. unstats.un.org/unsd/publication/SeriesF/SeriesF_75v2R.pdf

69. Тюгашев Е.А. Экономика семьи и домашнего хозяйства: учебное пособие. – Новосибирск: СибУПК, 2002.

70. Умурзаков У.П., Чариев К.А. Организационно-экономические и правовые основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. – Т.: Мехнат, 1998. – 56 с.

71. Файзуллаев Ё.Ш. Стратегия повышения благосостояния населения. – Т.: ПРСОН, ЦЭИ, 2007.

72. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2000. -38 б.

73. Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., 1994. – 22 б.

74. Ҳусанов Р.Ҳ., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 104 б.

75. Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство: избранные труды// Ред. кол.сер.: Л.И.Абалкин и др. – М.: Экономика, 1989. – С. 62, 100.

76. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё., Додобоев Ю.Т. Миллий счетлар ва иқтисодий баланслар. Ўқув қўлланма. – Т.: 2003. – 103 б.

77. Шмелев Г.И. Производство сельскохозяйственных продуктов населением России. – М., 2002, с.108-111.

78. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2001. – 24 б.

79. Эконометрика: учебное пособие в схемах и таблицах. / Н.М.Гореева, Л.Н.Демидова, Л.М.Клозочуб и др. – М.: Эксмо, 2008. – 224 с.

80. Қосимов М.Ч. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: 2000. – 23 б.

81. Каюмов У.А. Повышение эффективности использования потенциала ЛПХ. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Т.: НИИРР в АПК, 1994. – 111 с.

82. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т., Ўқитувчи, 1998, - 179 б.

83. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Аграр - иқтисодий, илмий - оммабоп журнал. 2012 йил, №9. – Б. 43.

VI. Илмий мақолалар

84. Абсаматов А. Минтақада деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масалалари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., 2000. 4-сон.

85. Абсаматов А. Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш ва даромад манбаларини кенгайтириш йўллари. // Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти. Илмий амалий муаммолар бюллетени. Аграр иқтисодиёт. 3-4/2005. – 28 б.

86. Алиев Я., Бойдадаев М. Деҳқон хўжаликларида сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш йўналишлари. // Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти. Илмий амалий муаммолар бюллетени. Аграр иқтисодиёт. 3-4/ 2008, - 49 б.

87. Аралов Х. Деҳқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2010, № 2, - 27 б.

88. Аралов Х. Деҳқон хўжаликларининг шаклланиши ва ҳуқуқий асослари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2011, № 2, - 34 б.

89. Артемов В.А. О семейной экономике // ЭКО. – 1997. - № 4. – С. 113–123.

90. Ахмедов Ф. Хонадон хўжалиги ривожланиш даражасининг аҳоли турмуш фаровонлиги билан боғлиқлиги. Бозор, Пул ва Кредит. // 2010, № 6, -Б. 64-66.

91. Барсукова С.Ю. Сущность и функции домашней экономики. svbars@mail.ru

92. Батракова А.Г. Сбережения домашних хозяйств: сущность, группировки и роль в современной экономике // Деньги и кредит.– 2006. - № 11. - С. 66-69.

93. Беккер Г. Экономика семьи и макроповедения // США: ЭПИ. – 1994. - №2. – С. 99-107.

94. Беркинов Б.Б. Ўзбекистон иқтисодиётида уй хўжаликларининг ўрни ва истиқболда ривожланиш тенденциялари. // В сборнике «Стратегия дальнейщего повышения конкурентоспособности национальной экономики». Т.: ИПМИ при КМ РУз, 2012. – С. 170-174.

95. Беркинов Б.Б., Ахмедов У.К. Қишлоқда уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадини ошириш истиқболлари. // Иқтисодиёт ва таълим. ТДИУ, - 2012 №6. – 11-14 бетлар.

96. Бойчук Н.И., Корнеева Е.С. Домашние хозяйства как сектор экономики. // Вологдинские чтения. - 2005. - № 54-2. - С. 27-29. lib.usue.ru/text/bul2/bul310.htm

97. Ваҳобов А., Саидов Р. Республика хонадонларининг инвестициявий ресурслари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. - № 10. – Б. 54-57.

98. Winter M., Morris E. Family Resource & Family Business: Coming Together // Theory and Research, working paper. Ames: Iowa State University, Iowa Agriculture and Home Economics Experiment Station, 1996. P.2

99. Давыдова Н.М. Глава семьи: распределение ролей и способ выживания // Общественные науки и современность. – 2000. - № 4.

100. Капелюшников Р. Занятость в домашних хозяйствах населения // Вопросы экономики. – 2005. - №7. – С. 99-120.

101. Кокин А.С., Фетисов В.Д., Фетисова Т.В. Концептуальные основы финансового менеджмента домашних хозяйств // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского, 2009, №1. – С. 157-161. www.unn.ru/pages/issues/vestnik /99999999_ West_2009.../25.pdf

102. Лыткина Т.С. Распределение власти в семье как фактор стратегии занятости и организации домохозяйства // Рубеж. – 2001. - № 16-17.

103. Можайкина Н.В. Социально - экономическая сущность категории домохозяйства. //http/www.nbuuv.gov.

104. Мухторов А.Х., Худойбердиев Ў., Болтаев М. Деҳқон хўжаликлари: қишлоқда оила даромади ва аҳоли бандлигини оширишнинг асосий йўналиши. // Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти. Илмий амалий муаммолар бюллетени. Аграр иқтисодиёт. 2-3/ 2006, - 25 б.

105. Муҳамбетова У. Деҳқон хўжаликларининг меъёрий асослари.// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2010. № 9, - 25 б.

106. Муҳамбетова У. Деҳқон хўжаликларининг миллий иқтисодиётдаги ўрни. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги . – Т.: 2012, №7, - 31 б.

107. Олейник А. Домашнее хозяйство и другие организационные структуры.// Вопросы экономики. 1999, № 12.

108. Орлов Л.Ф. Исследование роли и места финансов домашних хозяйств в современной экономике России. // Вестник Московского государственного областного университета. lib.usue.ru/ text/bul2/bul310.htm

109. Прищепа Л.И. Экономическая роль домохозяйства и семьи в благосостоянии страны. Вестник БДУ. Сер. 3. 2209, №3. – С.83-87.www.elib.bsu.by/bitstream/123456789/5804/.../20%20 ПРИЩЕПА.p

110. Поведение домохозяйства в рыночной экономике. kondratyev.professorjournal.ru/c/document_library/get_file?p_l_id=520 889...

111. Радаев В.В. Человек в домашнем хозяйстве // Социологичекие исследования. – М., 1997, №4. – С. 64-72.

112. Рассказов А. Поддержка личных подсобных хозяйств населения.// Международный сельскохозяйственный журнал. – М., 2003. № 4. - С.3-8.

113. Стрижкова Е.Г. Потребление и сбережение домашних хозяйств – ключевой фактор посткризисного восстановления национальной экономики // Вопросы статистики. – 2000. -№ 5. – С.35-40.

114. Султонов Р.Ф. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришда молиявий жамғармаларнинг аҳамияти. // Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти. Илмий амалий муаммолар бюллетени. Аграр иқтисодиёт. 3-4/ 2005, - 28 б.

115. Финансы домашних хозяйств: структура и управление // Проблемы теории и практики управления. 2010, № 1.– С. 1-11. www.creditcoop.ru/index.php?option=com_content

116. Чаянов А.В. Избранные произведения [Текст] : научное издание. Сост. Е.В. Серова. - М. : Моск. рабочий, 1989. - С 39 -40.

117. Ғоибназаров Б.К. Уй хўжалиги секторининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни. // Иқтисодиётни модернизация ва ислоҳ этиш – барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли. Республика илмий амалий анжумани материаллари. – Т.: 2005, 15 март. 46-52 – б.

118. Гоибназаров Б.К. Проблемы формирования сектора домашнего хозяйства и их решение в рамках системы национального счетоводства Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени – к.э.н.. - Т., 1997. – 24 б.

VII. Статистик манбалар

119. Принципы и рекомендации в отношении проведения переписей населения и жилого фонда. Статистические документы. Серия М.- №67.- ООН, Нью – Йорк, 1981. – 68 с.

120.Статистичні збірники. Основні соціально-демографічні характеристики домогосподарств України у 2000 році [Текст]: Державний комітет статистики України 2000 рік.

121.Статсборник. Экономика Узбекистана: аналитический обзор за 1999-2010 гг. – Т.: 2000-2011.

122.Статсборник. Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан за 1999-2009 гг. – Т.: 2000-2010.

123.Статсборник. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999-2011 гг. – Т.:2000-2012.

VIII. Интернет манбалари

124. www.agro.uz – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти.

125. www.gki.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси расмий сайти.

126. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали.

127. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

128. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

129. www.fermers.uz – Информационный фермерский портал Узбекистана.

ИЛОВАЛАР

Уй хўжаликлари ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси (млрд. сўм)

1-илова



Уй хўжаликларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўзгариши (қўшилган қиймат бўйича)

2-илова



Уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестициялари ўзгариш динамикаси

3-илова



Ўзбекистон уй хўжаликлари ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогноз вариантлари

4-илова



Уй хўжаликлари ялпи даромади таркибининг ўзгариши (минтақалар кесимида)

5-илова



2005-2011 йилларда ўртача уй хўжалиги сони динамикаси (минг бирл.)

6-илова



Андижон вилоятида асосий деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари динамикаси
(тонна)
7-илова



Шахрихон туманида асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари динамикаси

12-илова



МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

I боб. УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан функционал боғлиқлиги..... 6

1.2. Уй хўжалигининг инсон капиталини ривожланишидаги функциялари ва уларнинг моделлари..... 19

1.3. Уй хўжалиги иқтисодиёти ва оилани бошқаришнинг концептуал асослари..... 27

II боб. УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАР ЎЗГАРИШИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

2.1. Уй хўжаликларининг иқтисодий фаолияти ва молиявий ресурсларни таксимлаш функциялари..... 39

2.2. Уй хўжаликлари даромади ва харажатлари таркиби ва уларнинг ўзгариш тенденцияси..... 51

2.3. Уй хўжаликлари даромадлари ва асосий капиталга инвестиция киритиш кўрсаткичларини прогнозлаш... 61

III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Республика иқтисодиётида уй хўжаликларининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари..... 72

3.2. Ҳудудларда уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадини ошириш истиқболлари..... 85

3.3. Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий асослари ва самарадорлигини ошириш йўналишлари..... 95

ХУЛОСА..... 109

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР..... 116

ИЛОВАЛАР..... 130

III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Республика иқтисодиётида уй хўжаликларининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари..... 72

3.2. Ҳудудларда уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадини ошириш истиқболлари..... 85

3.3. Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий асослари ва самарадорлигини ошириш йўналишлари..... 95

ХУЛОСА..... 109

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР..... 116

ИЛОВАЛАР..... 130

ҚАЙДЛАР УЧУН

Б.Б.БЕРКИНОВ,
У.Қ.АХМЕДОВ

УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Муҳаррир: М.Ҳайитова
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов
Мусаввир: Э.Мажидов
Мусаҳҳиҳа: Ф.Исмоилова
Компьютерда саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

Нашр.лиц. AI№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 26.04.2013 йил. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 9,75. Нашр босма табоғи 9,0. Тиражи 500. Буюртма №45.